

К.А.Машарипов

**ЎЗБЕКИСТОН
АДВОКАТУРАСИ**

Фарғона – 2008

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН АДВОКАТУРАСИ

(Адвокатура фани бўйича
ўқув-услубий кўрсатма)

Фарғона - 2008

Ушбу ўқув-услугий кўрсатмада Ўзбекистон адвокатураси ҳақида тушунча, адвокатуранинг мақсади, вазифаси, тизимини мазмуни очиб берилган. Мустақил Ўзбекистонда кейинги йилларда адвокатура фаолияти билан боғлиқ қатор қонун ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан адвокатнинг ҳуқуқий мақоми ўзгариши, унинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайиб, адвокатура тизимида «Адвокатлар ҳайъати ва фирмаси», «Адвокатлар бюроси», «Адвокатларнинг малака комиссиялари», «Адвокатларнинг ёрдамчиси» сингари тушунчаларнинг масалалари ёритиб берилган.

Шунингдек «Адвокатура тўғрисида» ги Қонунлар ва ҳимоя ҳуқуқига оид бошқа меъёрий ҳужжатлардан кўчирмалар берилган.

Мазкур ўқув-услугий кўрсатма адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи мутахассислар, адвокатлар, адлия ходимларига ва ҳуқуқшунослик касбини танлаган талабаларга, шунингдек, адвокатлик фаолиятига бефарқ бўлмаган кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Фарғона давлат университети, Илмий Кенгашининг 2007 йил 4 декабрдаги 4 - сонли қарори билан нашрга рухсат берилган.

Тузувчи: *К.А.Машарипов, кафедра мудири*

Тақризчилар: *М.Жиянов, ю.ф.н., доцент*
А.Қурбонов, Фар.вил. Адвокатлар
уюшмаси ҳайъати раёсат раиси

Кириш.

«Бугун инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари, уларни ҳар томонлама ҳимоялаш ва таъминлаш, жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштириш йўллари ҳақида гапирар эканмиз, бу мавзу дунёда ҳар доим, айниқса сўнгги пайтларда энг ўткир ва долзарб масала бўлиб келаётганини яққол кузатиш мумкин».

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни кафолатлаш масаласи барча тинчликсевар мамлакатлар каби Мустақил Ўзбекистон Республикасида олиб бораётган ислохотларнинг туб мазмун-моҳиятини ташкил этади. Давлатимиз олдидаги асосий вазифалардан бири - ҳуқуқий демократик давлат қуриш ҳамда, фуқаролик жамиятини барпо этиш. Бу ўринда адвокатура тизими ва унда фаолият кўрсатувчи адвокатлар марказий ўринни эгаллайди. Шу боис мамлакатимизнинг ушбу йўналишдаги сиёсатини адвокатура тизимининг ёрдамсиз тасаввур қилиш қийин, албатта Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг адвокатура тизимига эътибор кучайтирилиб, адвокатура институтининг жамиятдаги мавқеини оширишга йўналтирилган қонунлар, идоравий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, адвокатура тизимини такомиллаштиришга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилган.

Кейинги йилларда фуқароларнинг эркинликлари, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳамда юридик шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда адвокатларнинг роли сезиларли ошди. Республикада фаолият юритувчи адвокатлар бирлашиб, ўзларининг касбий бирлашмаси саналган Ўзбекистонда Адвокатлар Ассоциациясини туздилар. Бу эса ўз навбатида адвокатларнинг корпоратив бирлигини таъминлаш, касбий ҳимоясини кучайтириш ва адвокатларнинг малака ошириш имкониятини кенгайтиришга олиб келди.

АДВОКАТЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ.

Адвокатлик фаолияти, тушунчаси ва жамиятда тутган ўрни.

Адвокатура – қонунда белгиланган тартибда адвокатлик мақомини олган мустақил юристларни, улар томонидан таъсис этилган адвокатлик тузилмалари ва адвокатларнинг ўз-ўзини бошқариш органларини бирлаштирувчи нодавлат, нотижорат, ўз-ўзини бошқарувчи ва молияловчи касбий ташкилот бўлиб, фуқаролик жамиятининг алоҳида институти ҳисобланади.

Мақсади: Адвокатура ўқув курсининг мақсади ва вазифалари. Адвокатура тушунчаси ва вазифалари. Адвокатлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари. Адвокатнинг одил судловни амалга оширишда ҳақиқатни аниқлашга ёрдам бериши. Жамият аъзоларининг ҳуқуқий онгини оширишда ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда адвокатнинг ўрни.

Адвокатуранинг манбаалари: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - Адвокатура фаолиятининг асосий манбааси, «Адвокатура тўғрисида»ги қонун, «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонун. Фуқаролик процессуал кодекси ва жиноят процессуал кодекслари - соҳа манбаи сифатида. Адвокатлик фаолиятига доир бошқа қонун ва қонуности актлари.

Адвокатнинг одил судловни амалга оширишда ҳақиқатни амалга оширишда ёрдам бериши. Шахсга нисбатан суд-тергов идоралари томонидан ғайриқонуний усуллар қўллашига тўсқинлик қилиш. Айбдор шахснинг ҳаракатини тўғри ҳуқуқий малакалаш ва қилмишига адолатли жазо тайинлашга ёрдам бериши. Жамият аъзоларининг ҳуқуқ онгини ошириш ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда адвокатнинг роли.

Фаннинг вазифалари: Олий малака ва малака комиссияларини тузиш ва малака имтиҳонларини олиниш тартиби. Адвокатликка даъвогар шахснинг малака комиссиясига ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби. Малака комиссиясига имтиҳон топшириш тартиби. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи лицензияни тўхтатиб туриш. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи лицензияни бекор қилиш.

Адвокатлик фаолиятини асосий принциплари. Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва ижтимоий ҳимояси. Адвокатлик фаолиятининг турлари. Ҳуқуқий ҳужжатлар тузиш. Адвокатнинг ҳўжалик, фуқаролик ва маъмурий ишларда иштироки. Жиноят ишларини юритишда адвокат иштироки. Адвокат томонидан тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатиш ва қонун ҳужжатларида ман этилмаган бошқа турдаги юридик ёрдамлар.

Адвокатура жисмоний юридик шахсларнинг (кейинчалик-ваколат берувчи шахслар) давлат томонидан кафолатланган ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясида қайд қилинган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ифода этишга ёрдам кўрсатиш учун тузилган.

Адвокатура ҳимоя қилиш ва барча турдаги суд ишларини юритилишида, ҳўжалик суди ва холис ҳакамлар иштирокидаги ишларни ҳакамлик судида кўриб чиқишда, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларида, жамоат бирлашмаларида ва бошқа ташкилотларда вакилликни таъминлаш учун хизмат қилади.

Адвокатлик гонорари – адвокат (адвокатлик тузилмаси) ва ваколат берувчи шахс ўртасидаги шартнома билан белгиланадиган, адвокат (адвокатлик тузилмаси) томонидан кўрсатилган ҳуқуқий ёрдам учун бериладиган меҳнат ҳақи.

Адвокатлар маслаҳатхонаси – ҳудудий адвокатлар ҳайъати томонидан адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун таъсис этилган адвокатлар тузилмаси.

Адвокатлик ташкилоти – юридик шахс мақомига эга бўлган адвокатлар тузилмаси.

Адвокатлик тузилмаси – адвокатлик фаолиятини амалга оширишнинг барча ташкилий-ҳуқуқий шакллари.

Бириктирилган адвокат - адвокатлар тузилмасидан меҳнат шартномаси (контракти) асосида ишлайдиган адвокат.

Қонуний манфаат – амалдаги қонун ҳужжатларида, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларида тақиқланмаган ёҳуд уларнинг аниқ маъносига зид келмайдиган, ваколат берувчи шахсларнинг ҳар қандай манфаати.

Қонуний восита ва услублар – амалдаги қонунлар томонидан ман этилмаган юридик ёрдам кўрсатишнинг воситалари ва услублари.

Адвокатлар ҳайъати - мажбурий аъзоликка асосланган, республикаси ва ҳудудий ўз-ўзини бошқариш органларининг ягона ташкилий-ҳуқуқий шакли.

Адвокатлар реестри – адвокат ҳақидаги маълумотлар турлари. Адвокатлик тузилмаларининг реестри – адвокатлик тузилмалари ҳақидаги маълумотлар тўплами.

Адвокатлик мақоми – ўз фаолиятини амалга ошириш учун адвокатга берилган ваколатлар, ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва адвокат мустақиллигини кафолатларининг тўплами.

Юридик клиника – адвокат ёки ўқитувчи раҳбарлигида фуқароларга бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатувчи талабаларнинг олий ўқув юридик ўқув муассасалари қошидаги ташкилий-ҳуқуқий тузилмаси.

Юридик ёрдам ёки ҳуқуқий ёрдам – адвокатлик фаолиятини билдирувчи ўхшаш атамалар.

Адвокат, адвокатлик фаолияти.

Жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, жисмоний нуқсонларидан қатъий назар олий юридик маълумотга эга бўлган, малака имтиҳонини мувафаққиятли топширган, адвокат қасамёдини қабул қилган, адвокат

мақомини олган ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган жисмоний шахс адвокат бўлишга ҳақлидир.

Адвокатлар (адвокатлик тузилмалари) томонидан ваколат берувчи шахсларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, вакил сифатида қатнашиш, ҳимоя қилиш ва қонунларда ман қилинмаган бошқа юридик ёрдам турларини кўрсатиш адвокатлик фаолияти ҳисобланади.

Мустақиллик принципи.

Адвокатнинг мустақиллигини кўрсатувчи белгилардан бири қонунчиликда адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун ижозат бериш, бу фаолиятни тўхтатиб туриш ва тугатиш асослари ўз аксини аниқ топганлигидадир. Мазкур қонунда белгиланган асослардан ташқари ҳолларда адвокатнинг касбий фаолиятини чеклашга йўл қўйилмайди. Адвокат ўз касбий вазифаларини бажариш мақсадида адвокатлик фаолиятининг ташкилий шаклларида меҳнат қилиши мумкин, лекин у мижоз томонидан ўзига юклатилган топшириқларни бажариш йўлида, мижоз билан ҳуқуқий позицияни танлашда, ҳимоя усуллари қўллашда, маълумотлар йиғишда ва маслаҳатлар беришда мустақил бўлиб, маъмуриятнинг мижоз манфаатларига зид бўлган кўрсатма ёки фармойишларини бажармаслиги шарт. Гап шундаки, адвокат ўзи ишлайдиган фирма ёки ҳайъатда фақат ташкилий жиҳатдангина меҳнат қонунларига мувофиқ бўйсунди ва мазкур раҳбарий органларнинг унинг касбий фаолиятига ғайриқонуний тарзда аралашувига йўл қўйилмайди.

Адвокатнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган шартлардан бири унинг дахлсизлигидир. Адвокатнинг дахлсизлиги «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасида ўз ифодасини топган. Ушбу қонунга асосан, адвокатга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидангина қўзғатилиши мумкин. Қонунда мазкур ҳолатнинг белгилаб берилиши адвокат ўз касбий вазифаларини бажараётган вақтда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьялар томонидан унга нисбатан тазйиқ ўтказилиши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олади ва адвокат томонидан мижознинг манфаатларини қонуний восита-усуллар билан далил ҳимоя қилинишни таъминлайди.

Бундан ташқари, адвокатнинг дахлсизлиги унинг уй-жойига, хизмат хонасига, фойдаланишдаги транспорт ва алоқа воситаларига, унинг хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларига ҳам тааллуқли бўлиб, уни бузишга фақат жиддий асослар мавжуд бўлган ҳолларда ва фақат юқорида кўрсатилган ваколатли шахсларнинг рухсати билан йўл қўйилиши мумкин. Адвокатнинг дахлсизлигини таъминлашга қаратилган мазкур қонун нормалари адвокатнинг мустақиллигини кафолатлайди, бинобарин, адвокат ўз меҳнат фаолиятини амалга ошириш жараёнида юридик ва жисмоний шахсларга малакали ёрдам кўрсатиш учун эркин ҳаракат қилиш имкониятини яратади.

Шунингдек, адвокат ўз зиммасига олган топшириқни бажарар экан, у ҳимоя қилаётган шахс қайси туркумдаги, яъни давлатга қарши оғир жиноят содир этганми ёки шахсларга қарши даҳшатли, мудҳиш усуллар билан ўта оғир жиноят содир этганми, бундан қатъи назар, унинг манфаатларини қонуний усуллар билан, виждонан ҳимоя қилиши шарт. Зеро ҳимоя қилиш адвокатнинг касбий бурчидир, шу муносабат билан адвокатни жиной, моддий ва бошқа жавобгарликка тортиш ёки унга шундай йўсиндаги жавобгарликка тортиш билан таҳдид қилиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида барча фуқароларнинг ҳимоя ҳуқуқи билан таъминланиши кўрсатилган. Ҳеч ким, ҳеч қачон онасидан жиноятчи бўлиб туғилмайди, балки жамиятимиз аъзоларининг баъзилари микро ва макро муҳит таъсири остида шаклланиб, жамиятнинг у ёки бу салбий жараёнларининг маҳсули сифатида гавдаланиб, давлат томонидан белгиланган қонунларни у ёки бу даражада бузганлиги туфайли жиноят содир этган, деб топилади, лекин бундай шахслар қандай жиноят содир қилишларидан қатъи назар, уларнинг ҳуқуқий манфаатларини давлат томонидан ҳимоя қилиш кафолатланади. Фуқароларнинг мазкур қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш эса адвокат тизимида фаолият кўрсатаётган профессионал ҳимоячилар зиммасига юклатилган.

Адвокат ўз миждозини ҳимоя қилишга киришишдан олдин у билан келишилган ҳолда ҳимоя позициясини белгилаб олади. Мазкур ҳуқуқий нуқтаи назар давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг манфаатларига қанчалик зид бўлмасин, адвокат ўз ҳимоясидаги шахснинг дастлабки терговдаги ёки суддаги нуқтаи назарини қувватлаши шарт. Бундай ҳолларда унинг ҳуқуқий позициясига нисбатан суриштирув органи, терговчи, прокурор тақдимнома киритиши ёки суд хусусий ажрим чиқариши мумкин эмас. Қонуннинг мазкур нормалари адвокатнинг дахлсизлигини таъминлашга қаратилган чоралар бўлиб, бундай позицияни бевосита қонунда кўрсатилиши ва ҳаётга татбиқ этилиши адвокатнинг мустақиллик принципини мустаҳкамловчи омилларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Адвокатнинг мустақиллигини таъминловчи чоралардан яна бири адвокатлик сирини ошкор этишни талаб қилишнинг ман этилишидир.

Адвокат ўз касбий фаолиятини бажариш пайтида ҳимояси остидаги шахснинг ёки уни вакил қилиб ёллаган миждознинг ички сирларидан, яъни жиноят ёки маъмурий ишга унинг дахлдорлик даражаси, шунингдек, оилавий, мулкӣ низоларда бегона шахслар билиши лозим бўлмаган ҳолатлар, хўжалик ва тадбиркорлик ишларида эса хўжалик юритувчи субъектнинг тижорат сирларидан воқиф бўлишига тўғри келади. Баъзи бир мансабдор шахслар ёки фуқаролар ўз манфаатлари йўлида адвокатга хизмат вазифасини бажариши муносабати билан маълум бўлиб қолган сирларни билиб олишга ҳаракат қилиш ҳоллари ҳаётда учраб қолиши мумкин. Юқорида қайд этилган қонуннинг 7-моддаси мана шундай ҳолатларни бартараф этишни назарда тутди. Шунга кўра адвокатдан ва унинг ёрдамчисидан адвокатлик предмети

ҳисобланган ҳолатлар тўғрисида бирон-бир тушунтириш ёки кўрсатув беришни, шунингдек, улар ҳақида тезкор қидирув фаолиятида, жиноят ишлари, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ва бошқа ишларни юритишда фойдаланиш учун бирон-бир материал тақдим этишни талаб қилиш қатъий ман этилади.

Адвокат касбий фаолиятини амалга оширар экан, унга ваколат берган ёки ҳимоясида бўлган шахснинг манфаатларига қарама-қарши бўлган (яъни мижознинг рақиблари, унинг қариндош-уруғлари ёки адвокати ва ҳоказолар) шахслар билан учрашишга, изоҳ олишга, маълумот тўплашга ва бошқа қонуний усуллардан фойдаланишга тўғри келади. Аммо баъзида амалиётда шундай вазиятлар юзага келадики, адвокат айбланувчи ёки судланувчини ҳимоя қиладиган пайтда мазкур жиноят иши бўйича жабрланувчи деб топилган шахс ёки унинг манфаатини ҳимоя қилувчилар адвокатга нисбатан тазйиқ ўтказиб, уни ҳимоя позициясини ўзгартиришга ёки мижоздан воз кечишга ундайдилар. Айрим фуқаролик ёки ҳўжалик ишларида вакил бўлиб қатнашаётган адвокатни ўзига оғдириб олиш орқали унинг мижози манфаатларига путур етказиш мақсадида хатти-ҳаракатлар содир қилинади. Шунингдек, гоҳо суриштирув, дастлабки тергов органлари, суд ва прокуратура ходимлари томонидан адвокатнинг муайян ишни ўрганишга тўсқинлик қилиш ёки бошқа шаклларда тазйиқ кўрсатиш ҳолатлари учраб туради. Мазкур ҳолатларнинг олдини олиш, яъни адвокат олиб бораётган ишларга аралашганлик ёхуд адвокатнинг дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, бу адвокатнинг мустақиллигини ва уни ҳимоя қилиш давлат томонидан кафолатланганлигини англатади.

Давлат томонидан адвокатга адвокатлик фаолияти кафолатларининг берилиши адвокатнинг мустақиллигини таъминловчи асосий воситадир. Зеро адвокат касбий вазифаларини амалга ошириш учун бевосита давлат апаратининг маълум маънода жазоловчи органлари ҳисобланган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари билан ишлашга, баъзи ҳолларда эса уларнинг манфаатларига мос бўлмаган вазифаларни бажаришига тўғри келади ва шу боис, мазкур мансабдор шахслар томонидан адвокатлик касбини бажаришга нисбатан тўсқинликлар юзага келмаслиги учун адвокат ва унинг касбий фаолияти давлат ҳимоясида бўлади. Бинобарин, адвокатнинг касбига оид ҳуқуқларнинг давлат органлари ва бошқа органлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бузилиши қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Адвокатлик фаолиятининг кафолатларидан бири бу адвокатнинг ўз ҳимояси остидаги шахс билан ҳоли учрашувлар ўтказишнинг, жиноят ишига доир барча материаллар билан танишиб чиқиши ва ундан маълумотларни кўчириб олишини рад этишнинг ман қилинишидир.

Бундан ташқари, оддий ҳолларда, қонунда белгилаб қўйилган қоидалардан ташқари, адвокат юритувида бўлган ишлар билан боғлиқ ахборотни талаб қилиб олиш, бундай ахборотни олиб қўйиш, кўздан кечириш, текшириш, ундан нусха кўчириш, бундай ахборотни тўплаш ва ундан фойдаланиш тақиқланади.

Шунингдек, давлат томонидан адвокатга унинг касбий вазифаларини бажариш ва юридик, жисмоний шахсларга маслаҳат бериш имконияти нафақат Ўзбекистон Республикасида, балки унинг ташқарисида ҳам кафолатланади.

Адвокатнинг мустақиллигини таъминловчи чораларга нафақат давлат томонидан унга адвокатлик фаолиятининг кафолатланишини белгилаш, балки шу билан бирга, адвокатни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилувчи нормаларда амалга оширилиши лозим бўлган ҳолатларнинг таъминланиши ва ҳаётга жорий қилиниши ҳам киради.

Адвокатнинг давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилиниши қуйидагиларда намоён бўлади:

- адвокат ўз касбий вазифаларини бажариши муносабати билан олган тан жароҳатлари ёки соғлигига бошқача тарзда етказилган шикастланиш оқибатида ўз касбий фаолиятини тўлиқ ёки қисман давом эттира олмаса ёки шу муносабат билан вафот этганда, адвокатга ёки унинг меросхўрларига давлат томонидан маълум миқдорда тоvon пулини тўлаш;

- адвокатуранинг нодавлат ва нотижорат ташкилоти сифатида тан оlinиши ва унга бериладиган солиқ имтиёзлари;

- адвокатуранинг штатлари, мансаб окладлари ва маъмурий-хўжалик харажатлари сметаларининг молия органларида рўйхатга оlinмаслиги ва иш ҳақи фондининг банклар томонидан назорат қилинмаслиги;

- адвокатура манфаатларига дахлдор масалаларнинг давлат органлари томонидан Ўзбекистон адвокатлар жамоат бирлашмалари иштирокида ҳал этилиши;

- давлат томонидан адвокатуранинг фуқаролар мурожаат этиши учун қулай бўлган жойларда зарур бинолар билан таъминланиши ва адвокатура коммунал, алоқа хизматлари ҳақини тўлаш ва бошқа хизматлари бўйича имтиёзлар берилиши мумкинлиги.

ТАСДИҚЛАНГАН

Адвокат ёрдамчиси тўғрисидаги
НИЗОМ

Адвокат ёрдамчисининг мақоми «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, у фаолият юритаётган адвокатлик тузилмасининг Устави ва ушбу Низом билан белгиланади.

1. Адвокат ўзининг касбий фаолиятини амалга оширишда ёрдамчиларга эга бўлиши мумкин.

Адвокат ёрдамчиси – адвокат топшириғига асосан адвокатнинг бевосита ўзи амалга ошириши лозим бўлган процессуал ваколдатига кирмайдиган вазифаларни бажарувчи шахсдир.

2. Қоида тариқасида, олий ёки ўрта махсус юридик маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси адвокат ёрдамчиси бўлиши мумкин.

3. Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, шунингдек судланганлиги тугалланмаган ёки олиб ташланмаган шахслар адвокат ёрдамчиси бўлиши мумкин эмас.

4. Адвокат ёрдамчиси бўлишига талабгор шахс адвокатлик тузилмаси раҳбарига ариза билан мурожаат қилади. Мазкур аризада адвокатнинг розилигини тасдиқловчи белги бўлиши керак.

Талабгор шахс ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни топшириши лозим:

- шахсий варақа;
- таржимайи ҳол;
- олий ёки ўрта махсус юридик маълумотини тасдиқловчи ҳужжат (олий таълим муассасасида тахсил олаётган бўлса, ҳақиқатдан ҳам ўқиётганлигини тасдиқловчи ҳужжат);
- талабгор шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт) нусхаси;
- 3х4 хажмдаги 2 дона фотосурат;
- олдин бошқа жойда ишлаган бўлса охирги иш жойидан тавсифнома.

5. Меҳнат қонунчилиги талабларидан келиб чиққан ҳолда адвокат ёрдамчисини ишга қабул қилиш бўйича иш берувчи, адвокат, ёрдамчи ўртасида меҳнат шартномаси (контракти) тузилади ва адвокатлик тузилмаси томонидан тасдиқланади ҳамда тузилма раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Меҳнат шартномасида адвокатлик тузилмасининг, адвокат ва адвокат ёрдамчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳақ тўлаш тартиби, усули, шартноманинг амал қилиш муддати, уни тугатиш шартлари ва тарафлар ўртасидаги муносабатларни белгиловчи бошқа масалалар назарда тутилиши лозим.

6. Адвокат ёрдамчиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- адвокат топшириқларини бажариш учун ҳужжатлар йиғиш давлат органлари, корхона, ташкилот ва муассасаларидаги иш ҳужжатларни ўрганиш, улардан кўчирмалар олиш;

- адвокатлик тузилмалари томонидан ташкил қилинадиган амалий машғулотларда иштирок этиш;

- адвокатлар тузилмаларининг мажлислари (конференциялари)да маслаҳат овози билан қатнашиш;

- адвокатлик тузилмасидаги ҳуқуқий база маълумотларидан, махсус адабиётлардан фойдаланиш;

- ҳуқуқни тадбиқ қилиш амалиётини ўрганиш;

- адвокат билан биргаликда суриштирув, дастлабки тергов ҳаракатларида ва суд мажлисларида қатнашиш;

- юридик ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва амалдаги қонунчилик билан ман қилинмаган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш.

7. Адвокат ёрдамчиси зиммасига қуйидаги мажбуриятлар юклатилади:

- адвокатлик сирини сақлаш;

- мазкур Низом ва меҳнат шартномаси талабларига риоя қилиш;

- адвокат касб одоби қоидаларига риоя этиш;

- касбий мажбуриятларини лозим даражада бажариш.

Адвокат ёрдамчиси адвокатнинг процессуал ваколатларига тааллуқли ишлари билан шуғулланишга ҳақли эмас. Унинг суриштирув, дастлабки тергов, умумий юрисдикция ва хўжалик судларида мустақил равишда ишларни олиб боришга йўл қўйилмайди.

8. «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларининг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига асосан адвокат ёрдамчисидан адвокатлик сирини предмети ҳисобланган ҳолатлар тўғрисида бирон бир тушунтириш ёки кўрсатувлар беришни талаб қилиш, шунингдек улар ҳақида тезкор-қидирув фаолиятида, жиноят ишлари, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ва бошқа ишларни юритишда фойдаланиш учун биронта материал тақдим этишни талаб қилиш ман этилади.

9. Адвокат ёрдамчисига ҳақ тўлаш меҳнат шартномасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ҳар бир адвокатлик тузилмаси адвокат ёрдамчиси меҳнатига қуйидаги шаклда ҳақ тўлашни амалга ошириши мумкин:

- адвокатлик тузилмаси жамғармалари пул маблағлари ҳисобидан қатъий суммада ойлик меҳнат ҳақи тайинлаш;

- юридик ёрдам кўрсатиш муносабати билан адвокат ҳисобига келиб тушадиган маблағлар ҳисобидан қатъий белгиланган суммадан ёки иш ҳақининг маълум фоизидан ойлик маош белгилаш;

- адвокат ёрдамчисига ойлик маошни қисман адвокатлик тузилмаси жамғармасидан ва қисман адвокатнинг гонорари ҳисобидан белгилаш.

Адвокат ёрдамчисига адвокат томонидан тўланадиган иш ҳақи адвокатнинг иш ҳақидан тегишли солиқ ва мажбурий тўловлар ушлаб қолинмасдан олдин амалга оширилади ва адвокатнинг касбий харажати ҳисобланади.

10. Адвокат ёрдамчисига ишга қабул қилган адвокатлик тузилмаси томонидан белгиланган шаклдаги гувоҳнома берилади. Меҳнат шартномаси бекор қилинган ҳолатларда гувоҳнома адвокатлик тузилмасига топширилиши шарт.

11. Адвокатлик тузилмасида фаолият кўрсатаётган адвокатларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ёрдамчи бир вақтнинг ўзида бир ёки бир неча адвокатларнинг ёрдамчиси бўлиши ёхуд адвокат бир вақтда битта ёки ундан ортиқ ёрдамчиларга эга бўлиши мумкин.

12. Меҳнат қонунчилигига биноан адвокат ёрдамчисига ҳақ тўланадиган йиллик меҳнат таътили берилиши лозим.

13. Адвокат ёрдамчиси адвокат учун белгиланган ижтимоий ҳуқуқлардан (ижтимоий суғурта бўйича барча нафақа турларини олиш, пенсия таъминоти в ах.к.) фойдаланади. Унинг шу давр мобайнидаги меҳнат фаолияти умумий иш стажига киритилади ва мутахассислиги бўйича ишга қабул қилинаётганида инobatга олинади.

14. Адвокат ёрдамчисига нисбатан қонунчиликдан назарда тутилган рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари қўлланиши мумкин.

15. Адвокат ёрдамчиси билан тузилган меҳнат шартномаси қуйидаги ҳолатларда бекор қилиниши мумкин:

- а) аризасига биноан;
- б) муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланганлиги тўғрисида қонуний кучга кирган суднинг қарори бўлса;
- в) адвокатура обрўйини тўкадиган хатти-ҳаракат содир қилган ҳолатларда;
- г) касбий мажбуриятларини бажармаётган ёки лозим даражада бажармаса;
- д) малакаси етарли бўлмаса;
- е) унга маълум бўлган адвокатлик сирини ошкор қилган тақдирда;
- ж) суд чиқарган айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;
- з) шартноманинг амал қилиш муддати тугаганлиги сабабли;
- и) адвокатнинг адвокатлик тузилмасидаги аъзолиги тугаганлиги муносабати билан (агар бошқа адвокат билан шартнома имзоланмаган бўлса);
- й) саломатлигига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолса.

Адвокат ёрдамчиси билан тузилган меҳнат шартномаси меҳнат қонунчилигида назарда тутилган бошқа асосларга кўра бекор қилиниши мумкин.

Адвокатлар ва адвокатлик тузилмалари адвокатлик фаолиятининг субъектлари ҳисобланади.

Адвокат (адвокатлик тузилмалари) бўлмаган шахслар, шунингдек, патентли ишончли вакиллар, солиқ маслаҳатчилари томонидан ваколат берувчи шахсларга юридик ёрдам кўрсатилиши адвокатлик фаолияти ҳисобланмайди, адвокатнинг (адвокатлик тузилмаларининг) солиқ маслаҳатчиси сифатида иштирок этиш ҳоллари бундан мустасно.

Адвокатлик фаолияти тадбиркорлик ҳисобланмайди. Адвокатлик тузилмалари хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобланмайди.

МЕҲНАТ КОНТРАКТИ (ШАРТНОМАСИ)
(Адвокат ёрдамчиси билан тузиладиган меҳнат контракти)

«___» _____ 200__йил

Тошкент ш.

Уставига асосан фаолият кўрсатаётган _____

номидан

(адвокатлик тузилмаси ҳайъат, фирма, бюро)

_____ (кейинги
ўринларда «Ҳайъат, фирма, бюро» деб юритилади) бир томондан,
адвокатлар ҳайъати, фирмаси, бюроси адвокати _____

(кейинги

(адвокатнинг Ф.И.Ш.) паспорт серия рақами

ўринларда «Адвокат» деб юритилади) иккинчи томондан, _____
яшовчи _____

(адвокат ёрдамчисининг яшаш манзили) (Ф.И.Ш., паспорт серия рақами)

(кейинги ўринларда «Ёрдамчи» деб юритилади) учинчи томондан, Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунчилиги, «Адвокат ёрдамчиси тўғрисида»ги Низом ва адвокатлик тузилмасининг (ҳайъат, фирма, бюро) Устави талаблари асосида ушбу меҳнат шартномаси (бундан кейин контракт)ни туздилар.

1. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур контрактга мувофиқ _____

200__ йил «___» _____ дан

(адвокат ёрдамчисининг Ф.И.Ш.)

_____ адвокат _____ нинг

(адвокатлар ҳайъати, фирмаси, бюроси)

(адвокатнинг Ф.И.Ш.)

ёрдамчиси сифатида ишга қабул қилинади.

1.2. Ёрдамчи ўзи бириктирилган адвокат топшириғига асосан адвокатнинг бевосита ўзи амалга ошириши лозим бўлган процессуал ваколатига кирмайдиган вазифаларни бажаришни зиммасига олади. Адвокат ёки (ва) адвокатлик тузилмаси эса меҳнат қонунчилигига биноан ҳар ойда Республикада ўрнатилган энг кам ойлик иш ҳақидан кам миқдорда меҳнат ҳақи тўланишини кафолатлайди.

1.3. Ёрдамчи билан меҳнат контракти _____

_____ муддатга тузилди.

(муддатли, номуайян) кўрсатилиши лозим

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Адвокатлик тузилмасининг Ёрдамчи олдидаги мажбуриятлари:

- Ёрдамчининг меҳнатини ташкил этади ва меҳнат муҳофазаси хавфсизлик техникаси қоидалари ҳамда ички меъёрий ҳужжатлар билан уни таништиради;

- меҳнатга ҳақ тўланишини таъминлайди;

- хавфсиз ва самарали меҳнат қилиш учун лозим шарт-шароитларни яратади;

- имкониятдан келиб чиқиб лозим ҳолларда Ёрдамчининг касб малакасини оширилишига амалий ёрдам кўрсатади;

- Ёрдамчини касбий, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш чораларини кўради.

2.2. Адвокатлик тузилмасининг ҳуқуқи:

- Ёрдамчидан ички меҳнат тартиб қоидаларига адвокатлик касб одобига риоя қилинишини талаб қилиш;

- томонларнинг розилиги билан Ёрдамчини бошка куратор адвокатга бириктириш;

- ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилинмаганда меҳнат контрактини муддатидан олдин бекор қилиш.

2.3. Адвокатнинг Ёрдамчи олдидаги мажбуриятлари:

- контрактда белгиланган тартибда ва миқдорда меҳнат ҳақини ўз вақтида тўлайди;

- берилган топшириқни бажарилиши билан боғлиқ қўшимча харажатларни қоплайди;

- фаолият учун зарур иш қуроллари (ручка, қалам, қоғоз ва анжомлар) билан таъминлаб боради;

- Ёрдамчининг иш фаолиятини ва берилган топшириқни бажарилишини доимо назорат қилиб боради.

2.4. Адвокатнинг ҳуқуқлари:

- исталган пайтда Ёрдамчи меҳнатидан воз кечиш;

- меҳнат қонунчилигида кафолатланган миқдордан кам бўлмаган меъёردа Ёрдамчига тўланадиган меҳнат ҳақи миқдорини ва тўланиш тартибини ўзгартириш.

2.5. Ёрдамчининг мажбуриятлари:

- адвокатура ва адвокатлик фаолиятини тартибга солувчи қонун ва меъёрий ҳужжатлар, ички меҳнат тартиби қоидалари ҳамда меҳнат контракти талабаларига риоя қилади;

- адвокатнинг қонуний талабларини ва у томондан берилган топшириқларни белгиланган муддатда сифатли бажаради;

2.6. Ёрдамчининг ҳуқуқлари:

- адвокатлик тузилмаси томонидан ташкил этиладиган Амалий-ўқув машғулотларида иштирок этиш;

- мажлислар (конференциялар)да маслаҳат овози билан қатнашиш;

- Адвокатура ва адвокатлик фаолиятини тартибга солувчи қонунларда белгиланган касбий ва ижтимоий ҳимоядан фойдаланиш;

- адвокатлик тузилмасида мавжуд компьютер техникаси ва бошқа қурилмалар, шунингдек, ҳуқуқий база маълумотлар, махсус адабиётлардан фойдаланиш;

- ҳуқуқни тадбиқ қилиш амалиётини ўрганиш;

- ҳуқуқий билимларни тарғиб қилишда иштирок этиш.

2.7. Ёрдамчининг вазифалари:

- адвокат билан биргаликда суриштирув, дастлабки тергов ҳаракатларида ва суд мажлисларида қатнашади;

- адвокат топшириқларини бажариш давомида ҳужжатлар йиғади, давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилотларда иш ҳужжатларини ўрганади, улардан кўчирмалар олади;

- адвокатнинг топшириғига биноан ҳуқуқий хусусиятдаги аризалар, шикоятлар ва юридик ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлайди ва амалдаги қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

Ёрдамчи адвокатнинг процессуал ваколатига тааллуқли ишлар билан шуғулланишга ҳақли эмас. Унинг суриштирув, дастлабки тергов, умумий юрисдикция ва хўжалик судларида мустақил равишда ишларни олиб боришга йўл қўйилмайди.

3. Меҳнатга ҳақ тўлаш

3.1. Мазкур шартномада белгиланган вазифани бажарганлиги муносабати билан Ёрдамчига ҳар ойда _____ сўм миқдорида меҳнат ҳақи тўланади.

3.2. Ёрдамчининг меҳнат ҳақи:

- юридик ёрдам кўрсатилиши муносабати билан адвокат ҳисобига келиб тушган маблағлар ҳисобидан _____ сўм миқдорда белгиланади;

- адвокатлик тузилмаси жамғармаси ҳисобидан _____ сўм, адвокатнинг гонорари ҳисобидан _____ сўм тўланади (ҳақ тўлаш тартиби ва миқдорини ҳар бир адвокатлик тузилмаси ва адвокатнинг ўзи мустақил белгилайди).

Ёрдамчига тўланадиган меҳнат ҳақи адвокат гонораридан тегишли солиқ ва мажбурий тўловлар ушлаб қолинмасдан олдин амалга оширилади ва у адвокатнинг касбий харажатлари ҳисобланади.

3.3. Ёрдамчига меҳнат ҳақи ҳар ойнинг _____ кунидан _____ кунигача ойда бир марта барча адвокат ва техник ходимлар билан бир вақтда берилади.

3.4. Ёрдамчи лозим ҳолларда, байрам ва бошқа тантанали кунлар муносабати билан пул ёки қимматбаҳо совғалар билан ҳам тақдирланиши мумкин.

3.5. Ёрдамчи адвокат учун белгиланган ижтимоий ҳуқуқлардан (ижтимоий суғурта бўйича барча тўлов турлари, пенсия таъминоти ва ҳоказо) фойдаланади.

4. Меҳнат контрактини ўзгартириш, бекор қилиш тартиби ва асослари

4.1. Мазкур меҳнат контрактини ўзгартириш, бекор қилиш томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ амалга оширилади.

4.2. Шарнтома қўйидаги ҳолатларда томонлардан бирининг ташаббуси билан бекор қилинади:

- а) Ёрдамчининг аризасига биноан;
- б) адвокатни Ёрдамчи хизматидан воз кечиш ҳақидаги аризасига биноан;
- в) адвокатнинг адвокатлик тузилмаси аъзолигидан чиқиш (ёки чиқарилиши) муносабати билан (агар бошқа адвокат билан Ёрдамчи ўртасида контракт тузилмаган бўлса);
- г) контрактнинг амал қилиш муддати тугаганлиги муносабати билан;
- д) Ёрдамчига нисбатан суднинг муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсизлиги тўғрисида қонуний кучга кирган қарори бўлса;
- е) Ёрдамчига нисбатан суд чиқарган айблов қаврори қонуний кучга кирганда;
- ж) Ёрдамчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;
- з) Ёрдамчи саломатлиги туфайли ўзига юклатилган вазифани бажаришга нолойиқ бўлиб қолса.

4.3. Қўйидаги асослардан бири мавжуд бўлса, интизомий таъсир чораси сифатида Ёрдамчи билан меҳнат шартномаси бир томонлама бекор қилиниши мумкин;

- а) адвокатура обрўйини тўкадиган хатти-ҳаракат содир этганда;
- б) касбий мажбуриятларни бажармаётган бўлса ёки лозим даражада бажармаса (адвокатнинг билдиргиси асосида);
- в) адвокатлик тузилмасида белгиланган ички тартиб қоидаларини мунтазам равишда бузса;
- г) меҳнат интизомини бир марта қўпол равишда бузса (Ёрдамчининг узрсиз сабаблар билан ишга келмаслиги, ишга спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда келиши, адвокатлик сири бўлмиш маълумотларни ошкор этиши, мулкни қасддан нобуд қилиши ёхуд унга жиддий шикаст етказиши каби ҳаракатларнинг содир этилиши меҳнат интизомини бир марта қўпол равишда бузиш деб баҳоланиши мумкин).

Меҳнат шартномаси меҳнат қонунчилигида назарда тутилган бошқа асосларга кўра бекор қилиниши мумкин.

5. Якунловчи қоидалар

5.1. Томонлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, келишмовчиликлар ўзаро келишув йўли билан ҳал этилади.

5.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган уч нусхада тузилган бўлиб, ҳар бир нусхаси томонларда сақланади.

Томонларнинг юридик манзили

1. Адвокатлик тузилмасининг номи, манзили, раҳбарнинг Ф.И.Ш. имзо, муҳр.
2. Адвокатнинг Ф.И.Ш., лицензия номери, яшаш манзили, имзо.
3. Адвокат ёрдамчисининг Ф.И.Ш., паспорт маълумотлари, яшаш манзили, имзо.

Адвокатура фаолияти ва уни ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари ва тамойиллари.

Собиқ Советлар давлатида адвокатлар коллегияси адвокатура фаолиятининг ягона ташкилий шакли ҳисобланиб, у олий юридик маълумотга эга бўлган шахслардан иборат муассислар гуруҳининг аризасига мувофиқ ёки халқ депутатлари тегишли Совети ижроия ва бошқарув органининг ташаббуси билан тузилар эди. Республикамиз вилоятларида, Қорақалпоғистонда ёки Тошкент шаҳрида биттадан ортиқ адвокатлар коллегиясини ташкил этиш мумкин эмаслиги қонун ҳужжатларида бевосита таъкидланмаган бўлса-да, амалда ҳар бир вилоятда икки ёки ундан ортиқ адвокатлар коллегияси тузишга рухсат берилмас эди.

Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки йиллариданоқ адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик фирмалар ва ширкатлар ташкил қилиниб, уларнинг аъзолари мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилот ва муассасаларга ҳамда фуқароларга юридик хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғуллана бошладилар.

Адвокатура тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши адвокатура тизимида адвокатура ҳайъатининг яккаҳокимлигига барҳам бериб, жамиятимизда адвокатура фаолиятида ҳайъатдан ташқари бошқа ташкилий шакллар ҳам мавжуд бўлиши мумкинлигини кўрсатди ва уларнинг ҳуқуқий мақомини адвокатура ҳайъатининг мақоми билан тенг даражага кўтарди.

Адвокатура фаолияти ташкилий шакллариغا Адвокатура тўғрисидаги қонуннинг 4-моддасига асосан адвокатлар бюроси, адвокатлар ҳайъати киради. Мазкур шаклларда ишловчи адвокатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, умумий вазифалари, уларнинг фаолияти принциплари ва давлат рўйхатидан ўтиш тартиби бир хил бўлиб, фақат уларнинг тузилиши, бошқариш усуллари, раҳбар органлари, штатлари, маблағларни сарфлаш тартиби бир-биридан фарқ қилиши мумкин.

Адвокатлик бюроси

Қонунга мувофиқ, адвокатлик бюроси Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга, қонунда тақиқланмаган барча турдаги юридик шахсларга ёрдам кўрсатиш мақсадида адвокатлик

фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни белгиланган тартибда олган шахс томонидан тузилади.

Адвокатлик бюросининг раҳбари якка тартибда фаолият кўрсатаётганлиги ва бюродаги маблағларни амалдаги қонунларга мувофиқ танҳо тасарруф қилиши сабабли ҳам мазкур муассасани маълум маънода хусусий адвокатура (бюро) деб аташ мумкин. Бюро раҳбари ўз эҳтиёжи ва имкониятларидан келиб чиқиб, мустақил эҳтиёжи ва имкониятларидан келиб чиқиб, мустақил равишда бюро ишловчиларнинг сони, лавозими, иш ҳақи миқдори, ходимларни рағбатлантириш, интизомий жазо чоралари, уларнинг вазифалари, ҳуқуқ ва бурчларини белгилайди. Мазкур ҳолатлар бюро уставида ўз аксини топган бўлиши керак.

Шунингдек, уставда адвокатлик бюроси маблағларини сарфлаш, яъни ижтимоий суғурта бадаллари, моддий-техника таъминоти, моддий базани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, адвокат ёрдамчисига, техник ходимларга иш ҳақи тўлаш, коммунал хизмат ва бюро офиси учун жойни ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар, адвокатлик бюросининг эгасига иш ҳақи тўлаш тартиби ва ҳоказолар ҳам кўрсатилиши керак.

Адвокатлик бюроси раҳбари юқорида таъкидлаб ўтилган ҳолатларни инобатга олиб, Ўзбекистоннинг меҳнат қонунлари, солиқ қонунчилиги, Адвокатура тўғрисидаги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда тузилган бюро уставини ва бошқа лозим ҳужжатларни ўзи истиқомат қилаётган жойдаги адлия бошқармасига белгиланган тартибда тақдим қилгандан кейин у давлат рўйхатидан ўтказилиши мумкин.

Давлат рўйхатидан ўтказилган адвокатлик бюроси банкда ўз ҳисоб рақамига, ўзининг номи кўрсатилган думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамғага, зарур бўлса, герб ёки эмблемага эга бўлади. Адвокатлик бюроси рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб, юридик шахс мақомини олади. Рўйхатдан ўтказилган адвокатлик бюроси банкда ҳисоб рақами очилганидан кейин бир ҳафта муддат ичида статистика идораси ва солиқ органида белгиланган тартибда ҳисобда туришга мажбурдир.

Адвокатлик бюросининг адвокатлар фирмаси ёки адвокатлар ҳайъатидан асосий фарқи шуки, у якка тартибда бир киши томонидан таъсис этилиб, бюрода бошқа адвокатларнинг ишлашига йўл қўйилмайди. Адвокатлик бюросида фаолият кўрсатувчи адвокатга нисбатан жазо қўллашнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд: бюрода ишловчи адвокатнинг хатти-ҳаракати устидан шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш учун унинг раҳбарий органлари бўлмаганлиги сабабли ҳам бевосита бюро жойлашган адвокатларнинг малака комиссиясига мурожаат қилинади.

Бундан ташқари, адвокатлик бюроси фаолиятини тўхтатиш ва тугатиш сабаблари ҳам (умумий асослардан ташқари) бошқа ташкилий шакллардан ажралиб туради: адвокатлар фирмаси ёки ҳайъати фаолиятини малака комиссиясининг қарори билан тўхтатиш ёки тугатиш мумкин эмас, адвокатлик бюроси эса унинг таъсисчисига нисбатан Адвокатура тўғрисидаги қонуннинг 14-моддасида кўрсатилган ҳолатлар келиб чиққан вазиятда адвокатлар малака комиссиясининг қарорига асосан тўхтатилиши ёки тугатилиши мумкин.

Ривожланган хорижий давлатларда адвокатлик бюроларининг фаолияти кенг кўламда ташкил этилган бўлиб, уларнинг ташкил топиши ва ички тузилмаси республикамиздаги адвокатлик бюроларидан кескин фарқ қилади, чунки уларда фаолият кўрсатаётган адвокатлар бюрони таъсис этган мулкдорларга, тенг ҳуқуқли ёки бюрони бошқаришда ва даромадни бўлишда ҳуқуқлари контрактда кўрсатилган шартлар билан чекланган шерикларга ва шартнома асосида маълум иш ҳақи олиб ишловчи ёлланма адвокатларга бўлинади. Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, республикамиздаги мавжуд қонунларда адвокатлик бюроси фаолият кўрсатувчи адвокат маълум бир ишни ўз юритувига олганда унинг бир қисмини бажариш учун бошқа адвокатлик бюроси, фирмаси, ҳайъатига шартнома асосида топширишга ва бажарилган топшириққа қараб, уларга пул маблағларини ўтказиб бериш каби ҳолатларга тақиқловчи нормалар белгиланган эмас.

Адвокатлик бюроларининг ихтисослашишини истиқболи йўналишга эга. Зероки, бюрода фаолият кўрсатаётган адвокат қанчалик тажрибага эга билимдон ҳуқуқшунос бўлмасин, бари бир қонунчилик соҳасининг барча жабҳаларини чуқур ўрганиш имкониятига эга эмас ва шу боис, келажакда жинсий ишлар, маъмурий ишлар, фуқаролик ишлари, тадбиркорлик ишлари, хўжалик ишлари ва унинг ҳар бир йўналиши бўйича ихтисослашган алоҳида адвокатлик бюроларининг ташкил этилиши мурожаат этувчи мижозларнинг ҳуқуқий ёрдамга бўлган эҳтиёжини тўлароқ ва сифатли қондиришга хизмат қилади.

Адвокатлар фирмаси

Адвокатлар фирмаси белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олган таъсисчилар (шериклар) аризасига асосан ташкил этилади. Амалдаги қонунларда адвокатлар фирмаси таъсисчиларнинг энг кам миқдори кўрсатилмаганлиги сабабли, икки ёки ундан ортиқ таъсисчилар фирмани тузишлари мумкин, деб ҳисобланади.

Бундан ташқари, адвокатлар фирмаси адвокатлар ҳайъатидан ташкилий шакли, номи билан ажралиб турса-да, улардан ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари, ўхшаш ёки фарқланувчи томонлари қонунчилигимизда белгилаб берилган эмас.

Шунингдек, собиқ Совет давлати томонидан барпо қилинган ҳар бир вилоятда адвокатлар ҳайъати (коллегияси) ва туманларда мазкур ҳайъатларнинг филиали бўлмиш юридик маслаҳатхоналарнинг мавжуд бўлиши лозимлиги анъанасига Адвокатура тўғрисидаги қонун қабул қилиниши туфайли жойларда ҳайъат филиалларининг мустақил адвокатлар фирмасига айланиши ёки ҳар бир шаҳар, туман ва аҳоли яшайдиган мавзеларда янги адвокатлар фирмаларининг пайдо бўлиши жараёнининг ривожланиши сабабли, аста-секинлик билан барҳам берилмоқда. Бу табиий ҳол, чунки бозор иқтисодиётига асосланган жамиятларда адвокатура тизимида адвокатлар фирмаси марказий ўринни эгаллайди.

Ҳуқуқий давлатнинг эталони ҳисобланган АҚШда ва Европа мамлакатларининг аксарият қисмида адвокатура тизими тушунчаси сифатида хусусий адвокатлар ва адвокатлар фирмаларининг йиғиндиси қабул қилинади. Мазкур давлатларда кўп сонли адвокатлар фаолият кўрсатадиган адвокатлар ҳайъатларининг мавжуд бўлишлиги мақсадга мувофиқ эмас, чунки бу шаклда бошқариш ва фаолият кўрсатиш усули кўзда тутилган самарали натижани бермайди.

Демократик давлат тамойиллари қарор топган давлатлардаги ва қисман Ўзбекистонда адвокатлар фирмаларининг тажрибаларини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, адвокатлар фирмасида ишловчи адвокатларнинг сони 3-5 кишидан ошмаса, меҳнат унумдорлиги ва иш сифати юқори даражада бўлиши мумкин.

Адвокатлар фирмасининг бошқа ташкилий шакллардан устунлиги қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади: адвокатлар фирмаси ҳуқуқий муносабатларнинг маълум бир йўналиши бўйича ихтисослашган, иқтидорли адвокатларни ўзида бирлаштиради ва ҳуқуқнинг танланган соҳаси бўйича масалаларни тўлиқ, мукамал билиш мақсадида тегишли мутахассисларни фирмага маслаҳатчи сифатида ишга олиши мумкин.

Адвокатлар фирмаси таъсисчиларнинг сони кам бўлганлиги сабабли ишлаб топилган маблағларнинг кўпроқ қисмини устав фондини ривожлантиришга ажратиш ва умумфойдаланиш учун замонавий техника воситалари (компьютер, факс, ксерокс, уяли телефон)ни сотиб олиш, фирма офисини таъмирлаш ва бошқа харажатларни қоплаш мақсадида ўз улушларини иш ҳақ сифатида маълум муддатгача (фирма оёққа турганига қадар) олмаслик ёки камроқ олишлик ҳақида ўзаро келишиб олишлари осонроқ кечади.

Адвокатлар фирмаси аъзолари келажакда ўз сарфларини малакали адвокатлар билан мустаҳкамлаш мақсадида юридик институтларининг иқтидорли студентларини фирмага адвокат ёрдамчиси ёки техник ходим сифатида ишга олиб, уларга касб сирлари, ўз маҳоратларини ўргатиб, шогирдлар тайёрлаш ва уларни кейинчалик адвокатликка аъзоликка қабул қилишдан кўпроқ манфаатдор бўлади.

Адвокатлар фирмаси маълум бир ишни, аниқроғи, юридик шахснинг топшириғини қабул қилиб (айниқса, хўжалик ишлари айти муддаодир), ушбуни бажаришни бир вақтнинг ўзида бир неча адвокатга топшириш ва улардан ҳар бирининг бажарган вазифасига қараб, миқдор томонидан тўланган гонорарни тақсимлаш амалиёти самарали натижани бериши мумкин, чунки мазкур усул (команда методи) ишлаш бир томондан топшириқнинг тез ва сифатли бажарилишини таъминласа, иккинчи томондан, фирмадаги ҳамжиҳатлик, биродарлик руҳини мустаҳкамлайди.

Адвокатлар фирмаси адвокат ёрдамчисини ишга қабул қилишда ҳам қулай имкониятга эга зероки қонунчилигимизда адвокат ёрдамчиси айрим муайян адвокатга бириктирилиши лозимлиги ҳақида нормалар мавжуд эмас. Бинобарин, фирма адвокат ёрдамчисини ишга қабул қилиб, фирма адвокатларининг юмушларини бажарганлиги учун ўз маблағидан унга ойлик маоши белгилаши мумкин.

Адвокатлар фирмаси (адвокат эмас, балки шахсан ўзи) миждозлардан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги топшириқни қабул қилиб олиши ва унинг бажарилишини соҳанинг тегишлигига қараб, мазкур йўналиш бўйича ихтисослашган бошқа адвокатлар фирмасига, бюросига қисман топшириб, улар билан шартнома асосида ҳамкорлик қилиши мумкин.

Қонунчилигимизда адвокатлар фирмаси билан адвокатлар ҳайъати ўртасидаги тафовутлар ёки уларнинг ички тузилмаларидаги айрим ўзига хос томонлари ёхуд ташкилий томонларининг фарқлари кўрсатилмаганлиги боис, амалиётда уларнинг тузилиши, штатлари, вазифалари, маблағларини сарфлаш тартиби, раҳбар органларининг ваколатлари, уларни сайлаш тартиби ва фаолиятига доир бошқа масалалар уларнинг уставлари билан тартибга солинади ва принципиал жиҳатдан (айтарли даражада) бир-биридан фарқ қилмайди.

Адвокатура фаолиятини тартибга солиш ва уни ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси «Адвокатура тўғрисида»ги қонун, умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқий меъёрлар, Ўзбекистон Республикаси билан тузилган халқаро битим ва шартномаларга мувофиқ белгиланади.

«Адвокатура тўғрисида»ги қонун адвокатура фаолиятининг асосий тамойиллари ва ҳуқуқий мақомини белгилаб беради.

Адвокатура фаолияти ва уни ташкил этишнинг тамойиллари қуйидагилар ҳисобланади:

- а) қонунийлик, инсонпарварлик ва бошқа демократик тамойиллар;
- б) касбий фаолиятини амалга оширишда адвокатларнинг (адвокат тузилмаларининг) мустақиллиги;
- в) адвокатнинг адвокатлар ҳайъатига аъзолигининг мажбурийлиги;
- г) адвокатлар касбий хулқ-атвори ва этикаси қоидаларига, адвокатлик амалиёти андозаларига риоя қилишнинг мажбурийлиги.

Адвокатура ва давлат.

Адвокатура ўз фаолиятида давлатдан мустақилдир. Адвокатура ишига давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан аралаштиришга йўл қўйилмайди. Аҳоли учун юридик ёрдам олишни енгиллаштириш ва суд ишларини юритишда қатнашишларини таъминлаш мақсадида давлат адвокатура билан ҳамкорлик қилади.

Давлат маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари орқали, адвокатлик тузилмаларини аҳоли учун қулай бўлган жойларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун белгиланган ставкадан юқори бўлмаган ижара ҳақи ставкалари бўйича бинолар (иншоотлар) билан таъминлайди.

Давлат ваколатли органлари орқали, «Адвокатлар тўғрисида»ги қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартиб ва ҳолатларда, адвокатлар томонидан кўрсатилган бепул юридик ёрдам учун ҳақ тўлайди.

Давлат ваколатли органлар ва ташкилотлар орқали адвокатура учун кадрлар тайёрлашда ёрдам беради.

Давлат органлари адвокатура манфаатларига дахлдор бўлган масалалрни Ўзбекистон Республикаси адвокатлар Ҳайъати билан келишилган ҳолда ҳал қилади.

Адвокатура ўзининг олий органи орқали янги қонунлар қабул қилиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига эга. Мамлакат олий қонун органлари томонидан кўриб чиқиладиган, инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинлигига дахлдор бўлган қонун лойиҳалари, Республика адвокатлар Ҳайъатига экспертиза учун юборилади.

Адвокатура ва адлия вазирлиги.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги адвокатура билан қуйидаги асосий йўналишлар бўйича ҳамкорлик қилади:

а) адвокатлар малакасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ўтказиш;

б) адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи сертификатларни ҳисобга олиш ва бериш;

в) адвокатлар ҳайъатлари ва адвокат тузилмаларини қайд қилиш;

г) адвокатлар реестри маълумотлари ва адвокат тузилмалари реестрини ҳисобга олиш;

д) адвокатлар ва адвокатлик тузилмаларини касбий фаолияти билан боғлиқ тарзда таъқиблар, асоссиз чеклашлар ва тажовузлардан ҳимоя қилиш.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Адвокатлик фаолияти фани нимани ўргатади?
2. Адвокатлик фаолиятини давлат томонидан ҳимоялаш принциплари нималардан иборат?
3. Адвокат ёрдамчиси тўғрисидаги Низом қачон ва қайси орган томонидан тасдиқланган?

АДВОКАТЛИК МАҚОМИ.

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиши ҳуқуқини берувчи сертификат. Адвокатлик мақомини олиш.

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи, тегишли малака комиссияси қарорига асосан ҳудудий адвокатлар ҳайъати томонидан бериладиган сертификат билан тасдиқланади.

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи сертификат муддатсиз берилади ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида амал қилади.

Ўзбекистон Республикасида қуйидаги шахслар адвокат мақомини олиш ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга:

а) олий юридик маълумотга эга бўлганлар;

б) юридик мутахассислиги бўйича камида 2 йил, шу жумладан,

адвокат-стажёр сифатида камида 1 йил иш стажига эга бўлганлар.

«Адвокатура тўғрисида»ги қонун, ўз юртларида юридик амалиёт билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган хорижий давлатлар адвокатларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз давлатларининг ҳуқуқий масалалари бўйича юридик ёрдам кўрсатишини чекламайди. Хорижий давлатлар адвокатларининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича адвокатлик фаолиятини амалга оширишга, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи сертификат бўлган тақдирдагина ижозат берилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳуқуқий масалалари бўйича адвокатлик фаолиятини амалга ошираётган хорижий давлатлар адвокатлари тўғрисидаги маълумотлар ва уларни юритиш тартиби Республика адвокатлар ҳайъати билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланадиган махсус реестрга киритилади.

Малака имтиҳони, малака имтиҳонига ижозат бериш.

Адвокат мақомини бериш.

Малака имтиҳони ёзма имтиҳон ва оғзаки суҳбатдан ёхуд компьютер ёрдамида тест ўтказишдан иборат.

Малака имтиҳони топшираётган даъвогарларга таклиф этиладиган саволлар рўйхати ҳамда малака имтиҳони топшириш ва даъвогарлар билимини баҳолаш тартиби ҳақидаги Низом Ўзбекистон Республикаси адвокатлар ҳайъати олий малака комиссияси томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши шарт.

Агар даъвогар қуйидаги имтиҳон предметларини қониқарли топширса, у малака имтиҳони топширган деб эътироф этилади:

- а) моддий ҳуқуқ (ихтисослик бўйича);
- б) процессуал ҳуқуқ (ихтисослик бўйича);
- в) адвокатлар касбий хулқ-атвори ва этикаси қоидалари;
- г) инсон ҳуқуқларининг халқаро андозалари.

Ихтисосликни танлаш ҳуқуқи даъвогарларга тегишли бўлади.

Малака имтиҳонини топшира олмаган даъвогарга қайта имтиҳон топширишга ижозат камида бир йилдан кейин берилади.

«Адвокатлар тўғрисида»ги қонуннинг 9-модда, 1-банди талабларига жавоб берувчи ва 19-моддасининг таъсир доирасига тушунмайдиган шахс, малака имтиҳонини топширишга руҳсат бериш ҳақидаги ариза билан тегишли ҳудудий малака комиссиясига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Даъвогар малака имтиҳонини топшириш тартиби ҳақидаги Низомда назарда тутилган ҳужжатларни ҳудудий малака комиссиясига тақдим этади. Ноаниқ маълумотлар ва ҳужжатларни малака комиссиясига тақдим этишлик, даъвогарга малака имтиҳонини топширишга руҳсат бермаслик учун асос бўлиши мумкин.

Даъвогар томонидан тақдим қилинган маълумот ва ҳужжатларни текшириш учун малака комиссияси тегишли органларга сўровнома билан

мурожаат қилишга ҳақлидир, қайсики улар сўровномани олганларидан кейин: бир ойдан кечикмаган муддатда текширувнинг натижаси ҳақида хабар беришга мажбурлар.

«Адвокатлар тўғрисида»ги қонунда назарда тутилмаган асослар бўйича малака имтиҳонига қўймаслик ман қилинади.

Адвокат мақоми ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи сертификат бериш тўғрисидаги қарор, даъвогар малака имтиҳонини мувафаққиятли топширгандан сўнг, ҳудудий ҳайъатлар қошидаги малака комиссияси томонидан қабул қилинади. Бу қарор, даъвогар адвокат қасамёдини берган кундан бошлаб кучга киради.

Муайян шахсларда малака имтиҳонига қўйишга тўсиқ бўлувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда ҳам, адвокат мақоми ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи сертификатни бериш рад қилиниши мумкин.

Адвокатлар реестри. Адвокат қасамёди ва гувоҳномаси.

Адвокатлар ҳайъати адвокатлар реестрини юритилишини таъминлайди. Адвокат мақомини олган шахслар тўғрисидаги маълумотларни киритиш, ўзгартириш, тўлдириш ва чиқариб ташлаш тартиби Республика адвокатлар ҳайъати томонидан тасдиқланган Низом билан белгиланади.

Адвокатлар реестридан олинган маълумотлар йилига камида бир марта оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади ва адлия органларига статистика мақсадларида тақдим қилинади.

Ҳудудий адвокатлар ҳайъати мажлисида адвокат қўйидаги мазмунда қасамёд қилади:

«Ўз касбий бурчимни ҳалол ва виждонан бажаришга, инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилишга адвокатлик сирини сақлашга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, адвокатлар касбий хулқ-атвори ва этикаси қоидаларига риоя қилишга тантанали қасамёд қиламан».

Адвокат гувоҳномаси адвокат мақомини тасдиқловчи ягона ҳужжат ҳисобланади. Республика адвокатлар ҳайъати белгиланган тартибда ягона шаклдаги гувоҳнома берилади.

Адвокатдан, унинг гувоҳномасидан ташқари, бирон-бир бошқа ҳужжатни талаб қилиш ман қилинади.

Адвокат гувоҳномаси адвокатнинг ўз касбий ваколатларини бажариши учун давлат барча муассасаларига, ташкилотлар ва корхоналарга тўсқинликсиз киришга ҳуқуқ берувчи ҳужжат ҳисобланади.

Адвокатлик мақомини тўхтатиб қўйиш.

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни тўхтатиб туриш ва бекор қилиш. Ўзбекистон Республикасининг Адвокатура тўғрисидаги ва Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 мартда 139-сонли қарори билан тасдиқланган Адвокатлар бюролари, ҳайъатлари, фирмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни бериш тартиби тўғрисидаги Низом (бундан буён Низом деб юритилади) билан тартибга солинади. Адвокатлик лицензияси жойлардаги адлия бошқармалари бошлиқлари ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (ўринбосари) томонидан берилганлиги сабабли (бундан буён адлия органлари деб юритилади), мазкур ҳужжат уни берган ана шу органлар томонидан тўхтатиб турилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Ушбу ҳаракатлар малака комиссияси тақдимномасига (қарорига) асосан ёки мустақил равишда ўз ташаббуслари билан қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

Адвокат мақоми ва адвокатлик фаолиятини амалга ошириш қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

- а) адвокат давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайланса;
- б) адвокат давлат хизматига ўтса;
- в) адвокат айбланувчи сифатида жавобгарликка тортилганидан бошлаб суд ҳукми кучга киргунча, ёхуд оқловчи асосларга биноан жиноят иши тўхтатилгунга қадар;
- г) қонунда белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб топилган тақдирда;

Ушбу кўрсатилган асослар бекор бўлган ҳолларда, адвокат ҳудудий адвокатлар ҳайъатига бу ҳақда хабар берган кундан эътиборан 10 кун ўтгандан сўнг, адвокатлик фаолиятини қайтадан бошлашга ҳақлидир.

Адвокатлик мақомини тугатилиши.

Адвокат мақомини ва адвокатлик фаолиятини амалга ошириш қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- а) адвокат ариза берса;
- б) адвокат тузилмаларида ўз касбий фаолиятини амалга оширишни бошлаганлиги тўғрисида адвокат 6 ой мобайнида узрли сабабларсиз хабардор қилмаса;
- в) адвокатлар касбий хулқ-атвори ва этикаси қоидаларини адвокат мунтазам ёки қўпол равишда бузса;
- г) адвокат қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганда;
- д) адвокатнинг қасддан жиноят содир этганлиги ҳақидаги суднинг ҳукми ёки адвокатга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги суд қарори қонуний кучга кирса;
- е) адвокат мақомини олишда шахснинг ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этганлиги тўғрисидаги ҳолатлар маълум бўлганда;
- ж) адвокатлик мақоми тўхтатилган шахс, узрли сабабларсиз адвокатлик мақомини тугатишга асос бўлган ҳолатлар бекор бўлган кундан бошлаб 6 ой мобайнида адвокатлик фаолиятини қайтадан бошламаган тақдирда;
- з) адвокат вафот этса ёки унинг вафот этганлиги ҳақида суднинг қарори қонуний кучга кирса.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Адвокатлик мақомини қайси шахслар олиши мумкин?
2. Малака имтиҳонни қайта топшириш қайси қонунга асосан ва ким томонидан берилади?
3. Адвокатлик мақомини қайси ҳолларда тўхтатилиб қўйилади ва тугатилади?

АДВОКАТЛИК ФАОЛИЯТИ.

Адвокатлик фаолиятини чеклаш. Адвокатлар (адвокатлик тузилмалари) томонидан кўрсатиладиган юридик ёрдам турлари.

Қуйидаги шахсларнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланишига йўл қўйилмайди:

а) қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган, деб топилган ёхуд тиббий йўсиндаги мажбурлов ;

б) қасддан жиноят қилганлиги учун судланганлиги олиб ташланмаган ёки бекор қилинмаганлар;

в) «Адвокатура тўғрисида»ги қонунда назарда тутилган асослар бўйича уларга нисбатан адвокат мақомини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганлар;

г) давлат хизматида турганлар, илмий, педагогик ва ижодий фаолият билан машғул бўлганлар бундан мустасно;

д) тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчилар, шахсий кўчар ва кўчмас мулкни тасарруф қилувчилар бундан мустасно;

е) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралардан обрўсини тўкканлиги учун ишдан бўшатишганлар.

Адвокатлар (адвокат тузилмалари) ваколат берувчи шахсларга қонун билан ман қилинмаган юридик ёрдам кўрсатадилар, жумладан:

а) юридик масалалар бўйича оғзаки ва ёзма равишда маслаҳатлар, тушунтиришлар ва маълумотлар беради;

б) ҳуқуқий хусусиятдаги ҳужжатларини тузади;

в) битимлар, шартномалар ва юридик фактлар бўйича хулосалар беради, ваколат берувчи шахсга дахлдор бўлган нотариал тасдиқ талаб қилинмайдиган битимлар нусхасини ва бошқа ҳужжатларни тасдиқлайди;

г) давлат ва нодавлат органлари ва ташкилотларида, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар олдида шу жумладан, бошқа давлатлар ҳудудида вакилликни амалга оширади;

д) суд ишларини юритишнинг барча турларида, низоларни ҳакамлар иштирокида кўриб чиқишда ва уларни ҳал қилувчи бошқа органларда, жумладан, халқаро ташкилотларда вакиллар (ҳимоячилар) сифатида иштирок этишади;

е) тадбиркорлик ва бошқа маъмурий-хўжалик фаолияти билан шуғулланувчиларга юридик ёрдам кўрсатишни амалга оширади;

ж) ҳуқуқий билимларни тарғибот қилишда иштирок этишади;

з) юридик адабиётларни тайёрлашади, нашр қилишади ва тарқатишади;

и) ҳуқуқий мавзулар бўйича веб-сайтлар ишлаб чиқишади, ташкил қилишади ва қўллаб-қувватлашади.

Адвокатнинг ваколатлари ва ҳуқуқлари. Адвокатнинг мажбуриятлари. Адвокатлик сири.

Муайян ишни олиб боришга адвокатнинг ҳуқуқи адвокатнинг гувоҳномаси ва ваколат берувчи шахснинг розилиги (зарур ҳолларда ёзма равишда) асосида эътироф этилади.

Суд ишларини юритишнинг ҳар қандай турларида, адвокатнинг ваколатлари, Ўзбекистон Республикасининг тегишли, процессуал қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Адвокатнинг ишни бошлаши учун адвокатдан ва унга ваколат берган шахсдан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномани тақдим этишни талаб қилиш манн қилинади,

Ўзининг касбий фаолиятини амалга оширишда адвокат қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) иш бўйича ўз ҳуқуқий нуқтаи назарини мустақил танлаш;

б) ҳар қандай давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига мурожаат қилиш;

в) корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда, мулкчилик шаклларида ва қайси соҳага тегишли эканлигидан қатъий назар, жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларида информация, ҳужжатлар ва иш материаллари билан тўсқинликсиз ва ўз вақтида танишиб чиқиш, уларнинг нусхаларини ва кўчирмаларини (жумладан, тасдиқланган) олиш;

г) иш материалларидаги мавжуд информацияни техник воситалар ёрдамида ёки бошқа усуллар билан қайд этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларида процессуал ҳаракатларни амалга ошириш;

д) жисмоний ва юридик шахслардан, жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларидан, юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни олиш ва тўплаш;

е) адвокат гувоҳномасини кўрсатиб, давлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларига, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларига, ушбу объектларда ўрнатилган тартибда риоя қилган ҳолда, тўсқинликсиз ташриф буюриш;

ж) иш бўйича ахборотга эга бўлган шахслардан, шунингдек, гувоҳлардан (уларнинг розилиги билан) ёзма ариза ва тушунтириш хатларини олиш ва уларни сўроқлаш;

з) айрим масалалар учун мутахассис ва экспертларни шартнома асосида жалб қилиш ҳамда улардан маълумотлар ва хулосалар олиш;

и) ваколат берган шахс билан тўсқинликсиз танҳо учрашув ўтказиш (шу жумладан, у қамоқда сақланган вақт мобайнида), учрашув сони ва муддати чекланмаган ҳолда учрашувлар ўтказиш;

к) ишни юритишнинг судгача бўлган, суд ва суддан кейинги босқичларида жалб қилинган шахсларнинг (гувоҳлар, холислар ва ҳоказо) манфаатларини ифодалаш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва бошқа юридик ёрдам кўрсатишда тўсқинликсиз қатнашиш ва топшириқларни қабул қилиш,

л) суд ишини юритишнинг барча турларида далил-ашёлар тўплаш мақсадида адвокатлик текширувини ўтказиш,

м) адвокат тузилмаларида қайд этиш шарти билан ўзи иштирок этаётган ишларда ҳужжатларни тасдиқлаш;

н) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда агар тегишли хорижий давлатлар қонунчилигига зид бўлмаса, унинг ташқарисида ҳам адвокатлик фаолиятини амалга ошириш.

Адвокат Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида ман қилинмаган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

Адвокатлар ҳайъатига аъзолигидан келиб чиқувчи адвокатлар ҳуқуқлари Республика адвокатлар ҳайъати Устави билан қатъий белгиланади.

«Адвокатлар тўғрисида»ги қонунда назарда тутилган мажбуриятлардан ташқари, адвокат:

а) Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, мазкур Қонун талабларига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинган халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларига ва халқаро ҳуқуқ андозаларига риоя этиши;

б) жиноий айблов бўйича қамоққа олинган ёки ушланган, гумон қилинувчининг биринчи сўроғига қадар дастлабки жиноий ишда маслаҳатни унга бепул бериш;

в) ваколат берувчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун имкон бўлган ва қонун билан манн қилинмаган восита ва усулларни ҳалол, оқилона ва виждонан қўллаши;

г) ўз билими ва касбий маҳоратини доимий равишда такомиллаштириб бориши;

е) ҳуқуқий масалалар бўйича малакали ва асосли маслаҳатлар бериш ҳамда ваколат берувчи шахсларнинг ҳимоячиси ва вакили вазифаларини бажариши;

ж) адвокатлик сирини сақлаш;

з) адвокат қасамёдига риоя этиши;

и) адвокат касбий хулқ-атвори ва этикаси қоидаларига, адвокатлик амалиёти андозаларига риоя қилиши ва бошқа адвокатлар томонидан уларнинг бажарилишига ёрдам бериши;

к) таваккалчилик хавф-хатарини суғурталашни ўзининг касбий жавобгарлиги билан амалга ошириши шарт.

Адвокатга ман қилинади:

а) тезкор-қидирув ва тергов фаолиятини амалга оширувчи органлар билан яширин ёки бошқа тартибда ҳамкорлик қилиш. Ушбу органлар ҳамкорлик қилиш учун адвокатга мурожаат қилиш ва адвокатура ишида, унинг фаолиятига таъсир ўтказиш мақсадида яширин равишда иштирок этиш ҳуқуқларига эга эмаслар;

б) мазкур Қонун ва Республика адвокатлар ҳайъати қарорларида белгиланган ҳолларда, бепул юридик ёрдам кўрсатишдан бош тортиш;

в) ваколат берувчи - жисмоний шахснинг тўловга қобилиятсизлиги сабаб зиммасига олинган ҳимоядан воз кечишга;

г) юридик ёрдам сўраб мурожаат қилган шахсларнинг аҳволини оғирлаштирувчи нуқтаи назарни эгаллаш;

д) ўз ваколатларидан ваколат шахснинг зиёнига фойдаланиш, шунингдек, гумон қилинаётган, айбланаётган, судланаётган ва маҳкум қилинганларни ҳимоя қилишдан бош тортиш ман қилинади. Ваколат берувчи шахснинг адвокат хизматидан воз кечиши ҳоллари бундан мустасно.

Адвокатнинг мажбуриятлари адвокат ёрдамчилари ва стажёрлари, адвокатлик тузилмаларига ҳам тааллуқли.

Ваколат берувчи шахсга юридик ёрдам кўрсатиш муносабати билан адвокатга (адвокатлик тузилмаларига) маълум бўлган ҳар қандай маълумотлар, уларнинг суҳбати ва ўзаро ёзишмаларининг мазмуни, оғзаки ёки ёзма музокаралари, адвокат гонорари масалалари, адвокатнинг топшириқни қабул қилишдан бош тортиш сабаб ва важлари, шунингдек, ваколат берувчи шахсларнинг ҳужжатларини сақлаш ҳамда ваколат берувчи шахснинг мурожаат этганлигининг ўзи адвокатлик сири ҳисобланади.

Адвокатлик сирини сақлаш мажбуриятлари вақт билан чекланмайди.

Адвокатга (унинг ёрдамчилари, стажёрлари ва адвокатлик ташкилотининг бошқа ходимлари) шахснинг юридик ёрдам сўраб мурожаат қилганлиги ёки юридик ёрдам кўрсатилиши муносабати билан унга маълум бўлган ҳолатлар бўйича гувоҳ сифатида чиқарилиши ёки сўроқ қилиниши мумкин эмас (гувоҳлик иммунитет).

Адвокатлик сири бўлган маълумотлар далил-ашёлар сифатида ишлатилиши мумкин эмас, мазкур модданинг 5-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Адвокат, унинг ёрдамчилари, стажёрлари ва адвокатлик ташкилотининг бошқа ходимлари ваколат берувчи шахснинг рухсатсиз адвокатлик сирини ошкор қилиш ҳуқуқига эга:

а) ваколат берувчи шахснинг розилиги бўлса, агар бу унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зиён келтирмаса;

б) адвокат ва ваколат берувчи шахс ўртасидаги муносабатларда вужудга келган даъволардан ўзини ҳимоя қилиш ёки ўз талабларини судда асослаш учун;

в) ваколат берувчи шахс иштирок этган ишлар бўйича адвокатга қарши жиноий айб қўйилган ёки фуқаролик иши қўзғатилган ҳолларда ҳимояни асослаш учун.

Адвокат малакасини ошириш ва ўқиши.

Адвокатлар, касбий тайёргарлигини зарур даражада сақлаб туриш, жорий қонун ҳужжатларини ва уларнинг амалда қўлланишини билишини тасдиқлаш мақсадларида, Республика адвокатлар Ҳайъатида аккредитациядан ўтган ташкилотларда 5 йилда бир марта ўз малакасини оширишлари шарт. Аккредитация қилиш тартиби Республика адвокатлар ҳайъати томонидан белгиланади.

Адвокатлар малакасини оширувчи аккредитация қилинган ташкилотни танлаш, адвокат томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

Адвокат малака ошириш мажбуриятини, янги ихтисослик (моддий ва процессуал ҳуқуқ соҳалари) олиш учун қўшимча малака имтиҳонини топшириш билан алмаштириш ҳуқуқига эга.

Адвокатнинг ихтисослашганлиги ва малакасини ошириш тўғрисидаги маълумотлар адвокатлар реестрига киритилади. Адвокатларнинг зарурий билим даражасини ва юқори касбий малакасини сақлаб туриш мақсадида Ўзбекистон Республикаси адвокатлар Ҳайъати ва адвокатларнинг жамоат бирлашмалари, адвокатлар малакасини ошириш институтини таъсис этишлари ёки ихтисослаштирилган махсус курсларни ташкил қилишлари мумкин.

Адвокатлар касбий хулқ-атвори ва этикаси қоидалари.

Адвокатлар касбий хулқ-атвори ва этикаси қоидалари, шунингдек, адвокатлик амалиёти андозалари Республика адвокатлар Ҳайъати томонидан тасдиқланади ва адвокатлар ҳамда адвокат ёрдамчилари ва стажёрлари учун ягона ва мажбурий ҳисобланади.

Адвокатлар касбий хулқ-атвори ва этикаси қоидалари адвокат таяниши мумкин бўлган барча ахлоқий ва этика тамойилларини ўз ичига қамраб олмайди.

Адвокатлик амалиёти андозалари адвокатлик тузилмаларини тузиш, фаолият кўрсатиш ва тугатишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини тартибга солади.

Адвокат ва адвокатлик тузилмаларининг дахлсизлиги.

Адвокатлик фаолиятига аралашишига йўл қўйилмаслик ва адвокатлик сирини ошкор этмаслик кафолатлари.

Адвокат (адвокатлик тузилмаси) касбий фаолиятига аралашиш ёки бу фаолиятга қандайдир йўл билан тўсқинлик қилиш ман қилинади. Адвокат ва адвокатлик тузилмасининг мустақиллиги қуйидаги кафолатлар билан таъминланади:

а) қонунда белгиланган тартибда адвокатлик мақомини бериш, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи сертификат олиш, бу фаолиятни тўхтатиб қўйиш ва тугатиш, адвокатлик тузилмаси фаолиятини қайд қилиш ва тугатиш;

- б) адвокат ва адвокатлик тузилмаларининг дахлсизлиги;
- в) адвокатлик сирини ошкор қилишни талаб этишни тақиқлаш;
- г) адвокат ва адвокатлик тузилмаси юритувида бўлган ишга аралашганлиги учун ёки адвокат, адвокатлик тузилмаси дахлсизлиги ёхуд аралашганлага учун жавобгарлик;
- д) адвокатлик фаолиятини давлат ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг бошқа кафолатлари.

Адвокат шахси дахлсиздир. Адвокатнинг дахлсизлиги унинг уй-жойига, хизмат хонасига, фойдаланишидаги транспорти ва алоқа воситаларига, унинг хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга ҳам тааллуқлидир.

Адвокатга нисбатан жиноий иш, Ўзбекистон Республикаси адвокатлар Ҳайъати Раёсати хабардор қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Адвокатнинг уй-жойи ёки хизмат хонасига, шахсий ёки фойдаланишдаги транспортга кириш, уларни кўздан кечириш, тинтув ўтказиш ёки олиб қўйиш, унинг телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларини эшитиб туриш, адвокатни кўздан кечириш ва шахсий тинтувдан ўтказиш, худди шунингдек, унинг почта-телеграф ва бошқа электрон воситалардаги жўнатмаларини, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш ёки олиб қўйиш, адвокатни мажбурий келтириш, ушлаб туриш ёки қамоққа олиш, фақат судья рухсати билан, ҳудудий адвокатлар ҳайъатини хабардор қилган ҳолда, фақат адвокатлар ҳайъатини хабардор қилган ҳолда, фақат бу адвокатни жиноий таъқиб қилиш муносабати билан амалга оширилади.

Ҳудудий адвокатлар ҳайъатининг вакили зудлик билан ва тўсқинликсиз, қамоққа олинган ёки ушланган адвокат билан учрашиш ва адвокатнинг қамоққа олиниши ёхуд ушланишига асос бўлиб хизмат қилган далил-исботлар билан танишиш ҳуқуқига эга.

Адвокатнинг мақоми ва иммунитетини бузиш йўли билан олинган ва расмийлаштирилган далил-исботлар юридик кучга эга эмас деб тан олинади ва уни айблаш учун асос бўла олмайди.

Адвокатдан (адвокат ёрдамчиси ва стжёридан), шунингдек, адвокатлик ташкилотлари ва адвокатурани ўз-ўзини бошқариш органларининг бошқа ходимларидан, адвокатлик сирига оид бирон-бир маълумотлар, жумладан, тезкор-қидирув фаолиятида, жиноят ишларида, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар ва бошқа ишларни тақдим этишни талаб қилиш ман этилади.

Адвокатнинг (адвокат ёрдамчилари ва стажёрларининг) муайян ишни ўрганишига тўсқинлик қилиш ёки ваколат берувчи шахснинг қонуний манфаатларига зид келувчи нуқтаи назарни мажбурий эгаллашга эришиш мақсадида, унга қандай шаклда бўлмасин таъсир кўрсатиш, шунингдек, адвокатга таҳдид қилиш, уни ҳақоратлаш, унга нисбатан тухмат қилиш, куч ишлатиш ёки унинг ва унинг оила аъзоларининг ҳаёти, соғлиги ва

мол-мулкига тажовуз қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Адвокат, ҳимоячи ёки вакил вазифасини бажариши муносабати билан унга маълум бўлган ҳолатлар ҳақида, гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас.

Адвокатдан олинган, юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ тушунтиришлар, кўрсатмалар ва материаллар, шунингдек, айбланувчининг ўз адвокати тўғрисида маълумотлар беришига йўл қўйилмайди.

Адвокатнинг касбий мажбуриятларини бажариши муносабати билан олинган, адвокатлик иш юритишига оид материаллар ва ҳужжатларни кўриб чиқиш, кўздан кечириш, олиб қўйиш, текшириш ва ошкор қилиш мумкин эмас.

Адвокатнинг иш бўйича ҳуқуқий нуқтаи назарига нисбатан суриштирув органлари, терговчи, прокурор томонидан тақдимнома киритиши, шунингдек суднинг хусусий ажрим чиқариши мумкин эмас.

Адвокат ва адвокатлик тузилмаларини, унинг ишлари билан ҳамда ва у юридик ёрдам кўрсатаётган шахслар билан уйғунлаштириш манн қилинади.

Адвокат, унинг оила аъзолари, уларнинг мол-мулки ва унинг касбий фаолияти давлат ҳимоясида бўлади. Давлат органи ёки мансабдор шахс, ўз хохиши бўйича адвокатнинг юридик ёрдам сўраб унга мурожаат қилган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқини тан олмасликка ҳақли эмас.

Адвокатнинг ваколат берувчи шахс билан ҳоли учрашувлар ўтказиши, жиноят ишига доир барча материаллар билан танишиб чиқиши ва ундан зарур маълумотларни кўчириб олишига ва нусха қилишига ҳалақит бериш ёки тўсқинлик қилиш манн этилади.

Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органларининг мансабдор шахслари ишда қатнашаётган адвокатни ўз вақтида хабардор қилишлари ва адвокат билан келишилган муддат ичида унинг тергов ва бошқа процессуал ишларда қатнашишини таъминлашлари шарт.

Адвокатлик фаолиятининг давлат ҳимояси кафолатлари.

Давлат адвокатни қуйидагилар билан таъминлайди:

а) ўз касбий фаолиятини эркин ва мустақил бажариш имкониятлари ва шарт-шароитлар яратилиш;

б) Ўзбекистон республикаси ҳудудида, шунингдек, унинг ташқарисида эркин юриш ва ваколат берувчи шахсларга маслаҳат бериш имконияти;

в) ваколат берувчи шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун айбловчи томон билан тенг равишда ашёвий далиллар тўплаш, мустахкамлаш, тақдим қилиш ҳуқуқлари ва имкониятлари;

г) касбий вазифасини бажариш учун зарур ва етарли бўлган ахборот, ҳужжатлар ва иш материаллари билан ўз вақтида танишиш имконияти;

д) ушланган ёки қамоқда сақланаётган ваколат берувчи шахс билан кечиктирмасдан, тўсқинликсиз, цензурасиз, ҳоли учрашиш ёки у билан

маслаҳатлашиш учун зарур бўлган вақт, восита ва шарт-шароитлар; е) ўз касбий вазифасини бажариш туфайли адвокатнинг ва унинг оила аъзолари ҳаёт ива соғлиги, уларнинг мол-мулклари учун хавф-хатар юзага келганда зарур даражадаги ҳимоя билан таъминлайди.

Давлат ва бошқарув органлар, мансабдор шахслар томонидан адвокат ва адвокатлик тузилмаларининг касбий ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бузиш, адвокатнинг фаолиятига аралашиш ёки уни амалга оширишга тўсқинлик қилиш маъмурий ёки қонунда белгиланган бошқа жавобгарликка сабаб бўлади.

Адвокатнинг интизомий жавобгарлиги. Адвокатларни ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари.

Адвокатнинг ҳаёти, соғлиги, обрўси, қадр-қиммати давлат ҳимоясида бўлади. Ҳар бир адвокатга Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган ижтимоий таъминот кафолатланади.

Суғурта ташкилотлари суғурта суммаларини қуйидаги ҳолларда тўлайдилар:

а) адвокат ўз касбий вазифаларини бажариш муносабати билан олган тан жароҳатлари ёки соғлигига бошқача тарзда етказилган шикастланиш оқибатида ўз касбий фаолиятини амалга ошириш вақтида ёки бундай фаолиятни тугатганидан кейин халок (вафот этганда), унинг меросхўрларига - адвокат ўртача ойлик иш ҳақининг эллик баравари миқдорида;

б) адвокат ўз касбий вазифаларини бажариш муносабати билан бундан кейин адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятимни истисно етказилганда - адвокат ўртача ойлик иш ҳақининг йигирма беш баравари миқдорида;

в) адвокат ўз касбий вазифаларини бажариш муносабати билан унинг бундан кейин адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятини истисно этадиган даражада меҳнат қобилиятини узил-кесил йўқотишга олиб бормаيدиган тан жароҳатлари олганда ёки соғлигига бошқача тарзда шикаст етказилганда - адвокат ўртача ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида.

Ўз касбий мажбуриятларини бузганлиги учун адвокат интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Адвокатлар касбий хулк-атвори ва этикаси қоидаларини, ҳамда адвокатлик амалиёти андозаларини бузиш интизомий чора-тадбирлар кўриш учун асос ҳисобланади ва адвокатни маъмурий, жиноий ва фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди.

Интизомий қоидалар адвокат ёрдамчилари ва стажёрларига ҳам тааллуқли.

Ушбу қоидалар Ўзбекистон республикаси Конституциявий судининг 2000 йил 12 июлда кучга кирган («Халқ сўзи» газетасининг 12-июл 2000 йил 133-сони) эълон қилинган «Адвокатура тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисига шарҳ бериш тўғрисида ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 10-

моддасининг тўртинчи қисми ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 6-моддасининг бешинчи қисмини шарҳлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 200 йил 6-7-сон 40-моддасида эълон қилинган 2006 йил 18 февралда кучга кирган қарори билан шарҳланган.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Қайси шахсларга адвокатлик фаолияти билан шуғулланишга йўл қўйилмайди?
2. Адвокатларнинг ваколатлари ва ҳуқуқлари қайси қонунга ва меъёрий ҳужжатларга асосан амалга оширилади?
3. Адвокатлик фаолиятининг давлат ҳимояси кафолатлари нималардан иборат?

АДВОКАТУРАНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.

Адвокатура фаолиятининг ташкилий шакллари.

Адвокатлик тузилмаларини ташкил қилиш тамойиллари.

Адвокат ўз фаолияти ташкилий-ҳуқуқий шакли ва амалга ошириладиган жойни мустақил равишда танлашга ҳақлидир. «Адвокатура тўғрисида»ги қонун ва адвокатлик амалиёти андозаларига мувофиқ, адвокатура фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари қуйидагилардан иборат: якка тартибда фаолият кўрсатувчи адвокат (адвокатлик хонаси), адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси ва адвокатлар маслаҳатхонаси.

Адвокат танлаган шакл ва адвокатлик фаолиятининг жойи ҳақида адвокат мақоми берилгандан кейин 6 ой мобайнида ҳудудий адвокатлар ҳайъатини ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Адвокатлик тузилмаларини қайд қилиш, Республика адвокатлар ҳайъати билан келишилган тартибда адвокатлар ҳудудий ҳайъатининг ёзма хабарномаси асосида Ўзбекистон Республикаси адлия органлари томонидан амалга оширилади.

Адвокатлик тузилмаларини тузиш, фаолият кўрсатиш, қайта тузиш ва тугатиш тартиби, уларнинг таркиби, штатлари, вазифалари, маблағларни сарфлаш тартиби раҳбар органларининг ваколатлари, уларнинг сайлаш тартиби ҳамда адвокатлик тузилмаларининг фаолиятига доир бошқа масалалар адвокатлар амалиёти касбий андозалари ва уларнинг бошқа таъсис ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Адвокатлик ташкилотлари юқорида белгиланган тартибда давлат қайдномасидан ўтган кундан эътиборан юридик шахс мақомини олади. Адвокатлик тузилмалари турли йўналишда ёки ихтисослаштирилган бўлиши мумкин. Адвокат уюшмалари банкларда жорий ва бошқа ҳисоб рақамига, ўз номини билдирувчи муҳр ва тамғага эга бўлади.

Адвокатлик ташкилотлари қонун ҳужжатларида ва халқаро шартнома ва битимларда белгиланган тартибда халқаро адвокатлик тузилмаларини ташкил этиш ва уларга кириш, Ўзбекистонг Республикаси

ҳудудида ва унинг ташқарисида филиаллар ва ваколатхоналар очиш ҳуқуқига эга.

Адвокат адвокат мақомига эга бўлмаган шахс билан адвокатлик тузилмасини таъсис этишга ҳақли эмас. Адвокат ва (ёки) адвокатлик тузилмаси тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахснинг таъсисчиси ёки қатнашчиси (номадор акцияларга эгалик қилиш бундан мустасно) бўлишга ҳақли эмас.

Адвокат ўз фаолиятини амалга ошириш чоғида адвокат мақомига эга бўлмаган шахсга ташкилий жиҳатдан бўйсунушга ҳақли эмас. Адвокат ўз фаолиятини фақат битта адвокатлик тузилмасида амалга ошириши ва битта ҳудудий адвокатлар ҳайъатида рўйхатга олиниши шарт.

Адвокатлик тузилмалари янгидан таъсис этилиш ёки аввал мавжуд бўлган фаолият шаклини қайта тузиш орқали ташкил этилиши мумкин. Адвокатлик тузилмалари тижорат ташкилотларига ёки нотижорат ташкилотларига айлантирилиши мумкин эмас, адвокатлик тузилмалари бир шаклини бошқа бир шаклга ўзгартириш бундан мустасно.

Юридик ёрдам учун ҳақ тўлаш. Адвокат меҳнатига ҳақ тўлаш ва унинг даромади. Адвокатнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги.

Юридик ёрдам учун ҳақ тўлаш адвокатлик тузилмаси ва ваколат берувчи шахс ўртасидаги шартнома асосида адвокатлик тузилмасининг кассаси (депозит ҳисоби) орқали амалга оширилиши мумкин.

Ҳақ тўлаш ҳисоб-китоби қуйидаги шаклларда бўлиши мумкин:

- а) аниқ белгиланган;
- б) шартли (эришилган натижага кўра);
- в) тарифли;
- г) вақтбай;
- д) аралаш;

е) ваколат берувчи шахс билан келишилган шартнома асосида бошқача тартибда бўлиши мумкин.

Агар битим муддатидан илгари бекор қилинса, бошқа ҳолатлар битимда назарда тутилмаган бўлса, юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ аслида бажарилган иш учун тўланади.

Адвокатга ҳақ тўлаш шартлари, тартиби ва тизими, адвокатнинг адвокат ташкилоти билан тузган шартномаси, адвокат ташкилотининг ички тартиб-қоидалари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси билан белгиланади. Адвокатнинг, жумладан яқка тартибда фаолият кўрсатувчи адвокатнинг даромади юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун берилган гонорардан у билан боғлиқ харажатларни ҳужжат билан тасдиқлангандан кейин қолган қисми ҳисобланади.

Адвокат-таъсисчисининг даромади (адвокат-шерик) мазкур модданинг 1-бандида назарда тутилган бошқа адвокатлик ташкилотининг бир қисми ҳисобланади. Адвокатларнинг даромадидан жисмоний шахсни солиққа тортиш, мазкур қонунда белгиланган истисноларни ҳисобга

олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси солиқ қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Адвокатуранинг штатлари ва лавозим маошлари молия ва бошқа давлат органларида қайд қилинмайди. Адвокатуранинг иш ҳақи фонди банклари томонидан назорат қилинмайди.

Адвокатлик тузилмаси малакасиз юридик ёрдам кўрсатилганлиги натижасида келтирилган зарар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда жавобгар бўлади. «Адвокатура тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, шерик адвокатлар, адвокатлик ташкилотининг мажбуриятлари бўйича жавобгардир.

Бириктирилган адвокатларнинг адвокатлик ташкилоти олдидаги жавобгарлиги меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинади.

Адвокатлик тузилмалари ва адвокат, тавваккалчилик хавф-хатарини ўзининг касбий, мулкый жавобгарлиги билан суғурта қилишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **Қ А Р О Р И**

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувига
адвокат томонидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш
бўйича харажатларни давлат ҳисобига
ўтказиш тартиби тўғрисида

Суриштирув, дастлабки тергов, судда фуқароларнинг ҳимоя қилинишига бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда Жиноят-процессуал кодексининг 55-моддаси ва «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси

Қарор қилади:

1. Белгилансинки, суриштирувни олиб борувчи шахс, терговчи, прокурорнинг қарори, суднинг фуқарони ҳуқуқий ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлашдан озод қилиш ҳақидаги ажрими гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокат томонидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш учу насос бўлиб ҳисобланади.

Адвокатларга тўланадиган сумма миқдори Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда тасдиқлайдиган Адвокатлар томонидан кўрсатиладиган ҳуқуқий ёрдам учун ҳақ тўлаш тўғрисидаги йўриқномага мувофиқ белгиланади.

2. Меҳнатга лаёқатсиз ва тўловга қобилиятсиз шахслар шунингдек жами даромади ҳар бир боқимандага ҳисобланганда ушбу даврда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан ортиқ бўлмаган ночор фуқаролар ҳуқуқий ёрдам учун ҳақ тўлашдан озод қилинишлари керак.

3. Туман, шаҳар ҳокимлиги ҳақ тўлашни қарор, ажрмини чиқарган орган жойлашган жой бўйича амалга оширади.

Ҳақ қарор, ажрим ва адвокатлар бюроси, ҳайъати ва фирмаси раҳбари томонидан ҳисоблаб чиқарилган сумма кўрсатилган ҳамда қарор,

ажрмини чиқарган шахс томонидан тасдиқланган маълумотнома тақдим этилгач тўланади.

4. Туман, шаҳар ҳокимлиги кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар олингач, бир ой муддатда адвокатлар бюроси, ҳайъати, фирмасига тўланиши керак бўлган суммани ўтказди.

5. Адвокат жиноий ишни судда кўриб чиқишда узоқ вақт қатнашган тақдирда унинг меҳнатга ҳақ тўлаш ҳақидаги маълумотнома ҳар ойда тузилади.

6. Адвокатлар бюроси, ҳайъати ва фирмаси раҳбари тайинланиб жиноий ишда қатнашган адвокатга ҳақ тўлангандан кейин бир ҳафта муддатда жиноий ишга тиркаш учун давлатга тўланиши керак бўлган сумма ҳақидаги суриштирувни олиб борган шахс, терговчи, прокурорни хабардор қилади. Фуқаро суднинг ҳукми билан айбдор деб топилганда ва ҳуқуқий ёрдам учун ҳақ тўлашдан озод қилиш учун асос мавжуд бўлмаган ҳолда давлат харажатлари ҳукм қилинганнинг ҳисобидан ундириб олинади.

7. Давлат томонидан ҳақ тўланган ҳуқуқий ёрдамга оид харажатларни ҳукм қилингандан ундириб олиш юзасидан ҳукмнинг ижро этилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд ижрочиси томонидан амалга оширилади.

8. Адвокатлар томонидан фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартибига риоя қилиниши устидан назорани молитя органлари амалга оширади.

9. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига адвокатлар томонидан кўрсатилган ҳуқуқий ёрдамга давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда Адвокатлар томонидан кўрсатиладиган ҳуқуқий ёрдамга ҳақ тўлаш ҳақидаги йўриқномани ва гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига давлат ҳисобига ўтказилган ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни адвокатларга тўлаш тартиби тўғрисидаги қоидаларни бир ой муддатда тасдиқлансин.

11. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг «Адвокатлар томонидан фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича харажатларни давлат ҳисобига ўтказиш тартиби тўғрисида» 1990 йил 19-сентябрдаги 314-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ў.Султонов

Тошкент ш.,
1997 йил 16-июнь,
297-сон.

Адвокатларни жисмоний ва юридик шахсларга
юридик ёрдам учун ҳақ тўлаш ҳақидаги

Н И З О М

III. Оғзаки маслаҳатлар бериш ва ҳуқуқий ҳужжатлар тузиш учун.

3.1. Агар шартнома тузилмаган бўлса, ҳуқуқий маслаҳат муддатида
энг кам иш ҳақини %нисбатан тан ҳақ олинад.

- а) ҳуқуқий маслаҳат учун 5% дан кам бўлмаган ҳолда;
 - б) ҳуқуқий ҳужжат тузилса 15%дан кам бўлмаган ҳолда;
 - в) сўров ҳужжатлар, маълумотномалар 5%дан кам бўлмаган ҳолда;
 - г) маъмурий ишлар бўйича ариза тузиш 30%дан кам бўлмаган ҳолда;
 - д) адвокатни судга чақириш учун 30%дан кам бўлмаган ҳолда;
 - е) адвокатни жазони ўташ жойига (таклиф) чақириш 50%дан кам бўлмаган;
 - ж) шартномалар ва бошқа ҳужжатлар тузиш келишилган ҳолда.
- Д ва Е бандидаги тўлов қўшимча тўлов саналади.

IV. Дастлабки терговда биринчи поғона судида қатнашиш учун.

- дастлабки терговда биринчи поғона судида қатнашиш учун ҳар куни
учун 15%дан кам бўлмаган ҳолда;

- икки ва ундан ортиқ шахсни судда ҳимоя қилиш учун энг кам иш
ҳақини 80% ҳар бир шахс учун бир кунига;

- суд мажлисининг танаффуси учун ҳар бир суд иш куни учун
50%дан кам бўлмаган ҳолда;

- суд ҳужжатларини, тергов ишларини танишишга, судланганга ва
оқланганга ҳуқуқий маслаҳат бериш тергов ишлари ва суд ҳужжатларини
танишишда қатнашганлиги учун энг кам иш ҳақини 40%дан ҳар кун
учун.

V. Фуқаролик ишларини биринчи поғона судида кўришда иштирок
этиш учун.

- маъмурий ишлар олиб боришда 40%дан ҳар куни учун;

- икки ва ундан ортиқ шахсларни ишларини олиб боришда иштирок
этиш учун 80%дан ҳар куни, ҳар бир шахс учун;

- судда иш олиб боришда қатнашиш учун 50%дан ҳар куни учун;

- судга даъво иш бўйича исботлов ҳужжатларни тақдим қилиш учун
ва ҳолатни тушунтириш учун энг кам иш ҳақининг 30%дан кам бўлмаган
ҳолда;

VI. Кассация протести, суд ажримларига норозилик билдириш
масалаларни судда ҳал қилиш учун.

- кассация протести, суд ажримларига норозилик билдириш
масалаларни судда ҳал қилишда энг кам иш ҳақининг 40%дан кам
бўлмаган ҳолда ҳар куни учун;

- иккинчи поғона судида иштироки учун энг кам иш ҳақининг 40%дан кам бўлмаган ҳолда ҳар куни учун;
- кассация босқичи учун ҳужжат тайёрлаш учун энг кам иш ҳақининг 40%дан кам бўлмаган ҳолда;
- суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрими устидан шикоят ҳужжатларини тузиш учун энг кам иш ҳақини 40%дан кам бўлмаган ҳолда ҳар куни учун;
- икки марта расмийлаштирилган ҳужжат учун 50%дан кам бўлмаган ҳолда;
- шахсий қабулда иштироки учун энг кам иш ҳақининг 30%дан кам бўлмаган ҳолда.

**Якка тартибда фаолият кўрсатувчи адвокат.
Адвокатлар бюроси. Адвокатлик фирмаси.
Адвокатлар маслаҳатхонаси.**

Адвокатлик фаолиятини якка тартибда, юридик шахсни ташкил қилмасдан амалга оширувчи адвокатлик тузилмаси адвокатлик хонаси деб номланади. Адвокатлик хонаси томонидан фойдаланиладиган турар-жой бинолари яшаш учун белгиланмаган биноларга қайтадан расмийлаштирилиши талаб этилмайди.

Адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун битта адвокат томонидан таъсис қилинган адвокатлик тузилмаси «адвокат бюроси» ҳисобланади. Адвокатлик бюросининг ташкил қилиниши ва фаолият кўрсатиши учун таъсисчи адвокат унинг фаолиятида шахсан қатнашиши керак. Адвокатлик бюросининг таъсисчи адвокат унинг фаолиятида шахсан қатнашиши керак. Адвокатлик бюросининг таъсисчиси адвокатлик бюроси мажбуриятлари бўйича унга қарашли бўлган барча мол-мулки билан жавоб беради.

Таъсисчи адвокат томонидан тасдиқланган Устав адвокатлик бюросининг таъсис ҳужжати ҳисобланади. Адвокатлик бюросининг ягона бошқарув органи адвокатлик бюросининг бевосита таъсисчиси ҳисобланади.

Адвокатлик бюроси ягона таъсисчи бўлган адвокатнинг қарори билан ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга кўра «Адвокатура тўғрисида»ги қонун талабларини ҳисобга олган ҳолда қайтадан ташкил қилинади ва тугатилади. Белгиланган тартибда учинчи шахслар олдидаги қарзлар узилгандан кейин адвокатлик бюросининг қолган мол-мулки ягона адвокат таъсисчисига тегишлидир.

Бир ёки бир неча шерик адвокатлар томонидан адвокатлик фаолиятини умумий ном билан амалга ошириш учун таъсис қилинган нотижорат шериклик шаклидаги адвокатлик тузилмаси «адвокатлик фирмаси» ҳисобланади.

Адвокатлик фирмасининг таъсис ҳужжатлари бўлиб шериклик битими (икки ёки ундан ортиқ таъсисчилари бўлганда) ва Устав ҳисобланади. Шериклик шартномасига имзо чекан адвокатлар адвокатлик

фирмасининг шериклари бўлиб ҳисобланади. Шериклар адвокатлик фирмасининг фаолиятида шахсан иштирок этадилар.

Шериклик шартномасида шериклик бадали ҳисобига адвокатлик фирмасининг қўшма шериклик жамғармасини шакллантириш назарда тутилган бўлиши мумкин. Қўшимча шериклик жамғарманинг миқдори таъсис ҳужжатларида кўрсатилган аниқ қийматга эга бўлади. Шахсий, мулкӣ бўлмаган ҳуқуқлар ва бошқа номоддий бойликлар, ҳамда талаб қилиш ҳуқуқи шериклар бадали бўла олмайди. Адвокатлик фирмасига мулкӣ бадалларни киритиш тартиби ва муддати шериклик шартномаси билан белгиланади. Қўшма шериклик жамғарманинг миқдорини ошириш ёки камайтириш ҳақидаги қарор фирманинг олий органи томонидан қилинади.

Адвокатлик фирмасининг умумий гонорари адвокатлик фирмаси томонидан олинган гонорарлар суммасидан ташкил топади. Адвокатлар умумий гонорари шериклар ўртасида тақсимланиши мумкин. Адвокатлик ташкилотининг фаолияти билан боғлиқ харажатлар (унинг фондларига ажратмалар), унинг ходимларига (ёлланма ишчилар) тўланадиган меҳнат ҳақи, шунингдек, фуқаролик-ҳуқуқӣ битими бўйича иш бажараётган шахслар билан боғлиқ харажатлар тўланганидан кейин қоладиган умумий адвокат гонорари шерикларига тегишли адвокат гонорари ҳисобланади. Адвокатлик ташкилотининг шериклари адвокат гонорарларини тақсимлаш тартибини мустақил равишда белгилайди. Шерик адвокатлик фирмаси билан меҳнат шартномаси тузиши мумкин.

Адвокатлик фирмасининг жавобгарлиги таъсисчи шерикнинг хоҳишига қараб тўлиқ ёки чекланган бўлиши мумкин. Адвокатлик фирмасининг таъсис ҳужжатларида бадал киритиш назарда тутилмаган ҳоллардагина шериклар адвокатлик фирмасининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўладилар.

Агар адвокатлик фирмаси чекланган жавобгарликка эга бўлса, шериклар:

а) адвокатлик фирмаси ва бошқа шериклар мол-мулкидан ажратилган алоҳида мол-мулкка эга бўладилар;

б) қўшма шериклик жамғармасига қўшган бадаллари доирасида ўз мажбуриятлари бўйича жавобгарликка эга бўладилар;

в) бошқа шериклари мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди;

г) қўшма шериклик жамғармасига қўшган бадалларига нисбатан мулк ҳуқуқини йўқотадилар ва бадалига нисбатан фақат шартли ҳуқуққа эга бўладилар.

Адвокатлик фирмаси тўлиқ жавобгарликка эга бўлса, шериклар:

а) унинг номидан ишончномасиз фаолият кўрсатишга;

б) учинчи шахслар билан бўлган муносабатларда унинг манфаатларини ифодалашга;

в) унинг мол-мулкни тасарруф қилишга, шартномалар, жумладан меҳнат шартномалар беришга;

г) ишончномалар беришга;

д) ёлланган ходимларга (шунингдек бириктирилган адвокатларга) кўрсатмалар беришга ҳақлидир.

Адвокатлик фирмасининг олий органи икки ёки ундан ортиқ таъсисчилар бўлганда шериклар умумий мажлиси ёхуд ягона адвокат ҳисобланади. Адвокатлик фирмаси фаолиятига жорий раҳбарликни амалга ошириш учун адвокатлик фирмаси шерикларининг умумий йиғилишига бўйсунувчи ижроия органи ташкил қилинади. Ижроия органи якка тартибда ёки коллегиял бўлиши мумкин.

Шерик ҳоҳлаган вақтда адвокатлик фирмасидан чиқишга ҳақлидир. Бундай ҳолатда қонун ҳужжатларида ва адвокатлик амалиёти андозаларида белгиланган тартиб, услуб ва муддатларда адвокатлик фирмаси мол-мулки қийматининг бир қисми унга тўланиши шарт. Адвокатлик фирмаси филиалларга ва бошқа таркибий бўлинмаларга, жумладан ҳудудий шахобчаларга эга бўлиши мумкин. Адвокатлик фирмаси ўз филиалларини ҳудудлар бўйича ёки ўзининг юридик шахс бўлмаган таркибий бўлинмалари сифатида ихтисослиги бўйича ташкил қилиши мумкин. Филиаллар уни ташкил қилган адвокат фирмаси номидан фаолият кўрсатадилар. Филиал адвокатлик фирмаси ҳисобидан асосий ва айланма капиталга эга бўлади. «Адвокатура тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинмаган адвокатлик фирмасини ташкил қилиш ва унинг фаолиятига оид бошқа масалалар адвокатлик амалиётининг тегишли андозалари билан белгиланади.

АДВОКАТЛИК ФИРМАСИНИНГ НАМУНАВИЙ УСТАВИ

I. Умумий қоидалар

1.1. Адвокатлар фирмаси белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган таъсисчи (шерик)лар томонидан ташкил этиладиган аъзоликка асосланган нодавлат, нотижорат ташкилотдир.

1.2. Адвокатлик фирмаси ўз аъзоларини «Адвокатлар касб этикаси қоидалари»га риоя қилган ҳолда, дастлабки тергов, суд, давлат ҳокимият органлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш уларга малакали юридик ёрдам кўрсатишни амалга оширилишини ташкил қилиш, бутун республика миқёсида юридик ёрдамни ҳар бир фуқарога очиқлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

1.3. Адвокатлик фирмаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Адвокатура тўғрисида»ги ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунларига ва мазкур Уставга асосан амалга оширади.

1.4. Адвокатлик фирмаси ўз олдига фойда олишни мақсад қилиб кўймайди ва унинг маблағлари аъзолари ўртасида тақсимланмайди.

1.5. Адвокатлик фирмаси номуайян муддатга ташкил этилади.

1.6. Адвокатлик фирмасининг тўлиқ номи: _____ адвокатлик фирмаси.

1.7. Адвокатлик фирмасининг манзили: _____

II. Адвокатлик фирмасининг ҳуқуқий мақоми

2.1. Адвокатлик фирмаси белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб юридик шахс мақомини олади ва у аъзо адвокатларнинг юридик ва жисмоний шахсларга юридик ёрдам кўрсатилиши муносабати билан келиб тушадиган маблағлари ҳисобига ўз фаолиятини юритади.

2.2. Адвокатлик фирмаси ўз фаолиятида Уставда белгиланган мақсадларга эриши учун мол-мулкка, номулкий ҳуқуққа эга бўлиш, судда даъвогар ва жавобгар бўлиш ва ўз номидан шартномалар тузиш ҳуқуқига эга.

2.3. Адвокатлик фирмаси мустақил юридик шахс бўлиб, Республикада ва ундан ташқарида белгиланган тартибда сўм ва валюта ҳисоб рақамларини очиш ҳуқуқига эга ҳамда ўзини-ўзи молиялаш ва харажатларни қоплаш асосида фаолият юритади.

2.4. Адвокатлик фирмаси номи кўрсатилган думалоқ муҳрига, тўртбурчакли тамғасига эга бўлади. Шунингдек, адвокатлик фирмаси белгиланган тартибда тасдиқланган ва рўйхатга олинган ўзининг рамзига ҳам эга бўлиши мумкин.

2.5. Юридик ёрдамни ташкил этиш ва уни кенгайтириш мақсадида фирма Республика ҳудудларида ўзининг бўлимларини очиш ҳуқуқига эга. Фирманинг бўлимлари фирма аъзоларининг умумий мажлисида тасдиқланган Низом асосида фаолият кўрсатади.

III. Адвокатлик фирмаси фаолиятининг мақсад ва вазифалари

3.1. Адвокатлик фирмаси фаолиятининг асосий мақсадлари:

- белгиланган тартибда адвокатлик лицензиясига эга бўлган шахсларни ўз касбий вазифаларини бажаришлари учун бирлаштириш;
- ўз аъзоларини адвокатлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ касбий, ижтимоий ҳуқуқларини қонуний таъминлаш;
- суд, ҳуқуқни муҳофафа этиш, ижро ҳокимияти органларида ўз аъзолари манфаатларини ифода этиш;
- ўз аъзоларини касбий, ижтимоий, моддий томонидан ҳимоя қилиш.

3.4. Адвокатлик фирмасининг асосий вазифалари:

- у ўзида фаолият кўрсатаётган аъзо адвокатлар орқали юридик ёрдам кўрсатишни ташкил этиш;
- қонунда белгиланган тартибда фуқароларга бепул юридик ёрдам кўрсатишни ташкил этиш;
- аъзоларини адвокатлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятлари давомида юзага келадиган ўзаро келишмовчилик, тортишувларни ҳал этиш;
- фирмада фаолият кўрсатаётган адвокатларнинг юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатаётган юридик ёрдами сифатини назорат қилиш;

- аъзоларининг касбий тайёргарлигини ошириб бориш ҳамда малакасини оширишга кўмаклашиш;
- аъзоларининг малакали юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ илғор иш тажрибаларини оммалаштириш;
- ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

IV. Адвокатлик фирмасининг бошқарув ва назорат органлари

4.1. Қўйидагилар адвокатлик фирмасининг бошқарув ва назорат органларидир:

фирманинг олий бошқарув органи фирма аъзоларининг умумий мажлиси, фирманинг ижроия органи таъсисчилар Кенгаши (кейинги ўринларда «Кенгаш» деб юритилади) ва фирма директори, назорат органи тафтиш комиссияси ҳисобланади.

4.2. Фирма аъзоларининг умумий мажлиси фирманинг олий бошқарув органи бўлиб, мажлис Кенгаш томонидан заруриятига қараб, лекин камида бир йилда бир марта чақирилади. Шунингдек, умумий мажлис фирма аъзолари 2/3 қисмининг ташаббуси билан ҳам чақирилиши мумкин.

Умумий мажлис аъзоларининг 2/3 қисми қатнашганда ваколатли ҳисобланади ва умумий мажлис ваколатига берилган масалалар мажлисда қатнашган аъзоларнинг кўпчилик овози билан ҳал этилади.

4.3. Умумий мажлиснинг мутлоқ ваколатига қўйидагилар киради:

- адвокатлик фирмаси Уставини тасдиқлаш ва унга қўшимча ўзгартиришлар киритиш;
 - фирма бўлимларини ташкил этиш ва уларнинг Низомини тасдиқлаш;
 - адвокатлик фирмаси аъзолигига кириш бадалларининг миқдорини белгилайди;
 - фирмани сақлаш билан боғлиқ харажатларга адвокатлардан ҳар ойда ушланадиган тўловлар миқдорини белгилайди;
 - фирма директори ва унинг ўринбосарини ҳамда тафтиш комиссиясини сайлайди;
 - фирманинг тушумлар ва харажатлар сметасини тасдиқлайди;
 - фирма фаолияти ҳақидаги фирма директори ҳисоботини тасдиқлайди;
 - фирманинг йиллик иш режасини тасдиқлайди;
 - фирма директори, унинг ўринбосари ва тафтиш комиссияси фаолиятини муддатдан олдин ваколатларини тўхтатади;
 - тафтиш комиссиясининг молиявий ҳисоботини тасдиқлайди;
 - фирма техник ходимларининг штатлар жадвалини тасдиқлайди;
 - фирма фаолиятини тугатиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этади.
- Умумий мажлис қарори фирма аъзоларининг талаби билан умумий мажлис томонидан қайта кўриб чиқилиши ва бекор қилиниши мумкин.

4.4. Умумий мажлис оралиғида фирманинг ижро органи ҳисобланмиш Кенгаш фаолият кўрсатади.

4.5. Кенгаш аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан сайланади.

Кенгаш аъзоларининг сони ва унинг ваколат муддати умумий мажлис томонидан белгиланади.

4.6. Кенгаш ваколатига қуйидагилар киради:

- фирма аъзолари умумий йиғилишини чақиради;
- фирма аъзолигидан чиқаётган таъсисчилар мулки қийматини белгилайди;
- фирмага янги аъзоларни қабул қилади ва фирма аъзолигидан чиқаради (ихтиёрий равишда фирма аъзолигидан чиқиш бундан мустасно);
- фирмага адвокат ёрдамчисини қабул қилиш масаласида фирма директориға розилик беради;
- қабул қилинган адвокатларни фирма бўлимларига юбориш масаласини ҳал қилади;
- фирма аъзолигини тўхтатади ва тиклайди;
- бўлимларға раҳбарларни тайинлайди;
- фирма аъзоларини интизомий жавобгарликка тортиш ёки уларни рағбатлантириш масаласини ҳал этади.

4.7. Адвокатлар кенгаш заруриятға қараб, аммо ҳар уч ойда камида бир марта чақирилади.

4.8. Фирмага умумий раҳбарликни директор амалға оширади. Директор ва унинг ўринбосари фирма аъзолари умумий мажлисида таъсис шартномасида кўрсатилган муддатда сайланади.

4.9. Фирма директори қуйидаги ваколатларға эга:

- Кенгаш йиғилишини чақиради ва йиғилиш кун тартибига киритиладиган масалаларни тайёрлайди;
- фирма бўлимларини очиш, улар фаолиятини ташкил қилиш бўйича амалий ишларни олиб боради;
- бўлимлар фаолиятини текширади;
- фирма номидан ёзишмалар олиб боради;
- тасдиқланган тушумлар ва харажатлар сметаси диорасида маблағларни тасарруф этади;
- давлат ҳокимияти, маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув органларида, корхона ва ташкилотларда фирма номидан ишончномасиз ҳаракат қилади;
- фирма адвокатлар устидан тушган аризалар бўйича текширишни ташкил этади. Текшириш юзасидан тўпланган материалларни адвокатлар кенгаши муҳокамасига олиб чиқади;
- фирма маъмурий-техник ходимлари ва адвокатларнинг маиший шароитларини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади;
- фирма маъмурий бошқарув аппарати ишини назорат қилади;
- белгиланган штат жадвалиға мувофиқ аппарат ходимларини ишга олади ва ишдан бўшатади;
- умумий мажлис ҳамда Кенгаш томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини назорат қилади, шунингдек умумий мажлис

ва Кенгашнинг мутлоқ ваколатига берилмаган Уставда белгиланган бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

4.10. Фирманинг тафтиш комиссияси таъсисчилар умумий мажлиси томонидан 1 йил муддатга сайланади. Тафтиш комиссияси аъзоларининг сони фирма умумий мажлиси томонидан белгиланади. Тафтиш комиссияси ўз аъзолари орасидан очиқ овоз бериш йўли билан комиссия раисини сайлайди.

4.11. Тафтиш комиссияси адвокатлик фирмаси ва унинг бўлимлари молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш қилади.

V. Адвокатлик фирмасининг мулки ва маблағлари

5.1. Адвокатлик фирмаси ўз фаолияти давомида моддий ва номоддий мулкка, сўм ёки чет эл валютаси шаклидаги пул маблағларига ва Республика қонунлари билан тақиқланмаган бошқа ҳар қандай моддий ва номоддий мулкка эга бўлиши мумкин.

5.2. Адвокатлик фирмаси томонидан олинган ҳар қандай мулк олиниш манбасидан қатъий назар фирма таъсисчиларининг умумий биргаликдаги мулки ҳисобланади.

5.3. Адвокатлик фирмаси мажбуриятлари юзасидан ўзида мавжуд бўлган мулки доирасида жавобгар бўлади.

5.4. Адвокатлик фирмасининг пул ёки бошқа шаклдаги маблағлари қўйидаги манбалардан ташкил топиши мумкин:

- аъзо таъсисчиларнинг дастлабки жамғарма бадалларидан;
- адвокатлик фирмаси аъзолигига қабул қилинаётган аъзо адвокатларнинг кириш бадалларидан;
- аъзолари томонидан адвокатлик фирмасини сақлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун белгиланган тартибда ҳар ойда ажратиладиган ажратмалар;
- юридик ва жисмоний шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ўтказиладиган ҳада, ҳайрия маблағлари, чет эл ва халқаро ташкилотлар томонидан бериладиган грант маблағлари ва бошқа қонунда тақиқланмаган тушумлардан.

5.5. Адвокатлик фирмаси аъзолигига кириш бадалларининг миқдори, тўлаш тартиби шунингдек, фирмани сақлаш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун аъзолар томонидан ажратиладиган маблағларнинг миқдори, адвокатлик фирмаси аъзоларининг умумий йиғилиш қарори билан белгиланади.

5.6. Адвокатлик фирмаси маблағларининг сарф-харажатлари фирма умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган смета доирасида амалга оширилади.

5.7. Адвокатлар фирмасининг таъсисчиси аъзоликдан чиқарилган ёки чиққан ҳолларда унга тегишли мулк Кенгаш йиғилиш қарори билан белгиланган тартибда берилиши мумкин.

VI. Адвокатлик фирмасига аъзолик ва уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

6.1. Адвокатлик фирмасига аъзолик ихтиёрийлик тамойиллари асосида амалга оширилади.

6.2. Адвокатлик фирмасига аъзоларининг сони фирманинг иқтисодий шароитидан, иш ўринларининг мавжудлиги, аъзоларнинг ишлаши учун қулай шароит билан таъминланиши имкониятидан келиб чиқиб, умумий мажлис қарори билан белгиланади.

6.3. Адвокатлик фирмасига аъзолигига кириш ҳақидаги ариза фирма директори номига берилади ва ариза мазкур Уставда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

6.4. Адвокатлик фирмасига қабул қилинган адвокат белгиланган миқдорда кейинчалик қайтариб олинмайдиган кириш бадалини тўлайди.

6.5. Аъзоликка қабул қилинган адвокат билан таъсисчилар ўртасида икки томонлама шартнома тузилади.

6.6. Адвокатлик фирмасига аъзолигини тўхтатиш қўйидаги ҳолатларда амалга оширилади:

- узрли сабабларга кўра адвокат олти ойдан ортиқ ўзининг касбий вазифаларини бажариш имкониятига эга бўлмаганда;

- адвокат белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб топилган тақдирда;

юқорида кўрсатилган ҳолатлар тугатилганда адвокатлик фирмаси аъзолигини тиклаш адвокатнинг ёзма аризасига асосан амалга оширилади.

6.7. Адвокатлик фирмаси аъзолигидан чиқариш фирма Кенгаш йиғилиши қарорига кўра қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- адвокатлар фирмасига синов шarti билан қабул қилинганда синов натижаларининг қониқарсиз эканлиги;

6.8. Адвокатлик фирмасига аъзоси ўз касбий фаолиятида амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши, унга юридик ёрдам сўраб мурожаат этган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя этиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланиши шарт.

VII. Адвокатлик фирмасида адвокат ёрдамчиси

7.1. Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги Қонунига кўра адвокат «Адвокат ёрдамчиси»га эга бўлиши мумкин.

7.2. Адвокат ёрдамчиси Кенгаш розилиги билан адвокатлик фирмаси директори томонидан меҳнат шартномаси (контракти) асосида адвокатнинг кафиллиги остида ишга қабул қилинади.

7.3. Адвокат ёрдамчисига иш ҳақи у билан тузиладиган меҳнат контракти (шартномаси)да назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

7.4. Адвокат ёрдамчиси ўз фаолиятини адвокат раҳбарлиги остида амалга оширади ва адвокатнинг муайян топшириқларини бажаради. У фирма аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган ички

тартиб қоидаларига риоя этиши ва фирма директори томонидан қабул қилинган буйруқ фармойишларга бўйсунити шарт.

VIII. Адвокатлар ва бошқа ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш

8.1. Фирма адвокатлари меҳнатига ҳақ амалдаги «Адвокатура тўғрисида»ги Қонунга биноан кўрсатилган юридик ва жисмоний шахслардан адвокатлар фирмасига келиб тушган маблағлар ҳисобидан тўланади.

8.2. Фирма бошқарув органларида мансаб лавозимларини эгаллаб турган адвокатларнинг меҳнат ҳақи уларнинг мансаб окладлари ва адвокатлик фаолияти натижада келиб тушган маблағлардан ташкил топади.

8.3. Адвокатлик фирмаси маъмурий-техник ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш белгиланган штат жадвалига мувофиқ тасдиқланган смета доирасида амалга оширилади.

8.4. Адвокатлар фирмаси аъзоларини касбий, ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш мақсадида фирмада ижтимоий ҳимоя жамғармаси ташкил этилиши мумкин. Жамғарма маблағлари аъзоларнинг ўзаро келишувига биноан ҳар ойда улар томонидан ажратиладиган маълум суммалар ҳисобидан ташкил топади ва бу маблағлар ҳисобидан адвокатларнинг касбий вазифаларини лозим даражада бажара олмаганда ёки узрли сабаблар билан мижоз топшириқларини бажармаган ҳолатларда мижоз талабларини қондиришга, шунингдек, аъзоларнинг ижтимоий шароитларини яхшилашга ишлатилади.

IX. Аъзоларни рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги

9.1. Фирма аъзоси бўлган адвокатлар ўз касбий вазифаларини, бурчларини намунали бажарганликлари, малакали юридик ёрдамни амалга оширганликлари ва жамоат ишларида фаол иштирок этганликлари учун фирма адвокатлар Кенгаши қарори билан рағбатлантирилишлари мумкин.

Рағбатлантириш турлари қуйидагилар:

- ташаккурнома эълон қилиш;
- пул мукофоти бериш;
- мақтов ёрлиғи билан тақдирлаш;
- қимматбаҳо совға топшириш.

Фирмада бошқа турдаги рағбатлантириш чоралари ҳам қўлланлиши мумкин.

Адвокат ёрдамчиси ва техник ходимларни рағбатлантириш амалдаги меҳнат қонунчилигига биноан амалга оширилади.

9.2. Устав талабларини ва белгиланган ички тартиб қоидаларни бузган адвокатларга нисбатан Кенгаш қарори билан қуйидаги интизомий жазо чоралари қўлланлиши мумкин:

- огоҳлантириш;

- хайфсан;
- фирма аъзолигидан чиқариш.

9.3. Интизомий жазо чораси ножўя хатти-ҳаракат содир этилганлиги аниқлангандан сўнг, бир ойдан кечиктирилмай қўлланилади.

9.4. «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун талабларини, адвокатлик касб этикаси қоидаларини қўпол равишда бузганлик, адвокатлик касбига нисбатан номуносиб ҳаракатлар содир этганлик ҳолатлари аниқланганда, фирма раҳбари адвокатга нисбатан тегишли ҳужжатларни адвокатлар малака комиссиясига юбориши мумкин.

9.5. Агар интизомий жазо чораси қўлланилган кундан бошлаб бир йил давомида адвокат янги ножўя ҳаракат содир этмаса, у интизомий жазога тортилмаган ҳисобланади.

Х. Фирма фаолиятини тугатиш ва қайта ташкил этиш

10.1. Адвокатлик фирмаси фаолиятини қайта ташкил этиш уни қўшиб юбориш, қўшиб олиш, ажратиш чиқариш ва ўзгартириш йўли билан амалга оширилади.

10.2. Фирма қўшиб юборилганда, бўлинганда бошқа шаклга айлантирилганда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари топшириш ҳужжатига мувофиқ янгидан ташкил этилган юридик шахсга ўтади.

10.3. Адвокатлик фирмаси, таъсисчилар умумий йиғилишининг қарори билан ёки суднинг қарорига кўра тугатилиши мумкин.

10.4. Фирма фаолияти тугатилгандан сўнг унинг мол-мулки, маблағлари тугатиш комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда Уставда назарда тутилган мақсадларда ишлатилади.

Аҳолининг юридик ёрдамдан фойдаланишини таъминлаш мақсадида, адвокатнинг ҳудудий ҳайъати аҳоли учун қулай бўлган жойларда адвокатлар маслаҳатхоналарини ташкил қилади.

Адвокатлар ҳудудий ҳайъати, харажатларнинг бир қисми маҳаллий бюджетдан молиялаштиришини ҳисобга олган ҳолда, ҳар йили адвокатлар маслаҳатхоналарини молиялаш миқдорини аниқлайди. Адвокатлар ҳудудий ҳайъати адвокатлар маслаҳатхонага бошқа бириктирилган адвокатларни юборади.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Адвокатура фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий шакллари нималардан иборат?
2. Адвокат меҳнатига қайси қонунга асосан ҳақ белгиланади?
3. Адвокатлар бюроси, фирмаси, маслаҳатхонасини ташкил қилиш қайси меъёрий ҳужжатларга асосан амалга оширилади?

АДВОКАТЛАРНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ.

Ўзбекистон Республикаси адвокатлар ҳайъати.

Республика адвокатлар ҳайъати адвокатларнинг ўз-ўзини бошқариш органи ҳисобланади. Республика адвокатлар ҳайъати Ўзбекистон Республикаси адвокатларининг мажбурий аъзолигига асосланган ягона нодавлат, нотижорат ташкилоти ҳисобланади. Худудий адвокатлар ҳайъатлари Республика адвокатлар ҳайъатининг таркибий бўлинмалари ҳисобланади.

Республика адвокатлар ҳайъати қуйидаги вазифаларни бажаради:

а) республика адвокатлар манфаатларини ифодалайди, давлат ҳокимияти органлари олдида уларни ҳимоя қилади ва вакилликни амалга оширади;

б) Олий малака ва Олий интизом комиссияларини тузади, улар ҳақидаги низомларни тасдиқлайди;

в) ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларининг талаблари бўйича адвокатлик фаолиятининг масалаларига оид тушунтиришлар ва хулосалар беради;

г) адвокатлик тузилмалари учун бажарилиши мажбурий бўлган, адвокатлик фаолиятига оид ҳужжатларни қабул қилади;

д) адвокатуранинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш йўллари ва чораларини ишлаб чиқади;

е) адвокатлар, адвокат ёрдамчилари ва стажёрлари ҳамда адвокатура нинг техник ходимлари малакасини оширишни ташкил қилади, шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлайди;

ж) юридик билимларни тарғиб этади ва шу мақсадда ноширлик – матбаа фаолиятини амалга оширади.

Республика адвокатлар ҳайъати юридик шахс ҳисобланиб, мустақил балансга, қонун ҳужжатларига мувофиқ банкларда ҳисоб рақами ва бошқа рақамларга, муҳр, тамга ва ўз номи қайд этилган бланкга эга бўлади. Республика адвокатлар ҳайъати юридик ёрдам кўрсатишга ҳақли эмас. Республика адвокатлар ҳайъати Республика адвокатлар съезди томонидан таъсис қилинади. Республика адвокатлар ҳайъатининг вазифалари ва ваколатларига ўхшаш вазифа ва ваколатларга эга бўлган бошқа ташкилот ва органларнинг ташкил этилишига ижозат берилмайди.

Республика адвокатлар ҳайъатининг Устави Республика адвокатлар съезди томонидан тасдиқланади. Республика адвокатлар ҳайъати нодавлат нотижорат ташкилотларни давлат қайдномасидан ўтказиш ҳақидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат қайдномасидан ўтказди. Республика адвокатлар ҳайъати ва унинг органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлар барча худудий адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлар ва адвокатлик тузилмалари учун мажбурийдир.

Республика адвокатлар съезди Республика адвокатлар ҳайъатининг олий органи ҳисобланади. Съезд икки йилда камида бир марта

чақирилади. Агар съезд ишида делегатларнинг камида учдан икки қисми қатнашаётган бўлса, съезд ваколатли деб ҳисобланади. Съездни чақириш тартиби, ваколатлари Республика адвокатлар ҳайъати Устави билан белгиланади.

Республика адвокатлар ҳайъатининг съезди.

Республика адвокатлар съезди:

а) Республика адвокатлар ҳайъати Уставини қабул қилади, унга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлайди;

б) мажбурий бўлган аъзолик бадаллари миқдорини белгилайди;

в) Республика адвокатлар ҳайъати Раёсатининг таркибини тузади ва унинг аъзолари ваколатларини муддатидан олдин тугатиш ҳақида қарор қабул қилади;

г) ҳудудий адвокатлар ҳайъати адвокатларининг сонини ҳисобга олган ҳолда, Республика адвокатлар ҳайъатининг умумий эҳтиёжлари учун ҳудудий адвокатлар ҳайъатларидан олиб қолинадиган ажратмалар миқдорини белгилайди;

д) бепул адвокатлик ёрдамини кўрсатиш билан боғлиқ адвокатлар меҳнатига ҳақ тўлаш учун олиб қолинадиган ажратмалар миқдорини (ҳисоблаш тамойили) белгилайди;

е) тайинланган ишда қатнашган адвокатга кетган харажатларни қоплаш тартибини, бундай ёрдам олишга ҳуқуқи бор шахслар доирасини ва адвокатлик гонорари ставкасини белгилайди;

ж) Республика адвокатлар ҳайъатини таъминлашга кетадиган харажатлар сметасини тасдиқлайди;

з) Республика адвокатлар ҳайъати Раёсатининг ҳисоботларини, жумладан, Республика адвокатлар ҳайъатини таъминлашга кетадиган харажатлар сметасининг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботларни тасдиқлайди;

и) Олий малака ва Олий интизом комиссияларининг аъзоларини сайлайди;

к) Республика адвокатлар ҳайъати тафтиш комиссиясини сайлайди ва унинг Республика адвокатлар ҳайъати Раёсати молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ҳақидаги ҳисоботни тасдиқлайди;

л) адвокатлар касбий хулқ-атвори ва этикаси қоидаларини тасдиқлайди;

м) адвокатлар съезди регламентини тасдиқлайди;

н) Республика адвокатлар ҳайъати Раёсати регламентини тасдиқлайди;

о) Республика адвокатлар ҳайъати Раёсати аппаратининг штат жадвалини тасдиқлайди;

п) Республика адвокатлар ҳайъати Раёсати жойлашадиган манзилни белгилайди;

р) адвокатуранинг Республика ва ҳудудий даражадаги малакавий, интизомий ва тафтиш органлари тўғрисидаги низомларини ва ҳудудий адвокатлар ҳайъатларининг намунавий уставини тасдиқлайди;

с) адвокатура бошқа органларининг фаолияти ва уларни ташкил қилиш тартиби ҳақидаги низомларни тасдиқлайди;

т) адвокатура фаолиятини тартибга солувчи бошқа низомларни тасдиқлайди;

у) «Адвокатура тўғрисида»ги қонунда ва Республика адвокатлар ҳайъатининг Уставида назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

Адвокатлик ҳайъатининг намунавий устави.

1. Умумий қоидалар

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасига асосан фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади.
- 1.2. Адвокатлар ҳайъати адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаси (бундан буён адвокатлар ҳайъати деб юритилади) ҳисобланади.
- 1.3. Адвокатлар ҳайъати фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун ўзида бирлаштирган аъзо адвокатларнинг маънавий, номоддий эҳтиёжларини ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни амалга ошириш учун тузилади.
- 1.4. Адвокатлар ҳайъати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги, «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари ва ушбу Устав асосида олиб борилади.
- 1.5. Адвокатлар ҳайъати нодавлат нотижорат ташкилот бўлиб, кўрсатилган юридик ёрдам учун фуқаролардан ва юридик шахслардан адвокатлар номига тушадиган пул маблағларидан умумий вазифаларни бажариш учун ажратилган улушлар ва бадаллар ҳисобига фаолият кўрсатади.
- 1.6. Адвокатлар ҳайъати амалдаги қонунчиликда Адлия бошқармасида рўйхатга олинган кундан бошлаб юридик шахс мақомини олади.
- 1.7. Адвокатлар ҳайъати банк идораларида сўм ва валюта ҳисоб рақамлари очишга ҳақли, ўз номи кўрсатилган думалоқ муҳр ҳамда бурчакли тамғага эга бўлади.
- 1.8. Адвокатлар ҳайъатининг тўлиқ номи _____
- 1.9. Адвокатлар ҳайъатининг манзили _____

2. Адвокатлар ҳайъати фаолиятининг мақсад ва вазифалари

Адвокатлар ҳайъати аъзо адвокатлар орқали Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилади.

3. Адвокатлар ҳайъатининг бошқаруви ва назорат органлари

3.1. Адвокатлар ҳайъатининг олий органи – ҳайъат аъзоларининг умумий йиғилиши; вакиллар йиғилиши, унинг бошқарув ижроия органи раёсати; раёсат йиғилиши ўртасида ҳайъат раиси ҳисобланади. Назорат тафтиш органи эса – тафтиш комиссиясидир.

3.2. Адвокатлар ҳайъатининг умумий йиғилиши _____ йилда бир марта чақирилади. Навбатдан ташқари умумий йиғилиш раёсат ташаббуси билан, шунингдек адвокатлар ҳайъати аъзоларининг камида учдан бир қисмининг ташаббуси билан чақирилади.

3.3. Адвокатлар ҳайъати аъзолари умумий йиғилишнинг ваколатлари.

Адвокатлар ҳайъати аъзолари умумий йиғилишининг мутлоқ ваколатларига қуйидагилар киради:

- ҳайъат Уставини қабул қилади, унга қўшимча ва ўзгартишилар киритади;

- адвокатлар ҳайъатираисини сайлайди. Ҳайъат раиси бевосита адвокат бўлиб ишлаб келаётган, беш йилдан кам бўлмаган адвокатлик амалиётига эга бўлган ҳайъати аъзолари ичидан беш йиллик муддатга сайланади;

- раёсат ва тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлайди;

- раёсат ҳамда тафтиш комиссиясининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни эшитади ва тасдиқлайди;

- жамоа шартномасини тасдиқлайди;

- вакиллар йиғилиши, адвокатлар ҳайъати раёсати ва ҳайъат раиси чиқарган қарор, буйруқ ва фармойишлар юзасидан тушган шикоятларни кўриб чиқади;

- ҳайъат фаолиятини тугатиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этади;

- умумий йиғилиш ваколатига ҳайъат фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар берилиши мумкин.

3.4. Умумий йиғилиш ўз ваколатига кирган масалаларни ҳал қилишда овоз бериш тартибини (очиқ ёки яширин) ўзи белгилайди.

3.5. Умумий йиғилиш ҳайъат аъзоларининг учдан бир қисми ҳозир бўлганда ваколатли бўлади. Йиғилиш қарори овоз билан қабул қилинган ҳисобланади.

Умумий йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарор қабул қилади.

3.6. Адвокатлар ҳайъати раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисида ариза берганида ёки бу вазифани бажаришга монелик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлганда умумий йиғилиш чақирилгунга қадар вакиллар йиғилишининг қарорига мувофиқ ҳайъат раиси вазифасини бажариш ҳайъат аъзоларидан бирига юклатилади.

3.7. Вакиллар йиғилишининг ваколатлари.

Раёсат ёки тафтиш комиссияси таркибидан уларни бир ёки бир неча аъзолари ваколати тугагунга қадар раёсат ёки тафтиш аъзолиги вазифасидан озод қилиш тўғрисида ариза берганда, адвокатлар ҳайъати аъзолари ўрнини тўлдириш масаласи, шунингдек раёсат йиғилиши,

ҳайъат раиси томонидан қабул қилинган қарор, буйруқ ва фармойишлар юзасидан берилган шикоятларни умумий мажлис чақирмасдан тезкорлик билан кўриш масаласи вакиллар йиғилиши муҳокамасига киритилиш мумкин.

Вакиллар йиғилишида адвокатлар ҳайъатида мавжуд бўлган юридик маслаҳатхоналардан камида биттадан вакил қатнашади. Вакиллар йиғилиши вакилларнинг тўртдан уч қисми ҳозир бўлганда ваколатли ҳисобланади. Вакиллар йиғилиши заруратга қараб адвокатлар ҳайъати раиси томонидан чақирилади.

Вакиллар йиғилиши овоз бериш тартибини (очиқ ёки яширин) ўзи белгилайди.

Йиғилиш қарори овоз беришда қатнашган вакилларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинган ҳисобланади.

3.8. Адвокатлар ҳайъатининг раёсати ва унинг ваколатлари.

Адвокатлар ҳайъатининг раёсати _____ аъзодан иборат таркибда _____ йил муддатга сайланади.

Адвокатлар ҳайъатининг раиси бир вақтнинг ўзида раёсат раиси ҳисобланади.

Адвокатлар ҳайъати раёсатининг ваколатига қуйидагилар киради:

- адвокатлар ҳайъатининг умумий йиғилишини чақириш;
- вилоятдаги шаҳар, туман, аҳоли яшайдиган қўрғон, қўрғонча ва бошқа жойларда юридик маслаҳатхоналар тузиш, уларни тугатиш ва юридик маслаҳатхоналар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш;
- касаба қўмитаси билан келишиб туриб, адвокатлар ҳайъати ички меҳнат тартиби қоидаларини тасдиқлаш;
- адвокатлар ҳайъатининг кирим-чиқим сметасини ва маъмурий-техник ходимлар ва юридик маслаҳатхоналар штатларини тасдиқлаш;
- юридик маслаҳатхоналар ва айрим адвокатларни ишларини текшириб туриш;
- ҳайъат аъзолигига қабул қилиш;
- адвокатлар ҳайъати маблағлари ва мол-мулкларини тасарруф қилиш;
- адвокатларни маънавий, ижтимоий эҳтиёжларини қондириш мақсадида таркибий қисмлар, жамғармалар тузиш;
- адвокатлар меҳнатига ҳақ тўлаш тартибларини белгилаш;
- ҳар ойда адвокатлар томонидан бажарилиши лозим бўлган молия режаси миқдорини белгилаш;
- маъмурий-хўжалик харажатлар сметасини тасдиқлаш;
- адвокатлар ишлари сифатини, назорат қилиб бориш;
- касаба қўмитаси билан биргаликда ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилиш устидан назорат қилиб бориш;
- адвокатларни рағбатлантириш ва уларни жазолаш;
- аъзоликка кириш бадали, адвокатлардан ҳар ойда ҳайъат фондига ушланадиган улуш миқдори режалаштирилган маблағларни ____ %дан ошмаслиги шарт;

- адвокатларнинг моддий-маиший шароитларини ҳамда ҳайъатнинг маъмурий-техник ходимлари моддий ва маиший шароитларини яхшилаш юзасидан тadbирлар кўриш;

- белгиланган тартибларда статистик ва молиявий ҳисобот ишларини олиб бориш;

- адвокатлик фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган, адвокатларнинг ижтимоий ҳайъатни аъзо бўлиб кириши масаласини ҳал қилиш.

3.9. Раёсат йиғилиши заруратга қараб чақирилади.

Раёсат кўрилган масалалар юзасидан баённома шаклидаги қарор қабул қилади. Раёсат қарорларини бажариш юзасидан ҳайъат раиси буйруқлар чиқариши мумкин.

3.10. Раёсат йиғилиши раёсат аъзоларининг камида ярми ҳозир бўлган тақдирда ўтказилади. Қарорлар кўпчилик овоз билан қабул қилинган ҳисобланади. Овозлар тенг бўлиб қолганда ҳайъат раиси (раёсат мажлисида раислик қилувчи)нинг овози ҳал қилувчи ўрин эгаллайди.

3.11. Адвокатлар ҳайъати раисининг ваколатлари қуйидагилар:

- адвокатлар ҳайъатининг мажлисларини чақиради ва бу мажлисларда раислик қилади;

- вакиллар йиғилишини чақиради ва йиғилишга масалалар киритади;

- адвокатлар ҳайъати раёсати ишини уюштиради ва режалаштиради ҳамда раёсат мажлисларида кўриб чиқиш учун масалалар тайёрлайди;

- раёсат аъзолари ичида ўз ўринбосари (ўринбосарлари)ни тайинлайди ва уларни бу вазифадан озод қилади;

- юридик маслаҳатхона мудирларини тайинлайди ва уларни бу вазифадан озод қилади;

- Уставнинг 9.1. бандида кўрсатилган ҳолларда аъзоликдан бўшатади;

- Ушбу Уставнинг 9.2. бандига асосан адвокатлар ҳайъати аъзолагидан чиқариш тўғрисидаги масалаларни раёсат мажлисида кўриб чиқиш учун тайёрлайди ва раёсатга ҳавола этади;

- адвокатларнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан тушган шикоят ва бошқа ҳужжатларни текшириб чиқишни уюштиради, текшириш натижасига қараб адвокатни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилади, адвокатга берилган лицензияни тўхтатиш ёки бекор қилиш масаласида тегишли малака комиссиясига тақдимномалар киритади;

- тасдиқланган смета доирасида ажратилган маблағларни таксимланиши юзасидан фармойиш беради;

- адвокатларни бир юридик маслаҳатхонадан иккинчи юридик маслаҳатхонага ўтказиш;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан иш ҳақи миқдори оширилганда масалани раёсат муҳокамасига киритмай, оширилган фоиизлар доирасида кирим-чиқим сметасига ва штат жадвалига ўзгартиришлар киритиб, уларни раёсат мажлиси тасдиғига киритади;

- фуқаролар ва юридик шахслар билан битимлар тузади;

- давлат ва бошқа ташкилотларда адвокатлар ҳайъати номидан вакиллик қилади;

- адвокатлар ҳайъати номидан ташкилотлар, корхоналар, муассасалар ва фуқаролар билан ёзишмалар олиб боради;
- адвокатларни рағбатлантириш ва уларга интизомий таъсир чораларини қўллаш масаласини раёсат мажлисига олиб чиқади;
- адвокатларни рағбатлантириш тўғрисида тегишли органларга тақдимномалар киритади;
- фуқароларга бепул юридик ёрдам кўрсатиш масаласини ҳал қилади;
- давлат ҳисобидан тўланадиган ҳақни тегишли молия идораларидан ундириш масаласини амалга оширади;
- адвокат аризасига асосан адвокат ёрдамчиси ва штатсиз ходимларни ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;
- маъмурий-техник ходимларни, адвокатлар ёрдамчиларини, штатсиз ходимларни рағбатлантиради ва интизомий таъсир чораларини қўллайди;
- адвокатлар ҳайъати девонхонаси ишига раҳбарлик қилади уни ходимларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;
- адвокатлар ҳайъати фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳам ҳал қилади.

Ҳайъат раиси ўз ваколатига кирган масалаларни ҳал этилишини ўз ўринбосарига ёки раёсат аъзоларидан бирига юклашга ҳақли.

Адвокатлар ҳайъати раиси ўз вазифаларини бажариш жараёнида буйруқ, фармойиш ва қарорлар қабул қилади.

3.12. Тафтиш комиссияси адвокатлар ҳайъати аъзоларининг умумий йиғилишида ____ аъзодан иборат таркибида _____ йил муддатга сайланади.

Адвокатлар ҳайъатининг тафтиш комиссияси ўз орасидан тафтиш комиссиясининг раисини ва Раис ўринбосарини сайлайди.

Тафтиш комиссияси адвокатлар ҳайъати ва юридик маслаҳатхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш қилади.

4. Адвокатлар ҳайъатига аъзолик, аъзоларнинг ҳуқуқ ва бурчлари.

4.1. Адвокатлар ҳайъати аъзолигига белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинади.

4.2. Адвокатлар ҳайъатига қабул қилиш тартиби унинг ички меъёрий ҳужжатларида белгиланади. Адвокатлар ҳайъати аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги аризалар адвокатлар ҳайъати девонхонасига топширилади, улар одатда, кўпи билан бир ой муддат ичида кўриб чиқилади.

4.3. Адвокатлар ҳайъати аъзолигига кирувчи раёсат томонидан белгиланган кириш бадалини, аъзо сифатида фаолият кўрсатиш даврида эса молиявий режага мувофиқлаштириб белгиланган ойлик бадалларни (улашларни) ҳайъат хибсхонаси орқали ҳайъат фондига тўлаши мумкин.

4.4. Адвокатура ҳайъатининг аъзоси қуйидагиларга ҳақли:

- адвокатлар ҳайъати органларини сайлаш ва бу органларга сайланиш;
- ҳайъат фаолиятига таалуқли масалалар юзасидан таклифлар киритиш ва мазкур масалаларни муҳокама этишда қатнашиш;

- ҳайъат органлари унинг фаолияти ёки хулқ-атворини муҳокама этаётган ҳамма ҳолларда шахсан иштирок этиш;
- ўз ҳисобига тушган маблағлар ҳисобидан ёрдамчи, штатдан ташкари техник ходимлар олиш;
- адвокатлар ҳайъати таркибидан чиқиш.

4.5. Адвокатлар ҳайъатининг аъзоси ушбу Устав талаблари, адвокат қасамёди ва адвокатлик одоби қоидаларига риоя қилиши шарт.

5. Юридик маслаҳатхоналар.

5.1. Юридик ёрдам жойларда адвокатлар ҳайъати томонидан ташкил этиладиган юридик маслаҳатхоналар орқали амалга оширилади.

Юридик маслаҳатхоналарга адвокатлар ҳайъатининг таркибий қисми ҳисобланади.

5.2. Юридик маслаҳатхоналарга ҳайъат раиси томонидан тайинланадиган мудир раҳбарлик қилади.

5.3. Юридик маслаҳатхоналарни ташкил қилиш, уларни жойланиш ўрнини ва унда ишлайдиган адвокатлар сонини ҳайъат раёсати белгилайди.

Юридик маслаҳатхона фаолияти ва маслаҳатхона мудирини ҳуқуқ ва бурчлари юридик маслаҳатхона тўғрисидаги Низом билан тартибга солинади.

6. Адвокатлар ҳайъатининг мол-мулки ва маблағлари.

6.1. Адвокатлар ҳайъатининг маблағлари аъзоликка кириш бадалларидан, умумий вазифаларни ҳал этиш учун ажратилиб бирлаштирилган ажратмалар – бадаллардан ва аниқ мақсадлар қаратилган бошқа молиявий маблағлардан ташкил топади.

6.2. Адвокатлар ҳайъат фондига ажратиладиган ҳар ойлик улушлар, бадаллар ва кириш бадали миқдори адвокатлар ҳайъати раёсати томонидан белгиланади.

6.3. Ҳайъат фонди маблағлари ҳисобидан олинган – транспорт воситалари, жиҳозлар, асбоб-ускуналар ва бошқа ашёлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тақиқланмаган бошқа тушумлар адвокатлар ҳайъатининг мол-мулки ҳисобланади.

6.4. Адвокатлар ҳайъатининг штатлари мансаб маошлари ва маъмурий-хўжалик харажатларининг сметаси молия органлари рўйхатидан ўтказилмайди. Адвокатлар ҳайъатининг иш ҳақи фонди банклари томонидан назорат қилинмайди;

6.5. Адвокатлар ҳайъатлари маъмурий-хўжалик харажатлар сметаси доирасида нақд пулдан фойдаланиши мумкин.

Адвокатлар ҳайъати Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва маҳаллий ҳокимият идораларининг қарорлари ва фармойишлари билан белгиланган имтиёзлардан фойдаланади.

7.Адвокатлар меҳнатига ҳақ тўлаш.

7.1. Юридик ёрдам учун ҳақ тўлаш адвокат билан мижоз ўртасида ихтиёрий равишда тузилган битим (шартнома) асосида амалга оширилади.

7.2. Адвокат номига тушган маблағлар адвокатлар ҳайъатининг банкдаги ҳисоб рақамида марказлашган ҳолда жамланади.

7.3. Адвокатлар ҳар ойда бажарилган, тугалланган ишлар юзасидан ҳайъат маъмуриятига ҳисоб-рўйхат беради.

7.4. Адвокатлар ҳайъати хибсхонаси умумий вазифаларни бажариш учун белгиланган миқдордаги маблағни ҳайъат фондига ушлаб қолади.

7.5. Бу маблағлар умумий вазифаларни ҳал этиш учун ҳайъат фонди сифатида жамланиб, адвокатлар ҳайъати бошқарув-ижроия органи раёсат томонидан тасдиқланган сметага асосан маъмурий-бошқарув ва техник ходимлар иш ҳақи, шунингдек маъмурий-хўжалик харажатлар учун сарфланади. Тугалланган ишлар (маблағ)ларни қолган қисми адвокат меҳнат ҳақи сифатида ҳисобланади.

7.6. Адвокатлар номига тушган, лекин тугалланмаган ишлар (маблағлар)дан ҳайъат фондига ажратмалар, бадаллар ушланмайди.

7.7. Шахс тўловга қобилиятсизлиги сабабли кўрсатилган юридик ёрдам ҳақини тўлашдан озод этилганда, жиноий ишни кўриб чиқишда қатнашишга тайинланган адвокатнинг юридик ёрдами учун ҳақ қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан амалга оширилади.

7.8. Давлат ҳисобидан тўланган маблағлардан ҳам ҳайъат фондига ажратмалар ушбу модда талаблари асосида амалга оширилади.

8.Адвокатларни рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги.

8.1. Ўз вазифаларини намунали бажарганликлари узоқ йиллар давомида ҳалол ишлаб келганликлари ҳамда фаол ижтимоий фаолияти учун адвокатлар адвокатлар ҳайъати раёсатининг қарорига, шунингдек ҳайъат раисининг буйруғига биноан рағбатлантирилишлари мумкин.

8.2. Рағбатлантириш чоралари қуйидагилардан иборат:

- миннатдорчилик билдириш;
- пул мукофоти бериш;
- қимматли совға топшириш;
- фахрий Ёрлиқ билан мукофотлаш.

8.3. Адвокатларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган бошқа рағбатлантириш чоралари ҳам қўлланилиши мумкин.

8.4. Адвокатлар ҳайъати раиси ёки раёсат йиғилиши ножўя интизомий хатти-ҳаракатларни содир этган ҳайъат аъзосига нисбатан қуйидаги интизомий жазоларни қўллаши мумкин:

- ҳайфсан эълон қилиш;
- ўртача иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима белгилаш;

- адвокатлар ҳайъати аъзолигидан чиқариш.

Адвокатлар ҳайъати аъзолигидан чиқариш масаласи раёсат йиғилишида кўриб чиқилади.

8.5. Адвокатлар ҳайъати аъзоларининг ўз касб вазифаларини бажариш, шунингдек меҳнат қонунларига риоя қилиш билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатлари хусусида тушган шикоят ва аризалар юридик маслаҳатхона мудир, адвокатлар ҳайъатининг раёсати ёки ҳайъат раиси томонидан кўриб чиқилади.

8.6. Ҳайъат аъзосининг содир қилган хатти-ҳаракатида уни интизомий жавобгарликка тортиш учун асослар бўлган тақдирда, адвокатлар ҳайъати раиси интизомий иш қўзғатиб, шикоят ёки ариза юзасидан тўпланган ҳужжатларга асосан интизомий жазо қўллайди ёки ёки тўпланган ҳужжатларни ҳайъат аъзосига интизомий чора кўриш учун раёсат йиғилишга киритади ёхуд тегишли малака комиссиясига юборади.

8.7. Интизомий жазо қўлланилишидан аввал адвокатдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Адвокатнинг тушунтириш хатини беришдан бош тортиши содир қилган ножўя хатти-ҳаракатлари учун жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайди.

8.8. Раёсат ёки тафтиш комиссияси аъзосига нисбатан интизомий чора кўриш умумий асосларда амалга оширилади.

8.9. Адвокатлар ҳайъати раиси ёки раёсат йиғилишининг интизомий жазо қўллаш тўғрисидаги буйруқ ёки қарори устидан буйруқ ёки қарор олинган пайтдан бошлаб бир ой муддат ичида умумий мажлис (вакиллар йиғилиши)га ёхуд судга шикоят қилиниши мумкин.

8.10. Адлия бошқармаси ҳузуридаги малака комиссияси Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги, «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунлар талабларини ва адвокатлик фаолиятини тартибга солиб турувчи бошқа қонун ҳужжатларни бузганлик учун ҳайъат аъзоси адвокатга нисбатан қуйидаги интизомий чораларни қўллаши мумкин:

- огоҳлантириш;
- адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилишини олти ойгача муддатга тўхтатиб туриш;
- адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни бекор қилиш.

8.11. Лицензияни амал қилинишини тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қарор устидан ушбу қарор олинган пайтдан бошлаб бир ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги олий Комиссиясига ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

9. Адвокатлар ҳайъатида аъзоликни тугатилиши.

9.1. Адвокатнинг адвокатлар ҳайъатидан бўшатирилганлиги ёки чиқарилганлиги муносабати билан тугалиши мумкин.

9.2. Адвокатлар ҳайъати аъзолигидан бўшатиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- адвокатнинг аризасига биноан;

- бетоблиги сабаб адвокат ўз вазифасини ижро этиши мумкин эмас деб топилган ҳолда;

- адвокатга берилган лицензия тўхтатилганда ёки бекор қилинганда.

9.3. Адвокатни ҳайъат аъзолигидан чиқариш:

- адвокат ички меҳнат тартиби қоидаларини мунтазам равишда бузиб келган ёки ўз вазифаларини виждонан бажармаган тақдирда, агар илгари адвокатга интизомий чора ёки жамоат таъсири кўрсатиш чоралари қўлланилган бўлса;

- адвокатлар ҳайъатида қолиши мумкин бўлмаган бошқа хатти-ҳаракатлар содир этган тақдирда;

- сабабсиз кетма-кет уч ой давомида ёки йил давомида олти ой адвокатлар ҳайъатида фаолият кўрсатмай белгиланган ойлик бадалларини тўланмаганда;

- даромадни яширган (суд ва тергов кунини учун белгиланган пулни миждон олганда ёки ҳисобдан яширганда ёхуд ишда қатнашиб давлат ҳисобидан пул ундириш масаласини қўймаган)да;

- адвокатлар қасамёдини бузган ҳолда амалга оширилади.

9.6. Адвокат ҳайъат аъзолигидан бўшатиладиганда ёки чиқарилганда ҳайъат фондига ушланган ажратмалар ва кириш бадали унга қайтарилмайди.

10.Адвокатлар ҳайъатининг тугатилиш.

Адвокатлар ҳайъати қуйидаги ҳолларда:

- ҳайъат аъзоларининг қарорига асосан;

- суднинг қарорига асосан ҳайъат шу мақсад ва вазифаларни бажараётган бошқа ташкилотга қўшилгандан;

- адвокатура органларини тугатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинганда тугатилиши мумкин.

Адвокатлар ҳайъати бошқа ташкилотга қўшилганда унга тегишли маблағлар ва мол-мулклар ва ҳайъат қўшилган ёки уни ворислиги қабул қилган ташкилотга ўтади. Ҳайъат тугатилганда эса мол-мулк ва маблағлар Уставда назарда тутилган мақсадларда ишлатилади.

Республика адвокатлар ҳайъатининг Раёсати.

Республика адвокатлар ҳайъати Раёсатининг раиси.

Республика адвокатлар ҳайъатининг Раёсати Республика адвокатлар ҳайъатининг ижроия органи ҳисобланади. Раёсат 15 кишидан иборат таркибида, адвокатлар съезди томонидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Адвокатлар съезди Республика адвокатлар ҳайъати Раёсати таркибининг камида учдан бир қисмини икки йилда бир марта янгилайди.

Раёсат:

а) ўз таркибидан Республика адвокатлар ҳайъати Раёсати раисини ва унинг тавсияси билан Республика адвокатлар ҳайъати Раёсати раисининг 3та ўринбосарини 2 йиллик муддатга сайлайди, Раёсат раиси ва унинг ўринбосарлари ваколатларини белгилайди;

б) Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларида, жамоат бирлашмаларида ва бошқа ташкилотларда ҳамда хорижда Республика адвокатлар ҳайъатининг ифодалайди;

в) ҳудудий адвокатлар ҳайъатларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

г) адвокатлар сессиясини чақиради, унинг кун тартибини белгилайди;

д) адвокатлар сессиясига вакилликнинг ягона нормасини тасдиқлайди;

е) адвокатларнинг ижтимоий ва касбий ҳуқуқларини ҳимоя қилади;

ж) адвокатлик амалиёти андозаларини тасдиқлайди;

з) адвокатлик фаолияти, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тааллуқли масалалар бўйича қонун лойиҳалари экспертизада иштирок этади;

и) адвокатларни ахборот билан таъминлашни ташкил қилади;

к) интизомий амалиётни умумлаштиради ва шу муносабат билан зарур тавсияларни ишлаб чиқади;

л) республика адвокатлар ҳайъати мулкни белгиланган смета ва мол-мулкларнинг вазифаларига мувофиқ тасарруф қилади;

м) Республика адвокатлар ҳайъати Уставида назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

Республика адвокатлар ҳайъати Раёсати, мазкур қонун талабларини бажармаган ҳолда, унинг ваколатлари Республика адвокатлар сессиясидан муддатидан олдин тугатилиши мумкин. Республика адвокатларнинг навбатдан ташқари сессиясидан Республика адвокатлар ҳайъати Раёсати мажлислари, Республика адвокатлар ҳайъати Раёсати раиси томонидан зарурият пайдо бўлганда, лекин 2 ойда камида бир марта чақирилади. Раёсат аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этаётган тақдирда мажлис ваколатли бўлади.

Республика адвокатлар ҳайъати Раёсатининг қарорлари Раёсат мажлисида қатнашувчиларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Раёсат раиси ва унинг ўринбосарлари, шунингдек, Республика адвокатлар ҳайъати Раёсатидаги иши учун Республика адвокатлар сессиясидан белгиланган миқдорда иш ҳақи олишлари, ҳамда адвокатлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин. Раёсат раиси биттадан ортиқ сайланадиган ёки тайинланадиган лавозимини эгаллаши мумкин эмас.

Республика адвокатлар ҳайъати Раёсатининг раиси давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, жисмоний шахслар билан бўлган муносабатларда Республика адвокатлар ҳайъати адвокатлар ҳайъатининг вакили сифатида иштирок этади, Республика адвокатлар ҳайъати номидан фаолият кўрсатади, ишончнома қоғозларини беради ва Республика адвокатлар ҳайъати номидан битимлар тузади, белгиланган смета ва мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ, Республика адвокатлар ҳайъати Раёсатининг қарорига кўра, Республика адвокатлар ҳайъати мол-мулкни тасарруф қилади, Республика адвокатлар ҳайъати аппаратига ходимларни ишга қабул қилиш ва уларни ишдан бўшатишни амалга оширади, Республика адвокатлар ҳайъатининг Раёсат мажлисларини

чақиради, Республика адвокатлар ҳайъати Раёсати ва Республика адвокатлар съезди қарорларининг бажарилишини таъминлайди.

Республика адвокатлар ҳайъатининг Раёсат раиси, Республика адвокатлар ҳайъати номидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи билан съезд берган ваколатлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисга қонун лойиҳаларини киритади.

Республика адвокатлар ҳайъати Раёсатининг раиси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- а) давлат ҳокимияти органларининг мажлисларида иштирок этиш;
- б) Ўзбекистон Республика Конституцияси суди мажлисларида иштирок этиш, кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ва қурилаётган масалалар бўйича ўз фикрини билдириш;
- в) Ўзбекистон республикаси Олий Суди Пленуми ва Олий хўжалик суди мажлисларида иштирок этиш, кўрилаётган ва муҳокама қилинаётган масалалари бўйича Пленум томонидан тушунтиришлар бериш ҳақида таклифлар киритиш;
- г) қонун ҳужжатлари ва Республика адвокатлар ҳайъати Уставига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Олий малака комиссияси. Олий интизом комиссияси.

Олий малака комиссияси фаолияти билан боғлиқ қоидалар ва услубий материаллар ишлаб чиқиш;

а) малака комиссияси фаолияти билан боғлиқ қоидалар ва услубий материаллар ишлаб чиқиш;

б) ҳудудий адвокатлар ҳайъатларида малака имтиҳонларини қабул қилишнинг ягона тизимини жорий этиш ҳамда уларни ўтказишнинг ошкоралиги ва очиқлигини таъминлаш;

в) адвокатларни ўқитиш ва малакасини ошириш тизимини таъминлаш;

г) адвокатларнинг республика ягона реестрини (тўплам) юритишни ва ҳудудий адвокатлар реестрини юритиш назоратини амалга ошириш;

д) ҳудудий малака комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

е) ҳудудий малака комиссияси қарорлари устидан келтирилган шикоятларни кўриб чиқиш, ҳудудий малака комиссияси қарорларини ўз кучида қолдириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш.

Олий малака комиссияси 15 кишидан иборат таркибда, адвокатлар съезди томонидан яширин овоз бериш йули билан икки йиллик муддатга сайланади. Адвокатуранинг Олий малака комиссияси таркибига ҳар бир ҳудудий адвокатлар ҳайъатидан биттадан вакил киритилади.

Олий интизом комиссияси интизомий сиёсатнинг бир хиллигини таъминлаш ва ҳудудий интизом комиссияларининг устидан келтирилган шикоятларни кўриб чиқувчи орган вазифасини бажариш мақсадларида ташкил қилинади.

Олий интизом комиссияси қуйидаги ваколатларга эга:

а) адвокатуранинг ўз-ўзини бошқариш органларига интизомий амалиётга оид умумлаштирилган материаллар ва тавсиялар тақдим этиш, шунингдек, адвокатлар хулқ-атвори ва этикаси қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар бериш;

б) ҳудудий интизом комиссиялари фаолиятидаги қонунбузарлик ва ноҳолисоналик юзасидан қилинган шикоятларни кўриб чиқиш;

в) ҳудудий малака комиссияси қарорларини ўз кучида қолдириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш.

Олий интизом комиссияси 15 кишидан иборат таркибда, адвокатлар съезди томонидан яширин овоз бериш йўли билан икки йиллик муддатга сайланади. Адвокатуранинг Олий интизом комиссияси таркибига ҳар бир ҳудудий адвокатлар ҳайъатидан биттадан вакил киритилади.

Республика адвокатлар ҳайъатининг Устави. Илмий-услубий кенгаш. Ҳудудий адвокатлар ҳайъати.

Уставда қуйидагилар назарда тутилиши шарт:

а) номи ва фаолият мақсади;

б) зиддиятларни бартараф этиш тартиби;

в) адвокатлар ҳайъати аъзолигига қабул қилиш тартиби ва шартлари, аъзоликни тўхтатиб қўйиш ва тугатиш;

г) органлар, таркибий бўлинмалар ва уларнинг раҳбарлари ваколатлари, сайланиш тартиби, ваколатлари муддати, уларнинг фаолият, ҳисобот, чақириб олиш, ўз лавозимидан бўшатиш ва меҳнат ҳақини тўлаш тартиби;

д) адвокатлар ҳайъатининг маблағларини ва бошқа мол-мулкларини вужудга келтириш ва тақсимлаш манбалари;

е) адвокатлар ҳайъатини ташкил қилиш тартиби, фаолиятини тўхтатиб қўйиш ва тугатиш;

ж) адвокатлар фаолияти ва уни ташкил қилишга оид бошқа қоидалар.

Республика Адвокатлар ҳайъатининг Раёсати адвокатлар ҳайъати аъзоларидан, юрист олимлардан иборат адвокатлар ҳайъатининг илмий-услубий кенгашини ташкил қилади. Адвокатлар ҳайъатининг илмий-услубий кенгаши аъзолари умумий сонининг камида ярмини адвокатлар ташкил қилади. Илмий-услубий кенгашни адвокатлар ҳайъатининг Раёсати раиси ёки унинг ўринбосарларидан бири бошқаради.

Илмий-услубий кенгаш:

а) адвокатларнинг касбий маҳоратлари ошишига ёрдам беради, адвокатлар, адвокат ёрдамчилари ва стажёрларини касбий тайёрлаш ва қайта ўқитиш яхлит услубларини ишлаб чиқади;

б) адвокатлик ва суд амалиётини умумлаштиради;

в) адвокатлар ҳайъатининг илмий ташкилотлар ва ўқув муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил қилади;

г) адвокатлар ва стажёрларнинг ўқиши ва малака оширишини ташкил қилишга ёрдам беради;

д) информацион, илмий ва услубий нашрлар чиқаришни амалга оширади.

Адвокатлар ҳайъати илмий-услубий кенгаш таркибий сони, фаолият тартиби ва бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари Республика адвокатлар ҳайъатининг Устави, илмий-услубий кенгаш тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

Ҳудудий адвокатлар ҳайъати:

а) малакали юридик ёрдам берилишини таъминлаш. Ўзбекистон Республикасининг мазкур маъмурий-ҳудудий бирликларининг барча жойида аҳолининг юридик ёрдам олишини осонлаштириш, юридик ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш;

б) давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларида, жамоат бирлашмаларида ва бошқа ташкилотларда адвокатлар манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш;

в) адвокатлик фаолиятини амалга оширишга рухсат берилган шахсларнинг касбий тайёргарлигини ва адвокатлар томонидан адвокатлик амалиёти андозаларига ва адвокатлар хулқ-атвори ва этикаси қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш мақсадларида ташкил қилинади.

Ҳудудий адвокатлар ҳайъати Ўзбекистон Республикасининг тегишли маъмурий-ҳудудий бирлиги адвокатларнинг таъсис йиғилиши томонидан ташкил қилинади. Ҳудудий адвокатлар ҳайъати Республика адвокатлар ҳайъати томонидан тасдиқланадиган намунали Устави асосида фаолият кўрсатади.

Ҳудудий адвокатлар ҳайъати юридик шахс бўлиб, мустақил балансга эга бўлади, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, банкларда ҳисоб ва бошқа рақамалар очади, шунингдек, муҳрга, тамга ва ўзи жойлашган маъмурий-ҳудудий бирлик номини кўрсатувчи бланка эга бўлади. Ҳудудий адвокатлар ҳайъати юридик ёрдам кўрсатишга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бирлигида фақат битта адвокатлар ҳайъати ташкил қилиниши мумкин ва бу адвокатлар ҳайъати ўзининг бошқа таркибий бўлинмаларини, филиаллари ва ваколатхоналарини ташкил қилишга ҳақли эмас. Минтақалараро ва ҳудудлараро адвокатлар ҳайъатининг ташкил қилинишига йўл қўйилмайди.

Адвокатлар ҳайъати ўз-ўзини бошқариш органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган адвокатлар учун мажбурийдир. «Адвокатура тўғрисида»ги қонун талаблари ҳайъат томонидан бузилган тақдирдагина, фақат суд қарори бўйича ҳудудий адвокатлар ҳайъатини мажбуран тугатишга йўл қўйилади.

Ўзбекистон Адвокатлар
Ассоциацияси Бошқарувининг
2006 йил 17 февралдаги
қарори билан
Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н

Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси
ҳузуридаги Илмий-услубий Кенгаш тўғрисида
Н И З О М

1. Умумий қоидалар

1.1. Илмий-услубий Кенгаш (кейинги ўринларда Кенгаш деб юритилади) жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциациясининг маслаҳат органи ҳисобланади.

1.2. Кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатлар тўғрисида», «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонунларига, ЎАА Уставига ва мазкур Низомга амал қилади.

1.3. Ушбу Низом Кенгашни ташкил этиш тартибини, функциясини ҳамда фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди.

1.4. Кенгаш ЎАА Бошқаруви қарори билан ташкил этилади ва доимий равишда фаолият кўрсатади.

2. Кенгашнинг мақсад, вазифа ва функциялари

2.1. Кенгаш фаолиятининг асосий мақсади – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ адвокатура институти зиммасига юклатилган вазифаларни мукамал бажарилишига илмий-амалий томондан ёрдам кўрсатиш.

2.2. Кенгашнинг асосий вазифалари – Республикада адвокатура тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий асослантирилган тавсиялар ишлаб чиқиш ва адвокатурани илмий-услубий ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш.

2.3. Кенгаш белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида қуйидаги функцияларни бажаради:

- адвокатура ва адвокатлик фаолиятига оид амалдаги қонунларни такомиллаштириш юзасидан тегишли тавсия ва таклифлар ишлаб чиқади, лозим ҳолларда соҳага оид янги қонун лойиҳаларини тайёрлайди;

- қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари томонидан ЎААга юборилган қонун лойиҳалари ва меъёрий ҳужжатлар муҳокамасида бевосита иштирок этиб, илмий асослантирилган хулосалар, фикр-мулоҳазалар, таклифлар тайёрлайди;

- адвокатура ва адвокатлик фаолиятини тартибга солувчи ички меъёрий ҳужжатларни тайёрлайди ҳамда тайёрланган лойиҳаларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказди;

- инсон ҳуқуқлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан илмий тавсиялар ишлаб чиқади;

- ЎАА орқали Республикадаги ҳамда хорижий илмий тадқиқот муассасалари билан ўзаро алоқаларни йўлга қўяди ва ривожлантиради;

- адвокатура тизимига оид чет эл тажрибасини ўрганади ва унинг ижобий томонларини тадбиқ қилишга қаратилган тавсия ва хулосалар тайёрлайди;

- ЎАА томонидан уюштириладиган илмий-амалий конференция, давра суҳбати ва анжуманларни ўтказишда амалий ёрдам кўрсатади;

- адвокатура ва адвокатлик фаолиятига оид қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг амалиётда қўлланилиши билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилади ва уларни бартараф этишга қаратилган илмий хулоса ва таклифлар тайёрлайди;

3. Кенгаш таркибини шакллантириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш.

3.1. Кенгашнинг раис, раис ўринбосари, котиба ва аъзоларидан иборат бўлган таркиби Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси раиснинг тавсиясига биноан ЎАА бошқаруви томонидан тўрт йил муддатга тасдиқланади;

3.2. Кенгаш раиси ва унинг ўринбосари адвокатура тизимида фаолият кўрсатаётган, илмий даражага эга бўлган адвокат бўлиши лозим;

3.3. Кенгаш раиси ЎАА таркибида доимий фаолият кўрсатувчи ходим сифатида штат жадвалига киритилади ҳамда унга белгиланган тартибда ҳақ тўланади;

3.4. Кенгаш раиси ўз ваколати доирасида қуйидаги вазифаларни амалга оширади;

- Кенгаш ишини ташкил этади ва унинг фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

- Кенгаш иш режаси ва умумий фаолият йўналиши ишлаб чиқади ва уни ЎАА Бошқаруви мажлиси муҳокамасига тавсия этади;

- Кенгаш аъзолари томонидан адвокатура ва адвокатлик фаолиятига оид меъёрий ҳужжатлар ва бошқа қонунлар юзасидан тайёрланган илмий хулоса, тавсия ва таклифларни жамлаб, тегишли ваколатли органларга юбориш масалаларини ҳал этади;

- Кенгаш аъзоларига тегишли топшириқлар беради ва уларнинг бажарилишини назорат қилади;

- ўтказиладиган турли илмий-амалий конференция, давра суҳбатлари, анжуманларда ЎАА номидан маъруза ва таклифлар билан иштирок этади;

- ЎАА Бошқаруви йиғилишларида иштирок этади ва уларда муҳокама этиладиган илмий-ижодий масалалар юзасидан таклифлар киритади, тавсия ва хулосалар тақдим этади.

3.5. Кенгаш раис ўринбосари раиснинг топшириғига асосан Кенгаш ишини ташкил этади ва унинг йўқлигида ушбу фаолиятна раҳбарлик қилади;

3.6. Кенгаш котиби ўз ваколати доирасида:

- Илмий-услубий Кенгашнинг мажлисини тайёрлаш, ўтказиш, кенгаш аъзоларининг иш тақсимотини белгилаш билан боғлиқ ташкилий ишларни амалга оширади ва кенгаш мажлисларининг баённомаларини юритади.

3.7. Кенгаш аъзолари жамоатчилик асосида фаолият кўрсатади. Қуйидагилар Кенгаш аъзолари бўлиши мумкин:

- ҳуқуқшунос олимлар;
- ўқув юртларида юридик таълим бераётган ўқитувчилар;
- қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тизимида ишлаб келаётган тажрибали амалиёт ходимлари;
- адвокатура тизимини ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшиб келаётган тажрибали адвокатлар;

3.8. Кенгаш аъзолари ўз ваколатлари доираида:

- Кенгаш йиғилишларида, ЎАА Бошқаруви мажлисларида иштирок этади ҳамда муҳокама этилаётган масалалар юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиради;

- Кенгаш ваколатига тааллуқли долзарб масалалар бўйича таклифлар киритади;

- Кенгаш раиси томонидан берилган топшириқларни бажаради ва ўзига юборилган материаллар юзасидан илмий асослантирилган хулоса ва таклифлар тайёрлайди;

- ЎАА ва адвокатлик тузилмалари томонидан ўтказиладиган илмий-амалий конференция, давра суҳбатлари ва анжуманларда иштирок этади;

- ЎАА тавсиясига кўра давлат, нодавлат, халқаро ташкилотлар томонидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этади;

- адвокатура ва адвокатлик фаолияти, шунингдек, ҳимоя ҳуқуқи билан боғлиқ қонун ва меъёрий ҳужжатларни такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар олиб боради.

3.9. Кенгаш фаолиятига оид муҳим масалалар умумий йиғилишларда ҳал этилади. Кенгаш умумий йиғилиши, унинг раиси томонидан заруриятга қараб, камида уч ойда бир марта ўтказилади.

3.10. Кенгаш йиғилишининг кун тартиби ЎАА Бошқаруви ва раиси, ҳудудий бўлимлар, шунингдек, адвокатлик фаолиятига оид долзарб масалалардан шаклланиши мумкин.

3.11. Кенгаш умумий мажлиси муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли тартибда қарор қабул қилади.

3.12. Кенгаш қарори унда иштирок этаётганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

3.13. Лозим ҳолларда кенгаш йиғилишига бошқа соҳа олимлари, эксперт мутахассислар ҳам таклий этилиши мумкин.

3.14. Кенгаш томонидан ишлаб чиқилган муҳим илмий хулоса ва таклифларнинг амалиётда қўлланиши масаласи ЎАА Бошқарувининг мажлисида кўриб чиқилади. Улар муҳокама учун лозим ҳолларда адвокатлар тузилмаларига юборилади.

3.15. Кенгаш таркибини ўзгартириш, тўлдириш, қайта кўриб чиқиш масаласи Кенгаш раиси томонидан ЎАА Бошқарув мажлиси муҳокамасига киритилиши мумкин.

4. Якуний қоидалар.

4.1. Кенгаш ЎАА раҳбарияти орқали Республикада ёки хориждаги суд, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ҳузуридаги Илмий Кенгашлар, юридик илмий-тадқиқот муассасалари билан ўзаро алоқалар ўрнатади ва доимий ҳамкорликни амалга оширади.

4.2. Кенгаш фаолияти ЎАА ҳузурида чоп этилаётган илмий-оммабоп, ижтимоий-ҳуқуқий «Адвокат» журналида ёритилиб борилади.

4.3. Кенгашнинг фаол аъзолари ЎАА раҳбарияти томонидан тақдирланиши мумкин.

4.4. Кенгаш фақат ЎАА Бошқарув қарори билан тугатилади.

Ҳудудий адвокатлар ҳайъатининг йиғилиш. Ҳудудий адвокатлар ҳайъатининг Раёсати. Ҳудудий малака комиссияси. Ҳудудий интизомий комиссияси.

Ҳудудий адвокатлар ҳайъатининг олий органи адвокатлар йиғилиши ҳисобланади. Агар адвокатлар ҳайъати аъзолари сони 300 кишидан ортиқ бўлса, адвокатлар ҳайъатининг олий органи адвокатлар конференцияси ҳисобланади. Адвокатлар йиғилиши (конференцияси) икки йилда камида бир марта чақирилади. Агар адвокатлар йиғилишида ҳудудий адвокатлар ҳайъати аъзоларининг (конференция делегатларининг) камида учдан икки қисми иштирок этса, адвокатлар йиғилиши ваколатли ҳисобланади.

Адвокатлар йиғилиши (конференцияси) ваколатларига қуйидагилар киради:

а) ҳудудий адвокатлар ҳайъатининг Раёсатини сайлаш ва Раёсат аъзоларининг ваколатларини муддатдан илгари тугатиш ҳақида қарор қабул қилиш;

б) малака, интизом ва тафтиш комиссиялари аъзоларини сайлаш;

в) ҳайъати бўлинмаларини (комиссия ва қўмиталар) ташкил қилиш ва уларнинг фаолият йўналиши ва ваколатларини белгилаш;

г) республика адвокатлар съезди делегатларини сайлаш;

д) адвокатлар маслаҳатхоналарини таъсис этиш ва уларда ишловчи адвокатларни юбориш тартибини белгилаш;

е) адвокатлар ҳайъатини таъминлаш учун кетадиган харажатлар системасини тасдиқлаш;

ж) тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш;

з) Раёсат ҳисоботларини, жумладан, Раёсатни таъминлаш учун ишлатиладиган харажатлар сметасининг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботни тасдиқлаш;

и) адвокатлар йиғилиши (конференцияси), Раёсати ва тафтиш комиссияси кун тартибини тасдиқлаш;

к) адвокатлар ҳайъати органларининг штатлар жадвалини тасдиқлаш;

л) «Адвокатура тўғрисида»ги қонун ва Республика Адвокатлар ҳайъати уставига мувофиқ бошқа қарорлар қабул қилиш.

Адвокатлар йиғилиши (конференцияси) ўз ваколатларининг бир қисmini ҳудудий адвокатлар ҳайъатининг Раёсатига беришга ҳақлидир,

мазкур модда 3-бандининг «а»-«г», «е»-«и»-банд остидаги ҳолатлар бундан мустасно. Адвокатлар йиғилиши (конференцияси)нинг қарори мажлисда қатнашувчиларнинг (конференция делегатларининг) оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Адвокатлар ҳайъатининг Раёсати адвокатлар ҳайъатининг коллегиял ижроия органи ҳисобланади. Раёсат адвокатлар ҳайъати аъзолари таркибидан 9 кишидан кўп бўлмаган миқдорда адвокатларнинг йиғилиши томонидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Адвокатлар йиғилиши (конференцияси) Раёсат таркибининг камида учдан бир қисми икки йилда бир марта янгилайди.

Адвокатлар ҳайъатининг Раёсати:

а) ўз таркибидан 2 йиллик муддатга адвокатлар ҳайъати Раёсат раисини ва Раёсат раисининг ўринбосарларини сайлайди, Раёсат раиси ва унинг ўринбосарларининг ваколатларини белгилайди;

б) юридик ёрдам олишни енгиллаштиришни, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бепул юридик ёрдам кўрсатишни таъминлайди;

в) вакиллик меъёрини белгилаш тартиби ва делегатларни конференцияга сайлаш тартибдарини тасдиқлайди;

г) суриштирув, дастлабки тергов, прокурор ёки суд органлари қарори (ажрим) бўйича жиноят ишини судда юритишда ёки бошқа ҳолларда: ҳимоячи сифатида қатнашаётган адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатиш тартибини аниқлайди; бу тартибни кўрсатилган органларга ҳамда адвокатларга маълумот учун хабар қилади ва унинг адвокатлар томонидан бажарилишини назорат қилади;

д) бепул юридик ёрдам кўрсатаётган адвокатларга ҳайъат маблағи ҳисобидан мукофотлар бериш тартибини белгилайди;

е) давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларида, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотларда адвокатлар ҳайъатининг вакили сифатида қатнашади;

ж) икки йилда камида бир марта адвокатлар йиғилишини (конференциясини) чақиради, унинг кун тартибини белгилайди.

«Адвокатура тўғрисида»ги қонун ва Республика адвокатлар ҳайъати Уставининг талаблари адвокатлар ҳайъатининг Раёсати томонидан бажарилмаса, Раёсат ваколатлари муддатидан олдин адвокатлар йиғилиши (конференцияси)да тўхтатилиши мумкин. Ҳудудий адвокатлар ҳайъатининг навбатдан ташқари йиғилиши (конференцияси), Ушбу адвокатлар ҳайъати аъзолари учдан бир қисмининг талаби билан Раёсати ёхуд Республика адвокатлар ҳайъатининг Раёсати томонидан чақирилади. Раёсат мажлиси адвокатлар ҳайъати Раёсатининг раиси томонидан зарурият туғилганда, лекин бир ойда камида бир марта ўтказилади. Агар Раёсат аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этса, мажлис ваколатли ҳисобланади.

Раёсат қарорлари мажлисда қатнашаётган Раёсат аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади ва бу қарорлар ҳудудий адвокатлар ҳайъатининг барча аъзолари учун мажбурий ҳисобланади.

Адвокатлар ҳайъати Раёсатининг раиси давла ҳокимияти ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар ҳамда жисмоний шахслар билан бўлган муносабатларда адвокатлар ҳайъатининг вакили сифатида иштирок этади, адвокатлар ҳайъати номидан ишончнома қоғозлари беради ва адвокатлар ҳайъати номидан битимлар тузади, адвокатлар ҳайъати мол-мулкини тасарруф қилади, адвокатлар ҳайъати аппарати ходимларини ишга қабул қилиш ёки ишдан бўшатишни амалга оширади, Раёсат мажлисини чақиради, Раёсат ва адвокатлар йиғилиши (конференцияси) қарорларининг бажарилишини таъминлайди.

Раёсат раиси ва Раёсат раисининг ўринбосарлари, шунингдек, Раёсатнинг бошқа аъзолари Раёсатда ишлаётгани учун адвокатлар йиғилиши (конференцияси) томонидан белгиланадиган миқдорда иш ҳақи олиши ва шу билан бирга адвокатлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин.

Ҳудудий малака комиссияси адвокат мақомини олишга даъвогар бўлган шахслардан имтиҳон олиш ҳамда лозим маълумотларни адвокатлар реестрида қайд қилиш учун ташкил этилади. Малака комиссияси икки йиллик муддат билан 9 кишидан иборат таркибда тузилади ва уларнинг учдан икки қисми адвокатлар, учдан бир қисми эса олим юристлар бўлиши мумкин. Адвокатлар ҳайъати Раёсати раисининг ўринбосарларидан бири ўз лавозимига кўра малака комиссиясининг раиси ҳисобланади.

Малака комиссияси ўз аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этаётган тақдирдагина қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Малака комиссиясининг аъзоларига адвокатлар йиғилиши томонидан (конференцияси) белгиланадиган миқдорда иш ҳақи тайинланади. Малака комиссиясига аъзо бўлиш адвокатни адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Ҳудудий интизом комиссияси адвокатларнинг интизомга риоя этишини назорат қилиш ва Ўзбекистон Республикаси қонунлари, адвокатлар ҳулқ-атвори ва этикаси қоидаларини ва адвокатуранинг бошқа ички тартиб-қоидаларини бузган адвокатлар устилан тушган шикоят ва интизомга оид ишларни кўриб чиқиш учун ташкил қилинади.

Ҳудудий интизом комиссиясини ташкил қилиш тартиби, ваколатлар муддати, аъзолар сони ва фаолиятининг бошқа масалалари адвокатура бошқарувининг олий органи тасдиқланган низом билан белгиланади.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Ўзбекистон Республикаси адвокатлар ҳайъатининг вазифалари нималардан иборат?
2. Республика Адвокатлар ҳайъати съездининг вазифалари нималардан иборат?
3. Олий интизомий комиссия ваколатларига нималар киради?

АДВОКАТЛИК ФАОЛИЯТИ ТУРЛАРИ.

Адвокатларни маъмурий ишлардаги иштироки. Адвокатнинг жиноий ишлар бўйича тергов юритишда иштироки.

Адвокатлик фаолиятининг турлари «Адвокатура тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида белгиланган бўлиб, ушбуга асосан адвокат жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкин:

1. Ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар, тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотлар бериш;
2. Ҳуқуқий хусусиятдаги аризалар, шикоятлар ва бошқа ҳужжатлар тузиш;
3. Фуқаролик ишлари ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича судда, бошқа органларда, жисмоний ва юридик шахслар олдида вакилликни амалга ошириш;
4. Адвокатнинг жиноий ишлар бўйича дастлабки тергов ва судда ҳимоячи ҳамда жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этиш;
5. Адвокат томонидан тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатиш ва қонун ҳужжатларида ман этилмаган бошқа турдаги юридик ёрдамлар кўрсатиш.

Фуқаролик ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнинг судда ва бошқа давлат органларида кўриб чиқилишини ўрганиш амалиёти шундан далолат берадики фуқаролар маъмурий ишларга нисбатан кўпроқ фуқаролик ишларини кўриб чиқишга адвокатни вакил сифатида ёлламоқдалар.

Фуқаролик ва маъмурий ишларда вакиллик қилиш учун адвокат ёллаш тартиби жиноий ишлар бўйича ҳимоячилик қилишга адвокатни ёллаш тартиблари билан ўхшашлик томони шундаки, ҳар икала ҳолатларда ҳам мурожаат этувчи шахс адвокатни ёллаш учун адвокатура билан (адвокат иштирокида) ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш шартномаси тузади. Бу шартнома доимий характерда бўлиб, мазкур фуқаролик, маъмурий, жиноий ишни юритув давомида, лекин муайян босқичда ёки суд терговнинг битта босқичида шунингдек маъмурий ишлар бўйича суд бир қарор қабул қилинганга қадар адвокатнинг қатнашувини таъминлаш турли мақсадда дастлабки ҳужжат, далил-исбот ёки ахборотларни йиғиш, тақдим этиш, иш материалларини ўрганиш, ишга қатнашиш, ишнинг натижасига кўра маслаҳат бериш ва шикоят ёзиб бериш ҳаракатларининг адвокат томонидан берилишини ўз ичига олади.

Фуқаровий ва маъмурий ишларда адвокатни вакил сифатида ёллашлик жиноий ишлар бўйича ҳимоячини ёллаш тартибидаги фарқлардан яна бири жиноий ишларда адвокатни фақат жисмоний шахслар ёллашидадир. Лекин бошқа ишлар бўйича адвокатни вакил сифатида ҳам жисмоний шахс, ҳам юридик шахс ёллаши мумкин.

Бундан ташқари фуқаролик ёки маъмурий ишларда адвокат қатнашувининг асосий хусусиятларидан бири шундаки, бунда адвокат Ушбу ишларнинг тегишли жойларини кўриб чиқиши жараёнида (мижознинг руҳсати билан) мижознинг номидан мустақил равишда вакилликни амалга ошириш мумкин. Фуқаровий ва маъмурий ишларни ўз юритувига олган адвокат мазкур ишларни бажариш жараёнида вакил, деб номланади ва шу боис мазкур адвокатлик фаолияти вакиллик ҳисобланиб, судларда ва бошқа органларда унга бириктирилган шахларнинг ҳуқуқ ва ваколатларидан тўлиқ фойдаланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик-процессуал кодексининг 52-моддасига кўра фуқаролик судларида тарафларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан белгиланган манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил сифатида қатнашиши мумкин. Ушбу жараёнда адвокат ва уни вакил сифатида ёллаган фуқаро ўртасида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш шартномаси тузилиб, унда вакилнинг ваколатлари белгилаб берилади.

Судда иш юритиш ваколатлари вакилга (адвокатга) ҳамма процессуал ҳаракатларни ваколат берувчи номидан амалга ошириш ҳуқуқини беради. Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 54-моддасига кўра вакиллик қилувчининг иш қилинган талабларидан бутунлай ёки қисман воз кечиш, уларнинг асосини ва предметини ўзгартириш, миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш, келишув битимини тузиш, ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш (бошқа шахсга ишониб топшириш) суднинг ҳал қилув қарори (ажрими) устидан шикоят бериш, ижро варақасини ундирувга қаратиш, низо тақдим этувчига тегишли деб қарор чиқарилган мол-мулк ёки пулни олиш тўғрисида ҳар бир алоҳида ҳолда ваколат берувчи томонидан топширилган ваколатномада изоҳ берилиши керак. Юқоридаги норма адовкатнинг жиноят процессидаги ҳимоячи ва фуқаролик процессидаги вакил сифатидаги йиғиндиларни ўртасидаги фарқни яққол кўрсатиб беради, яъни ҳимоячининг ҳуқуқлари қонунда белгилаб қўйилган бўлса, вакилнинг ҳуқуқлари уни ваколатчиси томонидан белгилаб берилади.

Адвокатнинг фуқаролик ишлари бўйича иштирокини янада фаоллаштириш мақсадида, фуқаролик-процессуал кодексида унинг фуқаролик ишидаги иштироки ва унинг процессуал ҳуқуқлари ва бурчлари бўйича тегишли ишлар юритилса, ушбу жараёндаги адвокатнинг ролини янада ошириш яхши бўлар эди. Адвокат маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда шу ҳуқуқбузарликни содир этган шахсни ушлаб туриш пайтидан бошлаб қатнашиш унинг Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонуннинг тегишли моддасига кўра адвокат ушбу жараёнда ишга оид материаллар билан танишиб чиқиш, уни таклиф қилган шахснинг топширишга биноан ва унинг шахсий илтимослар қилиш иш юзасидан чиқарилган қарор устидан ариза бериш ҳуқуқларига эга. Адвокатнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини тартибга солувчи нормаларнинг бизнинг республикамызда ўз аксини топганлиги мавжуд қонунларимизда инсон ҳуқуқлари борасига алоҳида эътибор билан қаралганлигини ёрқин исботидир.

**Адвокатнинг жиноий ишлар бўйича тергов юритишдаги
иштироки. Адвокатлар томонидан бепул юридик
ёрдам кўрсатиш.**

Жиноий ишлар бўйича адвокатнинг иштироки адвокатлик фаолиятининг ишлари ичида марказий ўринни эгаллайди, зероки жамият аъзоларининг аксарият қисми адвокат деганда жиноий ишларда гумондор, айбланувчи ва судланувчининг ҳуқуқларини дастлабки тергов ва судда ҳимоя қилувчи шахсни тушунади ва шу билан аҳоли ўртасида унинг бу фаолиятига оқловчилик деб баҳо берилади.

Адвокатнинг жиноий процессдаги фаолияти ҳимоячи деб номланади ва уни ушбу йўналишдаги фаолияти ҳимоя остидаги шахсни оқловчи ёки унинг ишини енгиллаштирувчи далилларни тўплаш орқали ҳимояланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 53-моддасида ҳимоячининг процессуал ҳуқуқлари ўз аксини топган бўлиб, унда «ҳимояси манфаатларини ҳимоя қилувчи шахснинг нимада гумон қилинаётганлиги ёки айбланаётганлигини исболашда иштирок этиш учун ўзига ижозат берилгани тўғрисида суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суддан ёзма равишда тасдиқ талаб қилиш; гумон сифатида сўроқ қилинаётганда иштирок этиш, шахсга айблов эълон қилинишига ҳозир бўлиш ҳамда айбланувчи сўроқ қилинаётганда, шунингдек, унинг иштирокида ўтказиладиган бошқа тергов ҳаракатларида қатнашиш ва унинг иштирокчиларига, айбланувчига, гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга саволлар бериш, суриштирувчи ёки терговчининг руҳсати билан бошқа тергов ишлари юргизиладиганда иштирок этиш; ўзи қатнашган тергов ҳужжатларининг юритилиши хусусида ёзма мулоҳазалар бериш; илтимоснома жавобини рад этиш; далиллар тақди қилиш; гумон қилинувчи ёки айланувчи иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатларга оид ҳужжатлар билан дастлабки тергов тамом бўлгандан кейин, жиноят ишига доир барча материаллар билан танишиш ва улардан керакли маълумотларни ёзиб олиш; агар ҳимояни амалга ошириш зарурияти тақозо этса, давлат сирлари, тижорат сирлари ёки бошқа сир ҳисобланган маълумот билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда белгиланган ишнинг суддаги муҳокамасида тараф сифатида иштирок этиш; терговининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда ишлари устидан шикоятлар келтириш; суд мажлиси баённомаси билан танишиш ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлардан ҳабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш; кассация ва назорат инстанцияси суди мажлисларида иштирок этиш, айбланувчи ёки судланувчи қамоқда бўлса, у билан вақти ва сони чекланмайдиган учрашувлар ўтказиш ҳуқуқларига эга» деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 198-, 200-моддаларида нарсалар ва буюмлар уларнинг эгаси бўлмиш шахслар ташаббуси билан суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим қилиш мумкинлиги белгиланган. Бизнингча ушбу шароит ҳимоя позициясини

мустаҳкамлайдиган, яъни миждознинг айбсизлигини исботлайдиган ёки айбини енгиллаштиришга хизмат қиладиган ҳолатлар уларнинг эгалари томонидан ҳимоячига тақдим қилиниши мумкинлигини белгилайдиган ҳолатларни белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Адвокат томонидан далиллар тўплашда унинг мустақил равишда жисмоний шахсларни сўроқлаши (спрос) мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳақида илмий адабиётларда турлича фикрлар мавжуд. В.Резник фикрича, «адвокатга фуқароларни сўроқлаш имконияти яратилиши керак. Бундай пайтда ҳар бир фуқаро адвокат билан суҳбатлашадими ёки йўқми бунини ўзи ҳал қилиши лозим. Суҳбатлашгандан кейин адвокат шахсни гувоҳ сифатида сўроқ қилиши ҳақида судга талабнома киритиши лозим». Б.Саломов эса, «Адвокат ҳар доим ҳам судга сўроқ қилиш ҳақида талабнома киритиши мақсадга мувофиқ бўлмаслиги мумкин, чунки гувоҳнинг маълумоти баъзида ҳимоя манфаатига мос келмаслиги ва айбловчи томонидан ҳимоянинг гувоҳига тазйиқ ўтказилиши мумкин. Шунинг учун адвокатларга мустақил равишда шахсларни сўроқлаш ҳуқуқи таъминлаши мумкин», - деб ҳисоблайди. Шахсларнинг адвокат томонидан сўроқланиши дейилганда, уларнинг ўз ихтиёрлари билан ҳимоячига воқеага фактлар оғзаки ёки ёзма маълумотлар беришини тушунмоқ керак. Адвокатнинг ушбу фаолият давомида хусусий текширув ўтказиш маъносида тушуниш керак. Адвокатнинг ушбу ҳуқуқи деярли барча ривожланган демократик давлатлар ҳуқуқий тизимида амалга оширилган. Мантиқан олиб қаралганда ҳам журналист хусусий текшируви берилган бўлиб адвокатга бундай ҳуқуқнинг берилмаганлиги тушунарсиз ҳолат. Шунинг учун адвокатларнинг ҳуқуқларини белгиловчи амалдаги қонун ҳужжатларига адвокат хусусий текширув чораларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб қонунга киритиш зарур.

Бундан ташқари ҳимоячининг «юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган ҳужжатларни, экспертизалар хулосаларини, мутахассисларнинг маълумотларини миждознинг розилиги билан сўраш ва ёзма тарзда олиш» билан бирга ишнинг амалга оширилиш жараёни янада такомиллаштирилиши учун зарур ҳуқуқий меъёрни амалга тадқиқ этиш билан боғлиқ айрим нуқтаи назарни билдиради. Масалан, Б.Саломов ушбу муаммонинг долзарблиги фақат эксперт хулосалари ва мутахассис фикрини сўраш ва шу билан чекланиб қолиш мумкин эмас. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 180-моддасида адвокатнинг экспертиза ўтказиш ва хулоса чиқариши сифатида мурожаат қилишга ҳақли экнлиги ҳақидаги нормаларни бериш мақсадга мувофиқ бўлади» деб ёзади. Н.Полянский ҳам «адвокатнинг ҳуқуқи сифатида экспертиза муассасасига ёки шахсга экспертиза ўтказиш ва ёзма равишда хулоса бериш ҳақида илтимос қилиш эмас, балки фақат миждознинг розилиги билан экспертиза муассасасидан ёки шахсдан хулоса сўраш ёки олиш ҳақида изоҳларни хато деб ҳисоблайман. Бу адвокатнинг ҳуқуқини жиддий чеклайди ва унинг ҳимояланувчиларга юридик ёрдам бериш мақсадида далилларни олиб мансабдор шахслар ва органларга тақдим этиш имкониятидан маҳрум қилади» деб таъкидлаган. Биз бу борада Б.Саломовнинг фикрига қўшилаемиз.

Баъзи адвокатларга ушбу ҳуқуқни амалга оширишнинг реал кафолатланиши улар томонидан жиноий иш бўйича ҳимоя функциясини фаол ва самарали амалга оширилишига ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тергов
бош Бошқармаси ва Ўзбекистон
Адвокатлар Ассоциациясининг 2003 йил
21 августдаги қўшма баённомаси билан
Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н

**Терговолди текширув ва дастлабки тергов
жараёнида ушланганлар, гумон қилинувчи
ва айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқларини
таъминлаш тартиби тўғрисида
Н И З О М**

1. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари (бундан кейин терговчилар деб юритилади) ва адвокатлар томонидан, терговолди текшириш ҳамда дастлабки тергов жараёнида ушланганлар, гумон қилинувчилар ҳамда айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқларини таъминланиши тартибини белгилайди.

1.2. Терговолди текширув ва дастлабки тергов жараёнида ушланганлар, гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш ички ишлар идоралари терговчилари ҳамда адвокатларнинг инсон ҳуқуқларига риоя қилиш борасидаги устивор йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

1.3. Жиноий тартибда таъқиб қилинаётган шахсларнинг ҳимоя ҳуқуқини таъминлашни ташкил этишга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, халқаро Конвенциялар ва ҳуқуқий масалалар бўйича келишувлар, жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигига, адвокатлик фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Ички ишлар вазирлигининг тергов тизимлари фаолиятини тартибга солувчи буйруқ ва кўрсатмалари, Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциациясининг меъёрий ҳужжатлари ҳамда мазкур Низом асос бўлади.

1.4. Терговчилар ва адвокатларнинг ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида ҳамкорлиги, томонларнинг ўзаро қадр-қиммати ва шаънини ҳурмат қилиш, ахлоқ-одоб қоидалари асосида амалга оширилди.

1.5. Тергов тизимлари ва адвокатлар ҳайъатлари, ҳуқуқий маслаҳатхоналар ҳамда адвокатлик фирмалари ва бюrolари (бундан кейин адвокатлик тузилмалари) ўртасидаги ҳамкорликни янада

такомиллаштириш мақсадида бир йилда камида икки маротаба туманлар, вилоятлар ва марказий идоралар миқёсида ишчи учрашувларини ўтказиш ҳамда бошқа турдаги алоқаларни ўрнатиш тавсия этилади.

2. Адвокатлар навбатчилигини ташкил этиш.

2.1. Терговолди текширув ва дастлабки тергов жараёнида ушланганлар, гумон қилинувчилар ва айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқини ўз вақтида таъминлаш мақсадида жойлардаги ҳар бир адвокатлик тузилмалари ички ишлар идораларининг муайян тергов тизимларига бириктирилади.

2.2. Адвокатлик тузилмаларини ички ишлар идоралари тергов тизимларига, шу жумладан вилоят ва транспорт тармоқ ички ишлар идоралари тергов тизимларига бириктириш масалалари ИИБ-ИИБ тергов тизимлари ҳамда Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциациясининг ҳудудий бўлимлари раҳбарлари томонидан ҳал этилади.

2.3. Ушланганлар, гумон қилинувчи, айбланувчилар ва уларнинг қонуний вакиллари томонидан танланган ҳимоячилардан ташқари, тергов тизимига бириктирилмаган адвокатлик тузилмаларидан ҳимоячиларни жиноят ишида қатнашишга жалб этиш ман этилади.

2.4. Ҳар бир адвокатлик тузилмаларида адвокатларнинг навбатчилиги ташкил этилади ва уларнинг навбатчилиги дам олиш ва байрам кунлари ҳам таъминланади. Бундай навбатчиликни ташкил этиш ушланган шахсларнинг дарҳол, шу жумладан ишдан ташқари вақтларда ҳам ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаши лозим.

2.5. Адвокатлик тузилмалари томонидан навбатчи адвокатларга жиноят ишларида иштирок этиш учун ордер берилади. Ушбу ордерлардан фойдаланган адвокатлар тегишли адвокатлик тузилмалари раҳбарлари олдида ҳар ойда ҳисобот бериб боради.

2.6. Адвокатларнинг навбатчилик жадвали адвокатлик тузилмаси раҳбарлари томонидан тузилади. Навбатчи ва заҳира адвокатларнинг сони бириктирилган тергов тизимларидаги иш ҳажмига кўра уларнинг раҳбарияти билан келишилган ҳолда белгиланади.

2.7. Тергов идоралари раҳбарларига ҳар ойда навбатчи ва заҳира адвокатларнинг навбатчилик жадвали уларнинг телефон рақамлари кўрсатилган ҳолда тақдим қилинади. Навбатчилик жадвали ўзгарган ёки навбатчи адвокат алмаштирилган ҳолларда тергов идоралари раҳбарларига бу ҳақда ўз вақтида ҳабар берилади.

2.8. Терговчининг чақирувига кўра навбатчи адвокатларнинг бириктирилган тергов идорасига ўз вақтида етиб келишининг таъминланишини назорат қилиш адвокатлик тузилмалари раҳбарлари зиммасига юклатилади.

2.9. Навбатчи адвокат терговчининг биринчи таклиф ёки телефон орқали чақирувига биноан дарҳол ордер билан ушланган, гумон қилинувчи ва айбланувчи шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш учун терговолди текширув ёки дастлабки терговни олиб бораётган терговчининг хузурига етиб келади.

3. Адвокатларни таклиф қилиш ҳамда уларнинг жиноят ишида иштирок этиш тартиби.

3.1. Шахс бевосита ушлангандан, гумон қилинувчи тариқасида эътироф этиш ёки айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги қарор эълон қилинганидан сўнг терговчи унга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 46,48-моддаларида кўрсатилган ҳуқуқ мажбуриятларини тушунтириш билан бирга, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 49,53-моддаларида кўрсатилган ҳимоя ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини амалга ошириш тартибларини тушунтиради. Бу ҳақда тузилган қарор ёки тегишли баённомага ёзувлар киритилади ва ушланган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчиларнинг имзолари билан тасдиқланади. Улар имзо қўйишдан бош тортган тақдирда, терговчиларнинг имзоси билан тасдиқланади.

3.2. Терговчи бир вақтнинг ўзида ушланган, гумон қилинувчи, айбланувчи ва уларнинг қонуний вакиллари, шунингдек гумон қилинувчининг, айбланувчининг илтимоси ёки розилиги билан бошқа шахслар томонидан ҳимоячини таклиф этишга имконият яратади.

3.3. Ушланган, гумон қилинувчи, айбланувчи ва бошқа шахслар томонидан эркин ҳолда адвокат танлашига терговчиларнинг тазйиқ ўтказиши қатъиян ман этилади.

Адвокатларни танлаш ҳуқуқи ушланган, гумон қилинувчи ва айбланувчиларга тегишлидир. «Келишув асосида» олинган адвокатлар ушланган, гумон қилинувчи ва айбланувчиларга юридик ёрдам кўрсатишда «тайинланган» адвокатларга қараганда ҳамма вақт устунликка эга ҳисобланади.

Ушланган, гумон қилинувчи ва айбланувчи томонидан танланган ҳимоячи исталган вақтда ишда иштирок этишга киришишга ҳақлидир.

3.4. Ушланган, гумон қилинувчи ва айбланувчининг ёзма равишдаги илтимосига кўра терговчи ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлайди.

3.5. Ушланган, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки уларнинг қонуний вакиллари ёхуд қариндошлари томонидан танланган ҳимоячининг йигирма тўрт соат ичида ишда иштирок этишга киришишга имконияти бўлмаган ҳолларда, терговчи гумон қилинувчига, айбланувчи ёки уларнинг қариндошларига бошқа ҳимоячи таклиф этишни ёки ҳимоячи тайинлашни сўраб адвокатлар тузилмасига мурожаат қилишни тавсия этади ва бу ҳақда уларнинг иштироки тегишли баённома тузилади ёки терговчининг ўзи бириктирилган адвокатлик тузилмасининг раҳбарига ҳимоячи ажратиш ҳақида асослантирилган хати билан мурожаат этади. Шошилиш ҳолларда терговчи адвокатлик тузилмасининг раҳбарига адвокат ажратишни ёки навбатчи адвокатга ишда қатнашишни таклиф этиб телефон орқали хабар қилади.

Адвокатлик тузилмаси раҳбарига адвокат ажратиш ҳақидаги ёзилган хат ёки навбатчи адвокатга берилган телефонограмма нусхалари жиноят иши материалларига қўшилади.

3.6. Адвокатлик тузилмаси раҳбари, терговчининг талабига асосан дастлабки терговда қатнашиш учун тегишли ордер расмийлаштирган

ҳолда ҳимоячи адвокатга мурожаат қилган тақдирда, у ишда қатнашиш учун тергов идорасига келишга мажбур.

3.7. Ҳимояни таъминлаш учун адвокатнинг қайси пайтда қаерга келиши терговчи билан адвокатнинг ўзаро аввалдан келишуви воситасида амалга оширилади. Келишилган жойга ўз вақтида етиб келиш имконияти бўлмаган ҳолларда томонлар аввалдан бир-бирларини огоҳлантиришлари лозим.

3.8. Адвокатнинг жиноят ишида ҳимоячи сифатида қатнашишга асос бўлиб, унга адвокатлик тузилмаси томонидан берилган ордер ҳисобланади. Ордер тақдим этилганидан сўнг терговчи дарҳол ордернинг иккинчи қисмини тўлдиради ва бу адвокатнинг жиноят ишида қатнашишининг ёзма равишдаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

Адвокат бўлиб ҳисобланмаган, лекин терговчининг қарорига кўра ишда ҳимоячи тариқасида қатнашишга руҳсат этилган шахсларга дарҳол ушбу қарор нусҳаси берилади ва бу ҳам унинг ҳимоячи сифатида ишда иштирок этишга руҳсат берилганлигининг ёзма равишдаги тасдиғи ҳисобланади.

Терговчи ўзининг иш юритувидаги жиноят иши юзасидан ҳимоячига қонунда, шу жумладан адвокатлик фаолиятига оид қонунларда ўрнатилган тартибда ушланган, гумон қилинувчи ҳамда қамоқда сақланаётган айбланувчилар билан ҳоли учрашувларига имконият ва зарурий шароитлар яратади ва бундай учрашувлар сони ҳамда давом этиш вақти чегараланмайди.

3.9. Терговчи томонидан ҳимоячининг тергов ҳаракатларида қатнашиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида, унинг ҳимоясида бўлган шахс билан тергов ҳаракатлари ўтказиладиган вақти ва жойи тўғрисида олдиндан ҳимоячига ҳабар берилиши шарт. Ҳимоячига ҳабар берилганлик ҳақидаги тегишли хат, ҳабарнома ва телефонограммларнинг нусхалари жиноят иши материалларига қўшилади.

Терговчи тинтув ўтказиш пайтида, унинг бошланишига ёки ўтказилишининг вақтинча кечикишига сабаб бўлмаган ҳолларда ҳимоячини иштирок этишига руҳсат бериши шарт.

3.10. Терговчи ҳимоячининг илтимосномасига кўра, унинг ҳимоясида бўлган иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатлар ва ҳужжатлар билан таништиришга мажбур.

4. Ҳимоячидан воз кечиш тартибини расмийлаштириш ва давлат ҳисобидан ҳимояни таъминлаш тартиби.

4.1. Ушланган, гумон қилинувчи, айбланувчи, айбланувчи ёки уларнинг қонуний вакиллари ва бошқа шахслар ҳимоячини келишув асосида таклиф қилиш имкониятига эга бўлмаган ҳолларда, терговчи ушбу Низомнинг 3-5-бандига кўра навбатчи адвокатни таклиф қилиб, ҳимояни давлат ҳисобидан таъминлаш чораларини кўради.

4.2. Ҳимояни давлат ҳисобидан таъминлаш учун ушланган, гумон қилинувчи, айбланувчиларни юридик ёрдам учун тўловдан батамом ёки қисман озод этиш ҳақида терговчи томонидан асослантирилган қарор

чиқарилади ва ушбу қарор адвокатлик тузилмаси раҳбарига юборилади ёки навбатчи адвокатга тақдим этилади.

4.3. Ишда ҳимоячининг қатнашиши шарт бўлган ҳолларда (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 51-моддаси) ушланган, гумон қилинувчи, айланувчилар ёки уларнинг розилиги ёҳуд илтимосига кўра қонуний вакиллари ёҳуд бошқа шахслар томонидан ҳимоячи таклиф этилмаган ҳолларда терговчи муайян тергов тизимига бириктирилган адвокатлик тузилмасига ҳимоячи ажратиш ҳақида мурожаат қилади.

4.4. Ушланган, гумон қилинувчи ва айбланувчи иш юритаётган даврда исталган вақтда терговчига берган ёзма равишдаги аризасига кўра ҳимоячидан воз кечишга ҳақлидир. Бундай воз кечишга фақат ушланган, гумон қилинувчи ва айбланувчининг ташаббуси билан ва ҳимоячининг ишда иштирок этишига терговчи томонидан адвокат таклиф этиш орқали таъминланадиган реал имкониятлари мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади. Бунда адвокат ҳимоядан воз кечганлигини тасдиқлайди. Бу ҳақда гумон қилинувчи, айбланувчи, шунингдек адвокат ва терговчи имзолайдиган баённома тузилади. Мазкур баённомага адвокат ордери қўшилиб жиноят иши материалларига тикилади.

4.5. Ҳимоячидан воз кечиш ушланган, гумон қилинувчи ва айбланувчининг кейинчалик ишда ҳимоячи иштирок этишига руҳсат бериш ҳақида илтимос қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Бундай илтимос барча ҳолларда қаноатлантирилиши лозим.

5. Ушланган, гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқлари бузилган ҳолларда шикоят қилиш тартиби.

5.1. Терговолди текширув ёки дастлабки тергов жараёнида ушланган, гумон қилинувчи, айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқлари терговчилар томонидан бузилганлиги аниқланган ҳолларда, адвокатлар бу ҳақда муайян ички ишлар идораси раҳбарини ёзма равишда ҳабардор қилиб, йўл қўйилган камчиликни бартараф этишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

5.2. Ушланган, гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқларини адвокатлар томонидан сўзсиз таъминлаш мақсадида, адвокатлик тузилмаларига, Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси ва унинг ҳудудий бўлимларига бириктирилган тергов идоралари ва юқори тергов идоралари раҳбарларининг телефон рақамлари берилади.

5.3. Ушланган, гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқлари терговчилар томонидан бузилганлиги ва уни бартараф этиш юзасидан адвокатларнинг қилган мурожаатлари, тергов идоралари раҳбарлари томонидан уч кун ичида кўриб чиқирилиши шарт. Адвокат кўриб чиқиш натижалари билан ёзма равишда ҳабардор қилинади.

Адвокат томонидан киритилган талабномани рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда, келтирилган барча ҳимоя важларини рад этилиши асослантирилган бўлиши лозим.

5.4. Ушланган, гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқлари теровчи томонидан бузилганлиги ҳолатлари ва уни бартараф

этиш ҳақидаги талабномаларни кўриб чиқиш муддатлари бузилган ёки адвокатлар тақдимномаларини кўриб чиқиш натижаларидан норози бўлган ҳолларда, улар бевосита дастлабки терговнинг юқори турувчи идоралари, шунингдек ИИБ раҳбарларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бундай мурожаат синчковлик билан текшириб, алоҳида назоратга олинади.

5.5. Адвокатлик тузилмалари, Адвокатлар Ассоциациясининг ҳудудий бўлимлари ва Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси раҳбарлари йилнинг ҳар чорагида ички ишлар идоралари ходимлари томонидан терговолди текширув ва дастлабки тергов жараёнида ушланган, гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлик камчиликлари бартараф этиш чораларини кўриш учун Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Транспорт ИИБ Тергов бошқармалари раҳбарларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ТББга юборадилар.

5.6. Ички ишлар идораларининг ҳар бир суриштирув ва тергов органларида ушланган, гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқларининг бузилганлиги борасида адвокатларнинг мурожаатлари ҳисоботи олиб борилади, мунтазам равишда кўриб чиқиш натижалари таҳлил қилинади.

5.7. Адвокатлар томонидан ҳар бир қонун бузилиши, ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан бажармаслиги ва касбий ахлоқ-одоб қоидаларига риоя қилмаслиги ҳолатлари юзасидан ички ишлар идоралари тергов тизими раҳбарлари адвокатлик тузилмалари, Адвокатлар Ассоциациясининг раҳбарлари номига тақдимномалар киритади ва улар тақдимномани ўз вақтида кўриб чиқирилишини таъминлаб, тегишли чоралар кўрадилар.

Адвокатнинг жабрланувчи, фуқаролик даъволари ва жавобгарнинг вакили сифатидаги фаолияти шундан иборатки, адвокат уларнинг топшириғи ва талабларига асосан уларга тегишли бўлган ҳуқуқларни амалга оширилишида ишни бу жараёнда уларнинг ва қонуний манфаатлари таъминланишига имкон қилади.

Қуйидаги ҳолларда бепул юридик ёрдам кўрсатилади:

а) шартнома тузилган вақтгача, биринчи ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида, жиноят қилишда гумон қилинганлиги учун ушланган шахсларга;

б) даъвогарларга – ишга тиклаш, алимент ундириш, иш сабабли оила боқувчисининг ўлими натижасида етказилган зарарни қоплаш, ишда майиб бўлганлик ёки меҳнат фаолияти натижасида соғлиғига бошқача шикаст етказилганлиги тўғрисидаги ишлар бўйича;

в) иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга, чақирув бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга, 1 ва 2-гурӯҳли ногиронларга, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалардан ташқари бўйича ёши пенсияга чиққанларга;

г) Жисмоний шахсларга пенсия ва нафақа тўғрисидаги аризаларни ёзиб бериш;

д) сиёсий қатағонлардан азият чекан жисмоний шахсларга, жумладан реабилитация масалалари бўйича маслаҳатлар бериш.

Адвокатлик тузилмалари ваколат берувчи шахсни унга юридик ёрдам кўрсатиш учун олинadиган тўловдан озод этишга ҳақлидирлар.

Мулкый кам таъминланган фуқароларга бепул юридик ёрдам кўрсатиш учун адвокатлар ҳайъати ҳузурида бепул юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатлик маслаҳатхоналари ва олий юридик таълим ўқув юртлари қошида эса юридик клиникалар ташкил этилиши мумкин.

Адвокатлар (адвокатлик тузилмалари) харажатларини қоплаш учун тўланадиган сумма манбаи, миқдори ва тўлаш тартиби, Ўзбекистон Республикасининг «Бепул адвокатлик ёрдамини кўрсатиш тўғрисида»ги қонунига мувофиқ белгиланади.

Хорижий мамлакатларда адвокатлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари.

Республикамизда адвокатура фаолиятини йўлга қўйиш борасида эришилган ютуқ ва камчиликларни аниқлаш учун хорижий мамлакатлардаги адвокатлик фаолиятини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун биз, биринчи навбатда, МДХ давлатларидаги адвокатура тўғрисидаги қонунларини ўрганишни лозим топдик.

МДХ давлатларидаги мавжуд адвокатура тизими собиқ иттифоқ таркибида бўлган адвокатура элементларини у ёки бу шаклда сақлаб қолган ва унинг сиёсий-ижтимоий тузумидан келиб чиққан ҳолда аста-секинлик билан шаклланган демократик давлатларнинг адвокатура тизимига яқинлаштириб келмоқда.

МДХ мамлакатларининг адвокатура тизими ва адвокатлик фаолиятини тартибга солувчи қонунларни таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, собиқ СССР даврида таркиб топган анъанавий адвокатлар коллегиялари ушбу давлатларда сақланиб қолинган ва шу билан бирга адвокатура ҳамда адвокатлик фаолиятининг янги, яъни адвокатлик бюрolari, ҳайъатлари, конторалари, фирмалари, уюшмалари, бирлашмалари, корхоналари ва бошқа шакллари пайдо бўлган.

Шунингдек мазкур давлатларда фаолият кўрсатаётган адвокатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари айтарли даражада бир-биридан фарқ қилмасада, адвокатлик фаолияти билан шуғулланишга руҳсат бериш учун зарур талаблар, лицензия олиш тартиби, адвокатлик фаолиятининг тизимларини ташкил этиш ва бошқариш усуллари ўзаро боғлиқдир. МДХ мамлакатларида мавжуд адвокатура тизими ва адвокатлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ўхшаш томонларини фарқлаш учун биз ушбу давлатлардаги адвокатлик фаолиятининг ташкилий махсус ва умумий асослари, адвокатлик касбига эга бўлиш учун қўйиладиган талабни адвокатлик фаолияти билан шуғулланишга лицензия бериш ва малака оширишлари адвокатнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда адвокатлик фаолиятининг

кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси каби ҳолатларга изоҳ беришни лозим топдик.

Россия Федерациясида адвокатлик фаолияти 1980 йил 20 ноябрда РСФСР Олий Совети томонидан қабул қилинган «Адвокатура тўғрисида»ги Низомга асосан ва кейинчалик Россия ҳукумати томонидан қабул қилинган қарорлар ва Адлия вазирлигининг турли йўриқнома ва тавсия хатларига асосан тартибга солиб келинмоқда.

Демак, Россия Федерациясида адвокатлик фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий шаклларига собиқ СССРдаги сингари фақат адвокатлар коллегиялари киради.

Россия Федерациясида анъанавий адвокатлар коллегиясидан ташқари, сўнгги йилларда янги ташкил этилган адвокатлик фаолиятининг ташкилий шакллари минтақаларо адвокатлик коллегиялари Россия адвокатлар ҳайъати, Адвокатлар союзи, адвокатларининг ҳарбий коллегияси ва бошқа номлар билан бўлсада, уларнинг статуси бир хилдир. Бошқа мавжуд адвокатлик союзи, адвокатлик фирмаси, адвокатлик кабинетлари – коллегиялар ичидаги адвокатлик фаолиятининг шакллари ҳисобланади. Мазкур шакллар мустақил фаолият юритиш ҳуқуқига эга бўлиб, ўзининг мулки бўйича ўзи жавоб беради ва уларга асосан фаолиятини амалга оширади.

Россия Федерациясида давлат томонидан кафолатланган адвокатларнинг фаолиятларини ва ижтимоий муҳофазасини таъминлашга қаратилган ҳолатларга адвокат ҳимоячи ёки вакил сифатида касбий вазифасини бажариш муносабати билан унга маълум бўлган ҳолатлар бўйича гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниши мумкин эмаслиги ҳамда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш муносабати билан боғлиқ бўлган маълумотнома, тавсифнома ва бошқа ҳужжатларни ёки нусхаларни давлат ва бошқа ташкилотлари белгиланган тартибда беришга мажбур эканлигини билиши лозим.

Беларус Республикасида адвокатура тизимини ва адвокатлик фаолиятини тартибга солувчи қонун 1993 йил 15 июнда Республика Олий Совети томонидан қабул қилинди ва мазкур қонун «Беларус Республикасининг адвокатура тўғрисида»ги қонуни деб номланади. Мазкур қонунга биноан Беларус Республикасида адвокатлик фаолиятининг ягона ташкилий ҳуқуқий шакли бўлиб, адвокатлар коллегияси ҳисобланади. Белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия олган фуқаролар ушбу фаолиятини адвокатлар қоллегияси аъзолигига киргандан сўнг амалга оширадилар. Уларга адвокатлар коллегиясининг қарори билан ва коллегия томонидан ўрнатилган тартибда ҳуқуқий маслаҳатхона ёки ташкилий шаклларда лекин адвокатлар коллегияси таркибида адвокатлик фаолияти билан шуғулланишга рухсат берилади ва шу боис Беларус Республикаси мустақил юридик шахс мақомидан фойдаланувчи адвокатлик фаолиятининг бошқа ташкилий ҳуқуқий шакллари мавжуд эмас.

Адвокатлик фаолияти фақат вилоят ва Минск шаҳар адвокатлар коллегияларига аъзо бўлган шахслар томонидан амалга оширилиши, Адвокатлар коллегияларининг мавжуд бўлишининг мажбурийлиги ва

унинг Низомини адвокатлар томонидан тасдиқланишини ҳамда барча адвокатлар коллегияларининг топшириғи жойлардаги адлия бошқармаларида эмас, балки фақат Адлия вазирлигининг ўзида руҳсатга олинishi сингари ҳолатлар Беларус Республикасининг Ўзбекистондаги адвокатлик фаолиятдан ажратиб турувчи фарқларидан бири десак хато қилмаган бўламиз.

Тожикистон Республикасида адвокатура тизими ва адвокатлик фаолияти қонуни Республика Олий Совети томонидан қабул қилинган Тожикистон Республикасининг «Адвокатура ва юридик ёрдам ҳақида»ги қонуни асосида фаолият ошириб келмоқда.

Тожикистоннинг МЖХ мамлакатларидаги шу каби қонунлардан ажратиб турувчи ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, (2-модда) адвокат, адвокатлик ҳуқуқи билан ваколатдор, қонуний восита ва усуллар, миждоз, адвокатлар коллегияси, юридик ёрдам, юридик восита сингари ҳуқуқий тушунчаларнинг моҳияти очиб берилган ва қонуннинг бевосита ўзида мазкур атамаларга тўлиқ шарҳ берилган.

Тожикистон Республикасида адвокатуранинг ташкилий ҳуқуқий шакллариға адвокатлар коллегиялари, юридик корхоналар ва якка тартибда фаолият кўрсатувчи адвокат — ваколатдорлар киради. Адвокатлар коллегиялари камида 40 та юрист ёки юридик ёрдам кўрсатиш ҳуқуқиға эға бўлган юристларнинг аризасиға мувофиқ ташкил этилади, ташкил этишда махсус рухсатнома талаб этилмайди. Тожикистон Республикасида ва унинг вилоятларида, Тоғли-Бадахшон автоном вилояти ва Душанбе шаҳрида тегишли равишда Республика, вилоят адвокатлар коллегиялари ташкил этилганлар.

Адвокатлик бюроси адвокатлар коллегиясининг Устави билан белгиланган тартибда ва у билан шартнома тузиб ўз фаолиятини амалға оширадilar. Фирма таркибига бир неча адвокат (хамкорлар) партнер киради.

Тожикистон Республикасининг «Адвокатура ва юридик ёрдам ҳақида»ги қонуннинг 22-моддасида адвокатлар коллегиясига қабул қилиш асослари мавжуддир. Унга кўра адвокатлар коллегиясига Тожикистон Республикасининг фуқаролари билан бирға республика ҳудудида доимий яшаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар ва хорижий давлатларнинг фуқароси ҳам аъзоликка қабул қилиниши мумкин.

Тожикистон қонунчилигида адвокатлик фаолиятининг кафолатлари, ҳуқуқлари деярли республикамик адвокатларига берилган кафолатларға ўхшаш бўлиб, адвокатға нисбатан жиноий иш қўзғатиш ва қамоққа олиш фақат адвокатнинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлсағина Тожикистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари ҳамда вилоят прокурорларининг қарори билан амалға оширилади. Шу боис, адвокатнинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлиши ёки боғлиқ эмаслигидан қатъий назар адвокатнинг даҳлсизлигини таъминлашға қаратилган барча чора-тадбирлар Бош прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан бекор қилиниши мумкин.

Қозоғистон Республикасида адвокатура тизими ва адвокатлик фаолияти 1992 йил 5 декабрда Республика Президенти томонидан қабул

қилинган Қозоғистон Республикасининг «Адвокатлик фаолияти ҳақида»ги қонуни билан тартибга солинади. Мазкур қонуннинг 19-моддасида адвокатлик фаолиятининг асосий шакллари белгиланган бўлиб, унга асосан адвокатлар ўз фаолиятини консултациялар ёки мустақил ёхуд бошқа адвокатлар билан адвокатлик бюроларини таъсис этиш орқали ва якка тартибда юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтмасдан амалга оширишга ҳақлидир.

Қозоғистонда адвокатлик фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий шакллари амалда бўлсада лекин уларнинг умумий хусусияти шундаки мазкур адвокатлик бюроларни таъсис этувчилари адвокатлар коллегиясининг аъзоси бўлиши шарт. Бундан ташқари, адвокат фақат битта адвокатлик конторасини таъсис этувчиси бўлиши мумкин ва мазкур конторалар қонунда муассаса сифатида эътироф этилган бўлиб, конторани битта адвокат ҳам биргалашиб бир нечта адвокат очиши мумкин. Контора фаолиятини ўз уставига асосан амалга оширади ва устав адвокатлар коллегиясида тақдим этилиши лозим. Контораларнинг ушбу жиҳатлари адвокатлар коллегиясининг таркибида бўлган мақоми асосида бошқарилувчи юридик маслахатхоналардан фақланади.

Қозоғистон Республикаси «Адвокатлик фаолияти ҳақида»ги қонунда адвокатлик фаолиятининг кафолатлари белгиланган бўлиб, унга давлат ташкилотларининг мансабдор шахслар сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар томонидан адвокатлик фаолиятини амалга оширилишига бевосита ёки билвосита тўсқинлик қилишга йўл қўйилмаслиги белгиланган. Шунингдек, мазкур қонун нормасида адвокатни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниши мумкин эмаслиги ва адвокатни у ҳуқуқий ёрдам кўрсатаётган иш билан уйғунлаштириш таъқиқланиши белгиланган. Текширув ва дастлабки тергов органларининг мансабдор шахслар зиммасига процессуал қонунларда назарда тутилган ҳолларда адвокат билан келишилган ҳолда тергов ва бошқа процессуал ҳаракатларга қатнашиш зарурияти ҳақида ҳабардор қилиш мажбурияти қонун билан юклатилган.

Арманистон Республикасида мавжуд адвокатура тизими ва адвокатлик фаолияти 1998 йил 18 июнда Арманистон Республикасининг Миллий Мажлиси томонидан қабул қилинган «Адвокатлик фаолияти ҳақида»ги қонун билан тартибга солинди. Мазкур қонунга мувофиқ ҳимоя қилиш функцияси фақат адвокат томонидан амалга оширилади.

Арманистон Республикасида адвокатлар ўз фаолиятларини адвокатуранинг ҳуқуқий ташкилий шаклларида ҳисобланган ва собиқ адвокатлар коллегиясининг ҳуқуқий вориси бўлган адвокатлар союзи орқали амалга оширилади. Адвокатлар союзи 50 тадан кам бўлмаган адвокатларнинг ва малака талабини топширган ва тегишли гувоҳномаси бўлган шахсларнинг ташаббуси билан қайд этилади. Адвокатлар союзлари мустақил ўз-ўзини бошқарадиган ташкилотдир ва жамоат ташкилотлари учун назарда тутилган барча ҳуқуқлардан фарқланади. Шунингдек, Арманистон Республика адвокатлар союзи мавжуд бўлиб, бу собиқ адвокатлар коллегиясининг ҳуқуқий вориси сифатида қайта ташкил этилгандир.

Арманистон қонунчилигида адвокатнинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлашга қаратилган муҳим чора-тадбирлардан бири шуки, адвокат ушланган тақдирда бу ҳаракатни амалга оширувчи орган томонидан зудлик билан тегишли адвокатлик союзига ҳабар қилиниши лозим. Бундан ташқари махсус лицензиячи бўлган адвокатга нисбатан жиноий ишни фақат прокурор қўзғатиши мумкинлиги қонунда ўз аксини топган.

Озарбайжон Республикасида адвокатлик фаолияти 18-декабр 1999 йилда Миллий Мажлис томонидан қабул қилинган «Адвокатлар ва адвокатлик фаолияти ҳақида»ги қонун билан тартибга солиниб келинмоқда. Унга мувофиқ адвокатлик фаолиятини амалга оширилишини ташкилий-ҳуқуқий асосларига якка тартибда ёки қонунда белгиланган тартибда ташкилий структура таркибида фаолият кўрсатиш ва буларнинг таъсисчиси фақат адвокатлар бўлиши мумкин.

Озарбайжонда Мустақил Давлат Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги адвокатлик фаолиятдан ажралиб турадиган бетакрор хусусият мавжуд бўлиб, бу қонунда адвокатуранинг символларини белгиланишидир, яъни Озарбайжон Республикаси адвокатурасининг символлари давлат байроғи, герби, адвокатуранинг расмий эмблемасидан иборат бўлиб, адвокатлар суд мажлисларида махсус шаклдаги кийимда иштирок этадилар. Адвокатура расмий эмблемасининг тасвири ва махсус шаклдаги кийим адвокатлар коллегиясининг умумий мажлисида тасдиқланади.

Озарбайжон Республикасида нодавлат, мустақил ўз-ўзини бошқарувчи ва мамлакатдаги барча адвокатлар коллегиясининг бирлаштирувчи республика адвокатлар коллегияси ташкил этилган бўлиб, адвокатлар коллегияларига аъзо бўлмаган шахсларга адвокатлик фаолияти билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

Озарбайжон қонунчилигида МДҲ давлатларида учрамайдиган ҳолатларни кузатиш мумкинки, унга суд, тергов, суриштирув органлари ва бошқа давлат органларининг ходимларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш туфайли адвокат билан ҳуқуқий ёрдам кўрсатаётган шахс ўртасида воситачилик қилишга йўл қўйилмаслиги киради.

Шунингдек қонунчиликда адвокатлар коллегиясига нисбатан солиқ бўйича имтиёзлар ҳам назарда тутилган бўлиб, унга кўра адвокатлар коллегияси юридик шахс сифатида қонунда белгиланган солиқ ва тўловлар озод қилинган.

Америка Қўшма Штатларида адвокатлик фаолиятига оид алоҳида қонун йўқ. Адвокатнинг мақоми одатлар, ҳуқуқ прецедентлари, касб этикаси қоидаларидан келиб чиқади. Фақат конституцияда айбланувчининг адвокат олиш ҳуқуқи белгиланган.

АҚШда адвокатлик амалиёти билан шуғулланиш учун у ёки бу штатидаги адвокатлар ассоциациясида шаклланган ёки штат губернатори томонидан махсус комиссияга малака имтиҳонини топширади. Ушбу имтиҳондан муваффақиятли ўтиб, олинган адвокатлик патенти бутун АҚШ ҳудудида эмас, балки фақат тегишли штатдагина адвокатлик қилиш ҳуқуқини беради. Ҳар бир штатда ассоциацияларга аъзолик мажбурий қилиб белгиланган. Ушбу ассоциациялар касб этикаси қоидалари, интизомий жазо чораларини ишлаб чиқади ва қўллаиди, адвокатлар

малакасини ошириш ишларини амалга оширади. АҚШда адвокатнинг асосий ташкилий шакли адвокатлик фирмалари ҳисобланади. Одатда бундай фирмалар жиноий ишлар бўйича иш олиб боришмайди. Улар кўпроқ йирик корпорациялар ва сармоядорларнинг турли соҳаларидаги фаолиятига юридик хизмат кўрсатадилар. Бундай фирмаларда асосан икки тоифа адвокатлар ҳамкорлик ва ассоциаторлар ё ҳамкорга айланиб фирмада қолиши ёки тегишли талабни бажармагани учун фирмадан кетиши керак.

АҚШда аҳоли турмуш даражаси юқори бўлишига қарамасдан, оғир жиноятларда айбланган шахсларнинг 80% адвокатга пул тўлаш имкониятига эга эмас. Шунинг учун аҳолини бепул адвокатлик хизмати билан таъминлашнинг уч хил шакли йўлга қўйилган.

1. Тайинлаш орқали адвокат билан таъминлаш. Бунда маҳаллий ҳукумат хусусий амалиёт билан шуғулланувчи, юридик ёрдам кўрсатиш хизматни таклиф қилаётган адвокатларнинг рўйхатини тузиб олади. Бу рўйхатда адвокатнинг ихтисослиги кўрсатилади ва муайян бир ишга адвокат тайинлашда суд унинг ихтисослигини ҳисобга олади. Бунда адвокатларга ҳақ федерал бюджет ёки штат бюджетидан суд орқали берилади.

2. Шартнома бўйича адвокатлар билан таъминлаш. Бунда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи адвокатлар маҳаллий ҳокимият билан олдиндан шартнома тузиб қўядилар. Бундай шартномада маълум муддат мобайнида қанча кишига юридик хизмат кўрсатиш ва гонорар суммаси келишиб олинади.

3. Оммавий ҳимоячилар фаолияти. Бундай ташкилий шаклдаги адвокатура маҳаллий ҳокимият томонидан тузилиб, улар бу органнинг фаолиятини назорат қилиб турадилар. Кўпинча бундай органлар маҳаллий ҳокимият структурасига кириб, унда ишловчи адвокатлар расман давлат хизматчилари ҳисобланишади.

Судда айбловчи ва ҳимоячи тарафлар бир-бирларини ва судни ўзлари йиққан далиллар билан таништирадилар ва шу асосда тортишув олиб борадилар. Иккала тараф ҳам далил йиғиш, гувоҳларни сўроқ қилиш ҳуқуқига эга. Айбловчи тараф ишни судга тайинлаш босқичида ҳимоя қилувчи тарафни ўзининг барча далиллари билан таништириши шарт.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Адвокат ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида қандай ҳаракатларни амалга оширади?
2. Жиноий ишлар бўйича тергов юритишда адвокатга қандай вазифалар юклатилади?
3. Қайси ҳолларда адвокат томонидан бепул юридик ёрдам кўрсатилади?

АДВОКАТЛИК ТУЗИЛМАЛАРИ НАЗОРАТИ, МОЛ-МУЛКЛАРИ.

Адвокатлик ташкилотининг назорати ва ҳисоботи.

Адвокатлик тузилмаларининг реестри.

Адвокатлик ташкилотининг молиявий фаолияти уларнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилинади. Тафтиш бевосита таъсисчи ёки шериклар томонидан ҳамда таъсис ҳужжатларида назарда тутилган назорат органлари ёрдамида ўтказилиши мумкин. Адвокатлик ташкилотининг молиявий фаолиятини тафтиш қилиш, адвокатлик ташкилотининг битта ёки бир нечта шериклар талаби бўйича ва улар ҳисобидан, исталган вақтда амалга оширилиши мумкин.

Адвокатлик ташкилоти ўзининг молиявий фаолиятининг тафтишини икки йилда камида бир марта ўтказилиши шарт. Тафтишлар шундан усул ва тартибда ўтказилиши керакки, у адвокатлик ташкилоти ишининг нормал тартибини бузмасин.

Адвокатлик тузилмалари ҳақидаги маълумотлар адвокатлик тузилмаларининг реестрига киритилади. Маълумотларни киритиш, ўзгартириш, тўлдириш ва чиқариб ташлаш тартиби, уларнинг хусусияти ва ҳажми Республика адвокатлар Ҳайъати тасдиқлаган Низом билан белгиланади.

Адвокатлик тузилмалари реестридаги маълумотлар йилига камида бир марта оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак ва статистик мақсадларда адлия органларига тақдим қилинади.

Адвокатлик ташкилотининг мол-мулки ва маблағлари.

Адвокатлик ташкилотининг мол-мулки қуйидагилардан иборат:

а) таъсисчилик (шериклар) томонидан ихтиёрий равишда қўшилган пул маблағлари, мол-мулклар (ашёлар) ва мулкӣ ҳуқуқлар;

б) адвокатлик ташкилоти қайд этилгандан сўнг, шерик адвокатлар ёки ҳудудий адвокатлар ҳайъати томонидан киритилган қўшимча тўловлар бадаллари;

в) адвокатлик гонорарларининг маълум қисми;

г) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа манбалардан олинadиган мол-мулклар.

Агар бошқа нарсалар таъсисчилар (шериклар) томонидан назарда тутилмаган бўлса, адвокатлик ташкилоти унга берилган мол-мулкка ўз ихтиёрича эгалик қилиши, фойдаланиши ва тасарруф этиши мумкин. Таъсисчиларнинг (шериклик) натурал ёки мулкӣ ҳуқуқлар шаклидаги тўловлар бадаллари барча таъсисчиларнинг (шериклар) розилиги билан пул бирлигида ифодаланади.

Адвокатлик ташкилоти ҳисобига келиб тушган адвокатлик гонорарлари адвокатлик ташкилотини таъминлаш, адвокатларга ёки меҳнат шартномаси бўйича ишловчи бошқа шахсларга иш ҳақи тўлаш,

адвокатлар ташкилотлари ёки ягона таъсисчиларга пул ўтказиш учун сарфланади.

Адвокатура ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятини ўз маблағлари адвокатура ва ҳайъат умумий эҳтиёжларининг харажатларини қоплаш учун адвокатлар съезди томонидан белгиланадиган тартиб ва миқдорда, адвокатлар тўлайдиган бадаллар (ажратмалар)дан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олинadиган грантлар ва ҳайр-эҳсон (ҳайрия) пулларида, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, барча даражадаги бюджет маблағларидан иборат.

Адвокатлар ҳайъати умумий эҳтиёжларининг харажатларига адвокатлар ҳайъатлари органларида ишловчи адвокатларга тўланадиган мукофотлар, кўрсатилган органларда ишловчи адвокатларга бериладиган товон пуллари, адвокатлар ҳайъати аппарати ишчиларига тўланадиган иш ҳақлари, адвокатлар ҳайъати фаолиятини моддий таъминлашга кетадиган харажатлар, адвокатлар ҳайъати олий органи қарори бўйича фуқароларга бепул юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар меҳнат ҳақиға кетган харажатлар ва адвокатлар ҳайъати томонидан назарда тутилган бошқа харажатлар кирази.

Адвокатлар ҳайъатининг мол-мулки ва маблағлари.

1. Адвокатлар ҳайъатининг маблағлари аъзолик улуш бадалларидан, умумий вазифаларни ҳал этиш учун ажратилиб бирлаштирилган ажратмалар бадаллардан ва аниқ мақсадларга қаратилган бошқа молиявий маблағлардан ташкил топади.

2. Адвокатлар ҳайъати фондига ажратилadиган ҳар ойлик улушлар бадаллар ва кирым бадали миқдори адвокатлар ҳайъати раёсати томонидан белгиланади.

3. Ҳайъат фонди маблағлари ҳисобидан олинган транспорт воситалари, жиҳозлар, асбоб-ускуналар ва бошқа ашёлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қонунлари билан тақиқланмаган бошқа тушумлар адвокатлар ҳайъатининг мол-мулки ҳисобланади.

4. Адвокатлар ҳайъатининг штатлари мансаб маошлари ва маъмурий хўжалик харажатларининг сметаси молия органлари рўйхатидан ўтказилмайди. Адвокатлар ҳайъатининг иш ҳақи фонди банклар томонидан назорат қилинмайди.

5. Адвокатлар ҳайъатлари маъмурий хўжалик харажатлар сметаси доирада нақд пулдан фойдаланиш мумкин.

Адвокатлар ҳайъати Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва маҳаллий ҳокимият идораларининг қарорлари ва фармойишлари билан белгиланган имтиёзлардан фойдаланади.

Адвокатлик фирмасининг мулки ва маблағлари.

1. Адвокатлик фирмаси ўз фаолияти давомида моддий ва номоддий мулкка, сўм ёки чет эл валютаси шаклидаги пул маблағларига ва

Республика қонунлари билан тақиқланмаган бошқа ҳар қандай моддий ва номоддий мулкка эга бўлиши мумкин.

2. Адвокатлик фирмаси томонидан олинган ҳар қандай мулк олиниш манбасидан қатъий назар фирма таъсисчиларининг умумий биргаликдаги мулки ҳисобланади.

3. Адвокатлик фирмаси мажбуриялари юзасидан ўзида мавжуд бўлган мулки доирасида жавобгар бўлади.

4. Адвокатлик фирмасининг пул ёки бошқа шаклдаги маблағлари қўйидаги манбалардан ташкил топиши мумкин:

- аъзо таъсисчиларнинг дастлабки жамғарма бадалларидан;
- адвокатлик фирмаси аъзолигига қабул қилинаётган аъзо адвокатларнинг кириш бадалларидан;
- аъзолар томонидан адвокатлик фирмасини сақлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун белгиланган тартибда ҳар ойда ажратиладиган ажратмалардан;
- юридик ва жисмоний шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ўтказиладиган ҳадя, ҳайрия маблағларидан, чет эл ва халқаро ташкилотлар томонидан бериладиган грант маблағлари ва бошқа қонунда тақиқланган тушумлардан.

5. Адвокатлик фирмаси аъзолигига кириш бадалларининг миқдори, тўлаш тартиби шунингдек, фирмани сақлаш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун аъзолар томонидан ажратиладиган маблағларни миқдори, адвокатлик фирмаси аъзоларининг умумий йиғилиш қарори билан белгиланади.

6. Адвокатлик фирмаси маблағларининг сарф-харажатлари фирма умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган смета доирасида амалга оширилади.

7. Адвокатлар фирмасининг таъсисчиси аъзоликдан чиқарилган ёки чиққан ҳолларда унга тегишли мулк Кенгаш йиғилиш қарори билан белгиланган тартибда берилиши мумкин.

Адвокатлик бюросининг мол-мулки ва маблағи.

1. Адвокатлик бюроси ўз фаолияти давомида моддий, номоддий мулкка сўм ёки чет эл валютаси шаклидаги пул маблағларига эга бўлиши мумкин.

2. Адвокатлик бюросининг пул ёки бошқа шаклдаги маблағлари қўйидаги манбалардан ташкил топади:

- таъсисчи адвокатнинг фаолиятини амалга ошириш учун дастлабки киритган мол-мулки маблағларидан;
- юридик ва жисмоний шахсларга юридик ёрдам кўрсатилиши муносабати билан келиб тушадиган маблағлардан;
- юридик ва жисмоний шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ўтказиладиган ҳайрия маблағларидан;
- донор ташкилотлар томонидан бериладиган грант маблағлари ва қонунда тақиқланмаган бошқа тушумлардан;

3. Адвокатлик бюроси маблағлари таъсисчи адвокат (бюро раҳбари) томонидан тасдиқланадиган смета доирасида сарфланади.

Ҳудудий адвокатлар ҳайъати ва уларнинг органлари молиявий-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун тегишли ҳудудий реестрларга маълумотномалари киритилган адвокатлардан иборат тафтиш комиссияси сайланади. Тафтиш комиссияси ўз фаолиятининг натижалари ҳақида адвокатлар йиғилиши (конференцияси) олдида ҳисобот беради.

Адвокатлар ҳайъати тафтиш комиссияси

Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисидаги қонуннинг 11-моддасида адвокатуранинг штатлари, мансаб окладлари ва маъмурий-хўжалик харажатларининг сметалари молия органларида рўйхатдан ўтказилмаслиги, шунингдек, адвокатуранинг иш ҳақи фонди банклар томонидан назорат қилинмаслиги белгиланган. Демак, ҳайъат аъзоларининг жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатадиган пули ҳуқуқий ёрдамдан белгиланган миқдорда гонорар тушиши, мазкур суммадан адвокатларга иш ҳақининг ўз вақтида, тўғри берилиши устидан молиявий назоратни ҳайъат раиси билан бирга ҳайъатнинг тафтиш комиссияси раиси ва аъзолари ҳам олиб бориши лозим, чунки мазкур қонуннинг талабларидан маълумки, адвокатлар ҳайъатининг молиявий фаолияти юзасидан давлат идоралари назоратига йўл қўйилмайди ва мазкур вазифани амалга ошириш ҳайъат тафтиш комиссияси зиммасига юклатилгандир.

Бундан ташқари, тафтиш комиссияси тасдиқланган смета доирасида ажратилган маблағларнинг тўғри тақсимланиши юзасидан раиснинг фармойишларини, белгиланган тартибда статистик ва молиявий ҳисобот ишларининг олиб борилиши, ҳайъат хазинасига тушадиган пул маблағларининг кирим ва чиқим қилиниши, адвокат ёрдамчисига адвокат ҳисобидан тўланадиган ойлик маошларнинг тўғри тўланиши, ҳайъат маъмурий-техник ходимларига тўланадиган сафар харажатларининг белгиланган тартибда амалга оширилиши, ҳайъатни сақлаш учун кетадиган харажатларни (масалан: бино учун тўланадиган ижара ҳақи, маиший хизматлардан фойдаланилганлик учун тўловлар, инвентарлар сотиб олиш, почта ва обуна тўловлари, автомашина ва техник жиҳозлар сотиб олиш, уларни таъмирлаш сингари) ва шу каби чиқимларнинг амалга оширилишини назорат остига олади.

Шунингдек, тафтиш комиссияси адвокатлар ҳайъати раёсатининг юридик маслаҳатхоналари молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш қилади ҳамда тушган таклифлар, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари юзасидан назорат олиб боради.

Адвокатлар ҳайъатининг тафтиш комиссияси умумий мажлисда ҳайъат аъзолари томонидан 5 йил муддатга сайланади, улар ўз орасидан тафтиш комиссияси раисини ва раис ўринбосарини сайлайди. Комиссия ўз фаолияти даврида мустақил бўлиб, фақат умумий мажлисда ҳар йили камида бир марта ҳисобот беради. Комиссия аъзолигига фақат адвокатлар сайланиб, унинг таркибига маъмурий-техник ходимлар, адвокат ёрдамчилари, стажёр-адвокатлар, ҳайъат касаба уюшмаси қўмитаси

раиси, ҳайъат аттестация комиссияси раиси ва ҳайъат раиси ёки ўринбосари киритилиши мумкин эмас.

Ҳайъат аъзолигидан бўшаб кетган тафтиш комиссиясининг аъзолари ўрнига навбатдаги ёки навбатдан ташқари умумий мажлисида янги номзодлар сайланади. Шунингдек, тафтиш комиссияси аъзолари (раиси) ҳайъат аъзолигидан ўз ихтиёрига биноан бўшатиlsa ёки интизомий жазо чораси тариқасида ҳайъат аъзолигидан чиқарилса, уларга нисбатан умумий асослар қўлланилади ва бунинг учун умумий мажлис розилиги талаб қилинмайди.

Адвокатлар ҳайъатининг амалиёти ҳайъати тафтиш комиссияси аъзолари тоқ сондан иборат бўлса ва комиссия сафи 3-7 кишидан ошмаса, яхши самара бершини кўрсатмоқда.

Тафтиш комиссияси аъзолари тафтиш комиссиясидаги иши учун адвокатлар йиғилиши (конференцияси) томонидан белгиланадиган миқдорда иш ҳақи олиши ва шу билан бирга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин. Ҳудудий адвокатлар ҳайъатининг тафтиш комиссиясини ташкил қилиш ва фаолият кўрсатиш тартиби тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низом билан белгиланади. Адвокатлар ўз-ўзини бошқаришнинг ваколатли органлари қарорлари бўйича молиявий фаолиятни тафтиш қилиш учун аудитор фирмалар жалб қилиниши мумкин.

Адвокатуранинг солиқ тўловлари.

Адвокатларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва адвокатлик тузилмалари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган умумдават ва маҳаллий солиқлар, йиғимлар, бож ва бошқа мажбурий тўловлардан, шунингдек, бюджетдан ташқари давлат фондларига ўтказиладиган ажратмалардан озод қилинади, ижтимоий суғурта ва Ўзбекистон Республикаси Пенсия фондлари бундан мустасно.

Адвокатлар даромадидан солиқ (даромад солиғи) адвокатлик фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлардан ва адвокатлик жамғармасига ажратиладиган маблағлар учун чегириб қолинадиган суммадан қолган қисмидан тўланади.

Фойда солиғи ва ягона солиқ.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 31-моддасига мувофиқ тижорат билан шуғулланадиган юридик шахслар, уларнинг тадбиркорлик фаолиятидан оладиган даромадларидан (фойдаларидан) ташқари фойда солиғидан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 159-сон Қарори билан тасдиқланган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш тартибининг 1-бандига мувофиқ, солиққи тортишнинг соддалаштирилган тизими тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириладиган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун қўлланилади.

- Адвокатлик тузилмалари нодавлат нотижорат ташкилотлар сифатида, фойда солиғини тўлашдан озод этиладилар ҳамда ягона солиқ тўловчиси ҳисобланадилар.

- «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига мувофиқ, адвокатларнинг меҳнатига кўрсатилган юридик ёрдам учун жисмоний ва юридик шахслардан адвокатлар бюrolари, Ҳайъатлари ва фирмаларига келиб тушган маблағлар ҳисобидан ҳақ тўланади».

Бунда юридик хизмат учун ҳақ тўлаш адвокат билан мижоз ўртасида ихтиёрий равишда тузиладиган битим (шартнома) асосида амалга оширилади. Адвокат томонидан кўрсатилган юридик ёрдам келиб тушган маблағлар адвокатлик тузилмаларининг даромадлари ҳисобланмайди.

Маблағларнинг адвокатлик тузилмасини сақлаб туриш учун ўтказиладиган (ушлаб қолинадиган) қисми тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад бўлиб ҳисобланмайди.

Ушбу маблағларга мазкур йўриқноманинг 3 ва 4 бандларига мувофиқ адвокатлик тузилмасини сақлаб туриш учун мунтазам тушумлар сифатида қаралади.

- Агар адвокатлик тузилмалари тадбиркорлик фаолияти, яъни адвокатлик фаолиятидан ташқари бошқа (адвокатнинг юридик ёрдам кўрсатиши билан боғлиқ бўлмаган) фаолият билан шуғуллансалар, ушбу фаолиятдан олинган даромадлар (фойда) белгиланган тартибда фойда солиғи ёки ягона солиққа тортилади.

Қўшимча қиймат солиғи ва акциз солиғи, божхона тўловлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 66-моддасига мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар қўшилган қиймат солиғи тўловчилардир. Адвокатлик тузилмалари қўшимча қиймат солиғини тўловчи ҳисобланмайди.

2. Агар адвокатлик тузилмалари тадбиркорлик фаолияти, яъни адвокатлик фаолиятидан ташқари бошқа (адвокатнинг юридик ёрдам кўрсатиши билан боғлиқ бўлмаган) фаолият билан шуғулланмасалар, ушбу фаолият доирасидаги товарлар (ишлар, хизматлар) реализацияси бўйича оборот белгиланган тартибда қўшимча қиймат солиғига тортилади.

3. Адвокатлик тузилмалари товарларни импорт қилишда божхона тўловларини (шу жумладан қўшимча қиймат ва акциз солиғини) белгиланган тартибда тўлайдилар, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Бошқа солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 110-моддасига мувофиқ товарлар ишлаб чиқарувчи, ишлар бажарувчи, хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар экология солиғи тўловчилардир.

Юридик ёрдам адвокат билан мижоз ўртасида тузилган шартнома асосида адвокат (жисмоний шахс) томонидан кўрсатилишини инобатга олиб, ушбу юридик ёрдам экология солиғи тортилмайди.

Агар бевосита адвокатлик тузилмаси томонидан товарлар ишлаб чиқарилса, ишлар бажарилса ва хизматлар кўрсатилса, ушбу фаолиятдан белгиланган тартибда экология солиғи тўланади.

- Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 92,102 ва 119-моддаларига нотижорат ташкилотлар сифатида мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланилганлик учун солиқни тўлашдан озод қилинадилар.

Агар адвокатлик тузилмалари тадбиркорлик фаолияти, яъни адвокатлик фаолиятдан ташқари бошқа (адвокатнинг юридик ёрдам кўрсатиши билан боғлиқ бўлмаган) фаолият билан шуғуллансалар, ушбу фаолият учун фойдаланилган мол-мулк ер участкалари ва сув ресурслари белгиланган тартибда мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиққа тортилади.

- Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаш чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (2002 йил 15 феврал, рўйхат рақами 1100-сон – меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил, 3-сон) нинг 1-бандига мувофиқ, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчилар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслардир.

Адвокатлик тузилмалари ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчи ҳисобланмайдилар. Агар адвокатлик тузилмалари тадбиркорлик фаолияти, яъни адвокатлик фаолиятдан ташқари бошқа (адвокатлик юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган) фаолият билан шуғуллансалар, ушбу фаолиятдан олинган соф фойда белгиланган тартибда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғига тортилади.

Адвокатларнинг жамоат бирлашмалари.

Молия Вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 29 февралдаги 41-сон, 66-МҲ-сон ва 2004 йил 29-сон қарори билан тасдиқланган.

Адвокатларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ва адвокатлик тузилмаларининг коммунал ва алоқа хизмати тўловлари жисмоний шахсларга қўлланиладиган ставкалар бўйича амалга оширилади.

Адвокатлик бюролар, адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар томонидан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома. (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами 2004 йил 12-сон 148-мартда 2004 йил 1 апрелдан кучга кирган).

Адвокатлар ва адвокатлик тузилмалари республика, минтақавий ва халқаро иттифоқлар ва уюшмалар ва адвокатларнинг бошқа жамоат бирлашмаларини ташкил қилишга ва Ўзбекистон Республикаси қонун

ҳужжатларига мувофиқ, адвокатларнинг жамоат бирлашмаларига аъзо бўлишга ҳақлидир. Адвокатлар жамоат бирлашмалари «Адвокатура тўғрисида»ги қонунда назарда тутилган адвокатуранинг ўз-ўзини бошқариш органларининг вазифаларини бажаришга ҳақли эмас.

Адвокатларнинг иттифоқлари ва уюшмалари давлат органлари ва фуқаролар бирлашмаларида адвокатлар манфаатларини ифодалайди, адвокатларнинг ижтимоий ва касбий ҳуқуқларини ҳимоя қилади, услубий ва ноширлик ишларини амалга оширади, адвокатлар касбий маҳоратини ошишига ёрдам беради, махсус фондлар ташкил қилишлари мумкин ва ўз низомларига мувофиқ фаолият юритади. Адвокатларнинг иттифоқлари ва уюшмалари нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилади ва фаолият кўрсатади ва адвокатларнинг ўз-ўзини бошқарув органлари ва адвокатлик тузилмалари, шунингдек, адвокатлар ва уларнинг ёрдамчилари ва стажёрларига нисбатан бирон-бир бошқарув ваколатларига эга эмаслар. Адвокатлар халқаро ва хорижий давлатларнинг адвокат ташкилотларига аъзо бўлиш ҳуқуқига эгалар.

Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва
Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил
29-февралдаги 41-сон, 66-мх-сон ва
2004-29-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Адвокатлик бюрolari, адвокатлик ҳайъатлари, адвокатлик
фирмалари ва адвокатлар томонидан бюджетга солиқлар ва
бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага

И Л О В А

Адвокатларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондини
ҳисоблаб чиқаришнинг намунавий

С Х Е М А С И

Адвокатнинг гонорари 100 000 сўм
30 000 сўм 70 000 сўм

Адвокатлик тузилмасининг
таъминоти учун харажатлар-
30 000 сўм

МХТФдан
иж.
суғурта **
(25% 14
000 сўм

Адвокатларнинг
меҳнатга ҳақ тўлаш
фонди (ҳисоблаб)
чиқарилган гонорар)
56 000 сўм

Маъмурий ва хўжалик харажат-
лари, сақлаб туриш бўйича
бошқа харажатлар (20 000 сўм)
Шу жумладан:

Даромад
солиғи*

Иш ҳақидан
иж.суғурта *

1) Маъмурий бошқарув ва хўжалик ходимларини сақлаб туриш учун харажатлар;	(13 дан 30 фоизгача) 6048 сўм	(2,5%) 1.400 сўм
2) Коммунал ва телекоммуникацион хизматларга ҳақ тўлаш;		
3) инвентар ва канцелярия жиҳозларини ҳарид қилиш;		
4) Даврий нашрларга обуна;	Адвокат «қўлга»	Кас. уюш.
5) Адвокатлик тузилмасининг таъминоти учун бошқа харажатлар.	оладиган гонорари 48 067 сўм	1%)**** 485 сўм
Адвокатуранинг ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармаси (10 000 сўм). Шу жумладан:		
1) моддий ёрдам**;		
2) маблағларни таътиллар учун жамланиши (МХТФдан 7 фоиз);		
3) ЎААга аъзолик бадали (энг кам иш ҳақидан 30 фоиз)*;		
4) адвокатнинг амбулатор даволаниш ҳақини тўлаш;		
5) адвокатларнинг бошқа ижтимоий эҳтиёжлари.		

Такрорлаш учун саволлар.

1. Адвокатлик тузилмалари назоратини қайси ташкилот томонидан амалга оширилади?
2. Адвокатлик ҳайъати тафтиш комиссияси вазифалари нималардан иборат?
3. Адвокатуранинг неча хил солиқ тўловлари мавжуд?

МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР

1. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан
1996 йил 19-декабрда қабул
қилинган.

Кўчирма

(...)

14-модда, 3-қисм.

3. Ҳар бир одам ўзига қўйилган ҳар қандай жиноят кўриб чиқиладиганида, тўла тенглик асосида, кам деганда қўйидаги кафолатларга эга бўлиш ҳуқуқи бор:

(...)

b) ўз ҳимоясини тайёрлаш учун ва ўзи танлаб олган оқловчи билан мулоқотда бўлиш учун етарлича вақт ва имкониятга эга бўлиш;

(...)

d) суд мажлисида ўзи қатнашиб суд қилиниши ва ўзини шахсан ўзи ҳимоя қилиш ёки ўзи танлаб олган оқловчи орқали ҳимоя қилиниш; агар оқловчиси бўлмаса ана шундай ҳуқуқи борлиги хусусида хабардор этилиш; одил судлов манфаатлари талаб этган барча ҳолларда у учун тайинланган оқловчига эга бўлиш, оқловчига ҳақ тўлаш учун унинг қўлида етарлича маблағ бўлмаган барча ҳолларда унинг ихтиёрига оқловчини текинга бериш:

2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

Кўчирма

(...)

116-модда. Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади

Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади.

3. Ўзбекистон Республикасининг Адвокатура тўғрисидаги Қ О Н У Н И

1-модда. **Адвокатура ва унинг вазифалари**

Адвокатура - ҳуқуқий институт бўлиб, у адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ҳамда хусусий адвокатлик амалиёти билан шуғулланувчи айрим шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олади. Адвокатура Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, корхоналар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатади.

2-модда. **Ўзбекистон республикасининг адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Ўзбекистон Республикасининг адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

3-модда. **Адвокат**

Олий юридик маълумотга эга бўлган ва белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси Ўзбекистон Республикасида адвокат бўлиши мумкин. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун малака имтиҳонини топшириши шарт.

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари томонидан тегишли малака комиссияларининг қарорларига асосан берилади.

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар, шунингдек, судланганлиги бекор қилинмаган ёки олиб ташланмаган шахсларнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланишига йўл қўйилмайди.

4-модда. **Адвокатура фаолиятининг принциплари ва ташкилий шакллари**

Адвокатура ўз фаолиятини қонуннинг устунлиги, мустақиллик ва бошқа демократик принциплар асосида амалга оширади.

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини бериувчи лицензияни белгиланган тартибда олган шахс ўз адвокатлик бюросини очиб, якка тартибда фаолият кўрсатишга ёхуд ихтиёрийлик асосида бошқа адвокатлар (шериклар) билан ҳайъатлар ва фирмалар тузишга ҳақлидир.

Адвокатлар бюrolари, ҳайъатлари ва фирмалари, шунингдек, адвокатлар бирлашмалари Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари томонидан Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда рўйхатга олинади.

Адвокатлар бюrolари, ҳайъатлари ва фирмаларини тузиш, уларнинг тузилиши, штатлари, вазифалари, маблағларни сарфлаш тартиби ҳамда адвокатлар бюrolари, ҳайъатлари ва фирмаларининг фаолиятига доир бошқа масалалар уларнинг уставлари (низомлари) билан тартибга солиб турилади.

Адвокатлар бюrolари, ҳайъатлари ва фирмалари рўйхатдан ўтган кундан эътиборан юридик шахс мақомини оладилар ҳамда кўрсатилган юридик ёрдам учун фуқаролардан ва юридик шахслардан тушадиган пул маблағлари (даромадлар) ҳисобига фаолият кўрсатадилар.

Адвокатлар қонунда белгиланган тартибда адвокатларнинг жамоат бирлашмаларини тузишлари мумкин.

5-модда. Адвокатлик фаолиятининг турлари

Жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида адвокат:

- ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлари, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотномалар беради;
- ҳуқуқий хусусиятдаги аризалар, шикоятлар ва бошқа ҳужжатларни тузади;
- фуқаролик ишлари ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича судда, бошқа давлат органларида, жисмоний ва юридик шахслар олдида вакилликни амалга оширади;
- жиноий ишлар бўйича дастлабки терговда ва судда ҳимоячи, жабрланувчи фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарнинг вакили сифатида иштирок этади;
- тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатади.

Адвокат қонун ҳужжатларида ман этилмаган бошқа турдаги юридик ёрдам ҳам кўрсатиши мумкин.

6-модда. Адвокатнинг ҳуқуқлари

Адвокат касбий фаолиятини амалга ошириш чоғида қуйидаги ҳуқуқларга эгадир;

тегишли масаларни ҳал этишда ваколатли бўлган барча органлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг топшириғига мувофиқ уларнинг манфаатларини ифода этиш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

судларда, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқаётган органларда далил сифатида фойдаланиши мумкин бўлган фактлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш;

юридик ёрдам кўрсатилиши муносабати билан давлат органларидан, корхоналар, муассасалар, ташкилотлардан ҳамда жамоат бирлашмаларидан зарур бўлган маълумотномалар, тавсияномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган масалалар юзасидан экспертлар хулосаларини, мутахассисларнинг маълумотнома-маслаҳатларини мижознинг розилиги билан сўраш ва ёзма тарзда олиш;

унга ваколат берган ёки унинг ҳимоясида бўлган шахсга нисбатан иш юритаётган судга ва бошқа давлат органларига тўпланган материалларни тақдим этиш;

мансабдор шахсларга илтимоснома ва шикоят бериш ҳамда улардан ёзма тарзда далил-исботли жавоб олиш;

қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳаракатларни бажариш.

Адвокат ёрдамчига эга бўлиши мумкин.

7-модда. **Адвокатнинг вазифалари**

Адвокат ўз касбий фаолиятида амалдаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этиши, унга юридик ёрдам сўраб мурожаат этган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя этиш учун қонунда кўзда тутилган воситалар ва усуллардан фойдаланиши шарт.

Адвокат муайян иш бўйича юридик ёрдам кўрсатаётган ёки аввал юридик ёрдам кўрсатиш шахсларнинг манфаатлари ишни олиб боришни сўраб мурожаат этган шахснинг манфаатларига зид келган ёки у судья, прокурор, терговчи, суриштирув ўтказувчи шахс, жамоат айбловчиси, суд мажлиси котиби, эксперт, матахассис, жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг вакили, гувоҳ, холис, таржимон сифатида иштирок этган, шунингдек, ишни дастлабки тергов қилишда ёхуд судда адвокатнинг қариндоши бўлмиш мансабдор шахс иштирок этган ёки иштирок этаётган бўлса, худди шунингдек, адвокат бевосита ёки билвосита шу ишдан шахсан манфаатдор бўлган ва бу ҳол унга ўз ишини топширган шахснинг манфаатларига зид келадиган ҳолларда юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги топшириқни қабул қилишга ҳақли эмас.

Адвокат кимнинг манфаатларини ҳимоя қилиш топшириғини олган бўлса, ўз ваколатларидан шу шахснинг зарарига фойдаланишга ҳамда гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини ҳимоя қилишдан бош тортишга, агар миждонинг ўзи уни бундан озод этмаса, ҳақли эмас.

Жиноий ишни кўриб чиқишда қатнашишга тайинланган адвокат фуқаронинг тўловга қобилиятсизлигини важ қилиб, унга юридик ёрдам кўрсатишдан бош тортишга ҳақли эмас.

Адвокат давлат хизматида туриши мумкин эмас.

8-модда. **Адвокатнинг ёрдамчиси**

Ўзбекистон Республикасининг юридик маълумотига эга бўлган фуқароси адвокат ёрдамчиси бўлиши мумкин.

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомалага лаёқати чекланган деб топилган, шунингдек, судланганлиги бекор қилинмаган ёки олиб ташланмаган шахс адвокат ёрдамчиси бўлиши мумкин эмас.

Адвокат ёрдамчиси адвокат ҳуқуқларига эга бўлмайди ҳамда унинг суриштирув, дастлабки тергов органларида, судларда ва бошқа давлат органларида ишларни олиб боришига йўл қўйилмайди.

Адвокат ёрдамчиси адвокат кўрсатмасига биноан адвокатнинг юритувидаги ишлар бўйича топшириқларни бажаради, адвокатнинг процессуал ваколатларига тааллуқли ишлар бундан мустасно.

Адвокат ёрдамчисининг меҳнат шароитлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиладиган меҳнат шартномаси билан белгиланади.

9-модда. **Адвокатлик сири**

Адвокат адвокатлик сирини сақлаши шарт. Адвокатлик сири жумласига мижоз адвокатдан ёрдам сўраб мурожаат этганлигининг ўзи, мижоз ёрдам сўраб мурожаат этган масалалар, адвокатдан мижоз олган маслахатлар, насиҳатлар ва тушунтиришларнинг моҳияти, адвокатнинг мижоз билан ўтказган суҳбатида тўхтаб ўтилган барча масалалар киради.

Адвокат, адвокат ёрдамчиси, адвокатлар бюрolari, ҳайъатлари ва фирмалари мансабдор шахслари ва техник ходимларининг адвокатлик сири бўлмиш маълумотларни ошкор этиши ва бу маълумотлардан ўз манфаатлари ёки учинчи шахслар манфаатлари йўлида фойдаланиши ман этилади.

10-модда. **Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари**

Адвокатнинг касбга оид ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати қонун билан қўриқланади. Адвокатларнинг касбий фаолиятига у ёки бу тарзда аралашш, улар ўз касбий вазифаларини бажараётганда олган муайян маълумотларни ошкор этишни талаб қилиш, шунингдек, адвокатлар бирлашмаларининг мансабдор шахсларидан ва техник ходимларидан худди шундай маълумотларни талаб қилиш тақиқланади. Адвокат ўз касбий вазифаларини бажараётганида унга бирор-бир шаклда таъсир ўтказишга йўл қўйилмайди.

Адвокат ҳимоячилик ёки вакиллик вазифасини бажараётганда ўзига маълум бўлиб қолган тафсилотлар юзасидан гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас. Адвокат касбий вазифаларини бажариш муносабати билан қўлга киритган адвокатлик далиллари (ашёлари), ҳужжатлари ундан олиб қўйилиши ёки кўздан кечирилиши мумкин эмас. Шунингдек, унинг ўзи юридик ёрдам кўрсатаётган шахслар билан учрашиш ҳуқуқи чекланиши мумкин эмас.

Адвокатнинг иш юзасидан ҳуқуқий нуқтаи назари хусусида суриштирув органи, терговчи прокурор тақдимнома киритиши, шунингдек, суд хусусий ажрим чиқариши мумкин эмас.

Адвокат қонунга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатаётганлиги муносабати билан уни жиноий, моддий ва бошқа жавобгарликка тортиш ёки бундан жавобгарликни қўллаш билан қўрқитиш мумкин эмас.

Адвокатга нисбатан жиноий иш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан қўзғатилиши мумкин.

11-модда. **Адвокатлар меҳнатига ҳақ тўлаш**

Адвокатларнинг меҳнатига кўрсатилган юридик ёрдам учун жисмоний ва юридик шахслардан адвокатлар бюрolari, ҳайъатлари ва фирмаларига келиб тушган маблағлар ҳисобидан ҳақ тўланади.

Юридик хизмат учун ҳақ тўлаш адвокат билан миждоз ўртасида ихтиёрий равишда тузиладиган битим (шартнома) асосида амалга оширилади.

Шахс тўловга қобилиятсизлиги сабабли кўрсатилган юридик ёрдам ҳақини тўлашдан озод этилганда, жиноий ишни кўриб чиқишда қатнашишга тайинланган адвокатнинг юридик ёрдами учун ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда давлат ҳисобидан амалга оширилади.

12-модда. **Адвокатнинг ижтимоий ҳуқуқлари**

Адвокат давлат ижтимоий суғуртаси бўйича барча нафақа турларини олиш ҳуқуқидан фойдаланади. Давлат ижтимоий суғуртасига бадаллар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган миқдорларда тўланади.

Адвокатга давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар белгилаш ва тўлаш ҳамда давлат пенсия таъминоти қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Адвокатлар бюрolari, ҳайъатлари ва фирмалари маблағлари адвокатларнинг ижтимоий эҳтиёжларига ишлатиладиган фондлар тузишга ҳақлидирлар.

13-модда. **Малака комиссиялари**

Зарур билимга ва касб малакаларига эга бўлган шахсларга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни бериш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, тошкент шаҳри ҳокимликлари адлия бошқармалари ҳузурида малака комиссиялари тузилади.

Малака комиссиялари Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари адлия бошқармалари бошлиқларининг буйруқлари билан адвокатлар ҳамда адлия органлари ходимлари тенг миқдорда киритган ҳолда тузилади.

Малака комиссияларининг қарорлари устидан келтирилган шикоятларни қараб чиқиш, малака комиссиялари иши тажрибасини умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Олий малака комиссияси тузилади. Олий малака комиссиясининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда адвокатларнинг республика жамоат бирлашмаси томонидан адлия органлари ходимлари ҳамда адвокатларни тенг миқдорда киритган ҳолда тасдиқланади.

Малака комиссияларининг ваколатлари ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан адвокатларнинг республика жамоат бирлашмаси билан ҳамкорликда белгилаб қўйилади.

14-модда. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни тўхтатиб туриш ва бекор қилиш

Адвокатлик фаолиятини тўхтатиб туриш ёки тугатиш лицензияни амал қилишини тўхтатиб туриш ёки уни бекор қилиш орқали амалга оширилади.

Адвокатлик амалга ошираётган шахс жиноий жавобгарликка тортилган тақдирда лицензияни берган органнинг қарори билан лицензиянинг амал қилиши у айбланувчи сифатида жавобгарликка тортилганидан бошлаб суд ҳукми кучга киргунга қадар, ёҳуд оқловчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилиши мумкин.

Лицензия уни берган орган томонидан қуйидаги аризаларга биноан бекор қилинади:

адвокатлик фаолиятини амалга ошираётган шахснинг аризасига биноан;

адвокатлик фаолиятини амалга ошираётган шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;

муомала лаёқати белгиланган тартибда чекланган ҳолларда ёки адвокатлик фаолиятини амалга ошираётган шахс муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

адвокатлик фаолиятини амалга ошираётган шахсга нисбатан суд чиқарган айблов қарори қонуний кучга кирганда;

шахс лицензияни олиш чоғида ноқонуний хатти-ҳаракатлар қилинганлигидан далолат берувчи ҳолатлар маълум бўлиб қолганда;

адвокат касб одоби нормаларини мунтазам равишда бузганида ёки қонун ҳужжатларининг талабларини қўпол равишда бузганида.

Лицензия малака комиссиясининг интизомий жазо бериш тўғрисидаги қарорига асосан лицензияни берган орган томонидан тўхтатиб қўйилиши ёки бекор қилиниши мумкин (ушбу Қонуннинг 15-моддаси).

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш тўғрисидаги қарор устидан ушбу қарор олинган пайтдан бошлаб бир ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки судга шикоят қилиниши мумкин.

15-модда. Адвокатнинг интизомий жавобгарлиги

Ушбу Қонун талабларини ва адвокатлик фаолиятини тартибга солиб турувчи бошқа қонун ҳужжатларига бузганлик учун адвокатга нисбатан қуйидаги интизомий чоралар қўлланилиши мумкин:

огоҳлантириш (малака комиссиясининг қарорига биноан);

адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилишини олти ойгача муддатга тўхтатиб туриш (лицензия берган орган томонидан малака комиссиясининг қарорига асосан);

адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни бекор қилиш (лицензия берган орган томонидан малака комиссиясининг қарорига асосан).

16-модда. Адвокатлик фаолиятининг тўхтатилиши

Адвокатлик фаолияти бу фаолиятни амалга ошираётган шахснинг ташаббусига асосан, лекин агар миждоз талаб қилса - аввал қабул қилинган топшириқ бажарилиб бўлгач, ёхуд ушбу Қонуннинг 14-моддасида назарда тутилган ва адвокатлик фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келган тақдирда тўхтатилиши мумкин.

17-модда. Адвокатура ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўз ваколати доирасида: адвокатлар малакасини ошириш тадбирларини амалга оширишга ёрдамлашади;

адвокатура фаолияти тўғрисидаги статистика маълумотларини тўплайди ва ўрганади, адвокатларнинг ижобий иш тажрибаларини оммалаштиради, адвокатлар бюрolari, ҳайъатлари ва фирмаларига услубий ёрдам кўрсатади;

адвокатларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ тарздаги таъқиблар, асоссиз чеклашлар ва тажовузлардан адвокатларни ҳимоя қилиш чоратадбирларини кўради;

адвокатлар бюрolari, ҳайъатлари, фирмалари ва Олий малака комиссияси фаолиятига ёрдам беради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И.Каримов

Тошкент шаҳри,
1996 йил, 27 декабрь.

4. Ўзбекистон Республикасининг Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисидаги

Қ О Н У Н И

1-модда. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи

Адвокатлик фаолияти билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, шуғулланишга ҳақлидир.

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензия берилади.

2-модда. Адвокатлик фаолиятининг асосий принциплари

Адвокатлик фаолиятининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

адвокатнинг мустақиллиги;
касб этикасига, адвокатлик сири ва қасамёдига қатъий риоя этиш;
қонун ҳужжатларида ман қилинмаган усуллар ва воситаларни қўллаш.

3-модда. Адвокат қасамёди

Адвокат тегишли малака комиссиясининг мажлисларида қуйидаги мазмунда қасамёд қилади:

«Ўз касбий бурчимни ҳалол ва виждонан бажаришга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамиша ҳимоя қилишга, адвокатлик сирини сақлашга, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга тантанали қасамёд қиламан».

4-модда. Адвокатнинг ваколатлари

Адвокат Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида, шунингдек, агар олинган топшириқни бажариш зарурияти тақозо этса ва тегишли давлатларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаса, республика ташқарисида ҳам адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Муайян ишни олиб боришга адвокатнинг ваколатли эканлиги ордер билан тасдиқланади.

Адвокат, тараф сифатида, суд ишларини юритишнинг ҳамма босқичида процесснинг барча иштирокчилари билан тенг ҳуқуқларга эга.

Адвокат қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қонун белгиланган тартибда ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни кўчириб олиш;

ўз ҳимоясидаги шахс билан у ушланган пайтдан бошлаб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда миқдори ва муддати чекланмаган ҳоли учрашувлар ўтказиш;

ишда иштирок этиш учун ўзига ижозат берилгани тўғрисида суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судда ёзма равишда тасдиқ талаб қилиш;

иш материаллари билан танишиш ҳамда ишни судда ва бошқа органларда кўриш чоғида овоз қурилмалари ҳамда бошқа техника воситаларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш;

агар жиноят ишини юритишда, шунингдек, фуқаролик, хўжалик ишини ёки маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишни кўриш ва ҳал этишда ҳимояни ёки вакилликни амалга ошириш зарурияти тақозо этса, давлат сирлари, тижорат сири ёки бошқа сир ҳисобланган маълумот билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда танишиш.

Адвокат қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

Адвокат:

юридик ёрдам сўраб мурожаат қилган юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида маслаҳат бериши;

юридик ёрдам сўраб мурожаат қилган шахснинг ишига унинг ҳолатини оғирлаштирадиган касбий нуқтаи назар билан ёндашмаслиги;

ваколат берувчининг, ўз ҳимоясидаги шахснинг нуқтаи назарига кўра ноқонуний қарор чиқарилган тақдирда, бу қарор устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиши шарт.

Адвокат қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажаради.

5-модда. Адвокатнинг мустақиллигини таъминлаш

Адвокатнинг мустақиллиги:

унга қонунда белгиланган тартибда адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун ижозат бериш, бу фаолиятни тўхтатиб туриш ва тугатиш;

адвокатнинг дахлсизлиги;

адвокатлик сирини ошкор этишни талаб қилишни ман этиш;

адвокат олиб бораётган ишларга аралашганлик ёхуд адвокатнинг дахлсизлигини бузганлик ёхуд жавобгарлик;

давлат томонидан унга адвокатлик фаолияти кафолатлари берилиши ҳамда ижтимоий ҳимояланиши орқали таъминланади.

6-модда. Адвокатнинг дахлсизлиги

Адвокатнинг шахси дахлсиз. Адвокатнинг дахлсизлиги унинг уй-жойига, хизмат хонасига, фойдаланишидаги транспорти ва алоқа воситаларига, унинг хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга ҳам тааллуқлидир.

Адвокатга нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, вилоят. Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан қўзғатилиши мумкин.

Адвокатнинг уй-жой ёки хизмат хонасига, шахсий ёки фойдаланишидаги транспортга кириш, уларни кўздан кечириш, тинтув ўтказиш ёки олиб қўйиш, унинг телефон ва бошқа сўзлашув

қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларини эшитиб туриш, адвокатни кўздан кечириш ва шахсий тинтувдан ўтказиш, худди шунингдек, унинг почта-телеграф жўнатмаларини, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш ёки олиб қўйиш, адвокатни мажбурий келтириш, ушлаб туриш ёки қamoққа олиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг санкцияси билан амалга оширилиши мумкин.

Адвокатнинг иш бўйича ҳуқуқий нуқтаи назарига нисбатан суриштирув органи, терговчи, прокурор тақдимнома киритиши, шунингдек, суд хусусий ажрим чиқариши мумкин эмас.

Адвокатни юридик ва жисмоний шахсларга қонунга мувофиқ юридик ёрдам кўрсатилганлиги муносабати билан жиноий, моддий ва бошқа жавобгарликка тортиш ёки унга шундай жавобгарликка тортиш билан таҳдид қилиш мумкин эмас.

7-модда. Адвокатлик фаолиятига аралашишга йўл қўйилмаслиги

Адвокат юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича касбий вазифаларини амалга ошираётганида унинг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди.

Адвокатдан ва унинг ёрдамчисидан адвокатлик сири предмети ҳисобланган ҳолатлар тўғрисида бирон-бир тушунтириш ёки кўрсатувлар беришни талаб қилиш, шунингдек, улар ҳақида тезкор қидирув фаолиятида, жиноят ишлари, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ва бошқа ишларни юритишда фойдаланиш учун бирон-бир материал тақдим этишни талаб қилиш ман этилади.

Адвокатлик фаолиятини амалга ошириш чоғида бирон-бир махсус рухсатнома (ордер, ишда иштирок этиш учун адвокатга ижозат берилгани тўғрисида ёзма равишдаги тасдиқ, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатдан ташқари) талаб қилиш ёки бошқа тўсиқлар вужудга келтириш ман этилади.

Адвокатнинг муайян ишни ўрганишига тўсқинлик қилиш ёки ваколат берувчининг ёхуд ўз ҳимоясидаги шахснинг қонуний манфаатларига зид келувчи нуқтаи назари мажбуран эгаллашига эришиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин таъсир кўрсатиш. Шунингдек, адвокатга таҳдид қилиш, уни ҳақоратлаш, унга нисбатан туҳмат қилиш, куч ишлатиш ёхуд унинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига тажовуз қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

8-модда. Адвокатлик фаолияти ҳимояланишини таъминлаш

Адвокат ва унинг касбий фаолияти давлат ҳимоясида бўлади.

Адвокатнинг ўз ҳимоясидаги шахс билан ҳоли учрашувлар ўтказишини, жиноят ишига доир барча материаллар билан танишиб чиқиши ва ундан зарур маълумотларни кўчириб олишини рад этиш ман қилинади.

Юридик ёрдам бериш билан боғлиқ ахборотни талаб қилиб олиш, олиб қўйиш, кўздан кечириш, текшириш, ундан нусха кўчириш, бундай ахборотни тўплаш ва ундан фойдаланишга фақат адвокат айбланувчи тариқасида жавобгарликка тортилган тақдирда, бошқа ҳолларда - жиноят. фуқаролик, хўжалик ишлари, интизомий ишлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда эса, фақат юридик ёрдам сўраб мурожаат қилган шахснинг розилиги билан йўл қўйилади.

Давлат томонидан адвокатга қўйидагилар таъминланади:

касбий вазифаларини бажариш имконияти;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек, унинг ташқарисида юридик ёрдам сўраб мурожаат қилган шахсларга маслаҳат бериш имконияти;

ўз касбий вазифаларини бажариши туфайли ҳаёти ва соғлиғи учун хавф-хатар юзага келганда зарур даражадаги ҳимоя.

Адвокатнинг касбга оид ҳуқуқларининг давлат органлари ва бошқа органлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бузилиши қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

9-модда. Юридик ёрдамни таъминлаш кафолатлари

Ҳар ким ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун юридик ёрдам сўраб ўзи хоҳлаган ҳар қандай адвокатга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Ушлаб турилган шахсга, айбланувчи, судланувчи ва маҳкумга адвокат билан монеликсиз ва ҳоли учрашиш ҳамда ундан маслаҳат олиш учун зарур шарт-шароит таъминланиши лозим.

10-модда. Адвокатнинг ижтимоий ҳимояси чоралари

Адвокатнинг ҳаёти ва соғлиғи давлат ҳимоясида бўлади.

Адвокатларнинг ҳаёти ва соғлиғини адвокатура ўз маблағлари ҳисобидан мажбурий суғурта қилади.

Суғурта ташкилотлари суғурта суммаларини қўйидаги ҳолларда тўлайди:

адвокат ўз касбий вазифаларини бажариши муносабати билан олган тан жароҳатлари ёки соғлиғига бошқача тарзда етказилган шикастланиш оқибатида ўз касбий фаолиятини амалга ошириш вақтида ёки бундай фаолиятни тугатганидан кейин ҳалок бўлганда (вафот этганда), унинг меросхўрларига - адвокат ўртача ойлик иш ҳақининг эллик баравари миқдорида;

адвокат ўз касбий вазифаларини бажариши муносабати билан бундан кейин адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятини истисно этадиган даражада майиб бўлганда ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилганда - адвокат ўртача ойлик иш ҳақининг йигирма беш барвари миқдорида;

адвокат ўз касбий вазифаларини бажариши муносабати билан унинг бундан кейин адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятини истисно этадиган даражада меҳнат қобилятини узил-кесил йўқотишга олиб бормайдиган тан жароҳатлари олганда ёки соғлиғига

бошқача тарзда шикаст етказилганда - адвокат ўртача ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида.

11-модда. Адвокатуранинг маблағлари

Адвокатура нотижорат ташкилотдир ва фолиятини ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширади.

Адвокатуранинг штатлари, мансаб окладлари ва маъмурий-хўжалик харажатларининг сметалари молия органларида рўйхатдан ўтказилмаслиги лозим. Адвокатуранинг иш ҳақи фонди банклари томонидан назорат қилинмайди.

12-модда. Давлат билан адвокатура ўртасидаги ўзаро муносабатлар

Давлат ҳар бир фуқаронинг тенг ва эркин юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлаш учун адвокатура билан ҳамкорлик қилади.

Адвокатура манфаатларига дахлдор масалалар давлат органлари томонидан Республика адвокатлар жамоат бирлашмаси иштирокида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Давлат адвокатурани фуқаролар мурожаат этиши учун қулай бўлган жойларда зарур бинолар билан белгиланган тартибда таъминлайди.

Адвокатурага коммунал хизматлар, алоқа хизматларини ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бошқа имтиёзлар берилиши мумкин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И.Каримов

Тошкент шаҳри,
1998 йил 25-декабрь.

5. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ

К О Д Е К С И

Ўзбекистон Республикаси Олий
Кенгашининг 1994 йил 22-сентябрь
Қарори билан 1995 йилнинг
1-апрелидан амалга киритилган
1999 йил 1-июлгача бўлган
ўзгартириш ва қўшимчалар билан

Кўчирма
(....)

49-модда. **Ҳимоячи**

Ҳимоячи гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга оширишга ҳамда уларга керакли юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсдир.

Ишда ҳимоячи сифатида сифатида: адвокатлар; ҳимоячи сифатида қатнашиш учун махсус рухсатномага эга шахслар; жамоат бирлашмаларининг ўз аъзоларининг ишлари бўйича вакиллари қатнашишлари мумкин. Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари, шунингдек бошқа шахслар ҳимоячи сифатида иштирок этишига терговчининг қарори ва суд ажрими бўйича йўл қўйилиши мумкин.

Ҳимоячининг ишда иштирок этишига фуқарога айблов эълон қилинган вақтдан бошлаб ёки у гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор эълон қилинган пайтдан ёхуд у ушланган пайтдан бошлаб рухсат этилади.

50-модда. **Ҳимоячини таклиф этиш**

Ҳимоячи гумон қилинувчи, айблануви, судланувчи, уларнинг қонуний вакиллари, шунингдек гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимоси ёки розилиги билан бошқа шахсларга томонидан таклиф этилади.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимосига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлайди.

Танланган ҳимоячининг йигирма тўрт соат ичида ишда иштирок этишга киришишга имконияти бўлмаган ҳолларда, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига ёхуд уларнинг қариндошларига бошқа ҳимоячини таклиф этишни ёки ҳимоячи тайинлашни сўраб адвокатлар бюросига, ҳайъатига ёки фирмасига мурожаат қилишни тавсия этади. Гумон қилинувчи,

айбланувчи, судланувчи танлаган ҳимоячи исталган вақтда ишда иштирок этишга киришишга ҳақлидир.

Ишни юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини юридик ёрдам учун тўловдан батамом ёки қисман озод этишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда адвокат меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда давлат ҳисобидан бўлади.

51-модда. Ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган ҳоллар

Қуйидаги ишлар бўйича:

- 1) вояга етмаганларнинг иши бўйича;
- 2) соқовлар, карлар, кўрлар, жисмоний нуқсони ёки руҳий касаллиги сабабли ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга оширишга қийналадиган бошқа шахсларнинг иши бўйича;
- 3) судлов иши олиб борилаётган тилни билмайдиган шахсларнинг иши бўйича;
- 4) жазо чораси сифатида ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларнинг иши бўйича;
- 5) шахсларнинг манфаатлари ўзаро қарама-қарши бўлиб, улардан ақалли бири ҳимоячига эга бўлган ишлар бўйича;
- 6) давлат айбловчиси ёки жамоат айбловчиси иштирок этаётган ишлар бўйича;
- 7) жабрланувчининг вакили сифатида адвокат иштирок этаётган ишларда;
- 8) тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларда ҳимоячининг иштирок этиши шарт.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишнинг мураккаблиги ва бошқа ҳолатлари туфайли гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда қийналиши мумкин деган хулосага келса, бошқа ишлар бўйича ҳам ҳимоячининг иштирок этишини шарт деб топишга ҳақлидир.

Башарти ушбу моддада кўрсатилган ҳолларда гумон қилинувчи, айбланувчи томонидан ёки уларнинг илтимосига кўра ёхуд розилиги билан бошқа шахслар томонидан ҳимоячи таклиф қилинмаган бўлса, адвокатлар бюроси, ҳайъати ёки фирмаси раҳбари суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг талаби бўйича суриштирувда, дастлабки терговда ёки ишни судда муҳокама қилишда иштирок этиш учун ҳимоячи тайинлаши шарт.

52-модда. Ҳимоячидан воз кечиш

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи иш юритилаётган даврда исталган вақтда ҳимоячидан воз кечишга ҳақлидир. Бундай воз кечишга фақат гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ташаббуси билан ва ҳимоячининг ишда иштирок этишига суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан адвокат таклиф этиш орқали таъминладиган реал имкониятлар мавжуд бўлгандагина йўл

қўйилади, бунда адвокат ҳимоядан воз кечилганлигини тасдиқлайди. Бу ҳақда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи имзолайдиган баённома тузилади ёхуд суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади.

Ушбу Кодекс 51-моддаси биринчи қисмининг 1-4 ва 8-бандларида назарда тутилган ҳолларда ҳимоячидан воз кечиш суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд учун мажбурий эмас.

Ҳимоячидан воз кечиш гумон қилинувчини, айбланувчини ёки судланувчини кейинчалик ишда ҳимоячи иштирок этишига рухсат бериш ҳақида илтимос қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. Бундай илтимос барча ҳолларда қаноатлантирилиши керак. Суд тергови давомида ҳимоячининг иштирок этиши ҳақида берилган илтимоснома ишнинг ҳолатларини ҳисобга олиб ва судланувчига ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш манфаатларини кўзлаб суд томонидан ҳал этилади. Ҳимоячининг суд мажлиси давомида ишга киришиши суд терговини қайта бошлаш учун асос бўлмайди.

53-модда. Ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ҳимоячи: манфаатларини ҳимоя қилаётган шахснинг нимада гумон қилинаётганлиги ёки айбланаётганлигини билиш; ишда иштирок этиш учун ўзига ижозат берилгани тўғрисида суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суддан ёзма равишда тасдиқ талаб қилиш; гумон қилинувчи сўроқ қилинаётганда иштирок этиш, шахсга айблов эълон қилинаётганда ҳозир бўлиш ҳамда айбланувчи сўроқ қилинаётганда, шунингдек уларнинг иштирокида ўтказиладиган бошқа тергов ҳаракатларида қатнашиш ва гумон қилинувчига, айбланувчига, гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга саволлар бериш; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан бошқа тергов ҳаракатлари юргизиладиганда иштирок этиш; ўзи қатнашган тергов ҳаракатларининг юритилиши хусусида ёзма мулоҳазалар бериш; илтимоснома бериш ва рад этиш; далиллар тақдим этиш; давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан ҳамда жамоат бирлашмаларидан ҳимояни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатлар сўраб олиш; гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатларга оид ҳужжатлар билан, дастлабки тергов тамом бўлгандан кейин эса, жиноят ишига доир барча материаллар билан танишиш ва улардан керакли маълумотларни ёзиб олиш; агар ҳимояни амалга ошириш зарурияти тақозо этса, давлат сирлари, тижорат сирини ёки бошқа сир ҳисобланган маълумот билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда танишиш; ишнинг суддаги муҳокамасида тараф сифатида иштирок этиш; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устида шикоятлар келтириш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш; кассация ва назорат инстанцияси суди мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эгадир.

Айбланувчининг ёки судланувчи қамоқда бўлса, ҳимоячи у билан ҳоли учрашишга ҳақлидир. Бунда учрашувлар сони ва давом этиш вақти чегараланмайди.

Ҳимоячи ўз вазифасини амалга ошириши муносабати билан билган маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

Ҳимоячи: гумонни ёки айбловни рад этадиган ёхуд жавобгарликни енгиллаштирадиган ҳолатларни аниқлаш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усулларни қўллаш ҳамда гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига зарур юридик ёрдам кўрсатиш; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Ишда иштирок этиш ҳақида битим тузилган ёки тайинланган вақтидан бошлаб адвокат ҳимоячи вазифасини бажаришни рад этишга ҳақли эмас.

216-модда. Процессуал мажбурлов чораларини ижро қилувчи жой маъмуриятининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганлар сақланадиган жой маъмурияти: ушланган ва қамоққа олинганларнинг суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга ёзган шикоят ва аризаларидан ташқари, хат-ёзишмаларини назорат қилиш: уларга келган посилка, бандероль ва йўқловларни кўздан кечириш; уларни шахсий тинтувдан ўтказиш, бармоқ изларини олиш, фотосуратга тушириш, ушланганлар ва қамоққа олинганлар қонун бўйича эгалик қилиши, фойдаланиши ва тасарруф этиши мумкин бўлмаган пуллар, бойликлар, шунингдек, нарсаларни олиб қўйиш ва сақлаш; бир жиноят иши бўйича гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларнинг ўзаро мулоқотда бўлишларига йўл қўймаслик ҳуқуқига эга.

Ушлаб турилган ва қамоққа олинганлар сақланадиган жой маъмурияти: ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларга адвокат билан монесизлик ва холи учрашиш ҳамда ундан маслаҳат олиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаши, қамоққа олинганларга айблов хулосасининг нусхасини, шунингдек, суднинг ҳукми ва ажримининг нусхасини улар келиб тушган кунда топширишни таъминлаши; уланганлар ва қамоққа олинганларнинг шикоят, ариза ва хатларини улар маъмуриятга берилганидан кейинги кундан кечиктирмасдан тегишли жойларга жўнатиши; қамоқда сақланаётган шахсни суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими асосида бошқа ҳудуддаги тергов ҳибсхонасига кўчиришни таъминлаши; ушлаб турилганларни ушлаб туриш муддати тугагач, дарҳол озод қилиши; ушлаб туриш муддати тугашига ўн икки соат қолганда ва қамоқда сақлаш муддати тугашига етти кун қолганда, бу ҳақда тегишинча тергов органининг бошлиғини ёки прокурорни ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

**6. Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий
жавобгарлик тўғрисида»ги
К О Д Е К С И**

Ўзбекистон Республикаси Олий
Кенгашининг 1994 йил 22-сентябр
Қарори билан 1995 йилнинг
1-апрелидан амалга киритилган.

Кўчирма
(....)

297-модда. **Адвокат**

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда шу ҳуқуқбузарликни содир этган шахсни ушлаб туриш пайтидан бошлаб адвокат қатнашиши мумкин.

Адвокат ишга оид материаллар билан танишиб чиқишга, уни таклиф қилган шахснинг топшириғига биноан ва унинг номидан илтимослар қилишга ва иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидир.

**7. Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят-ижроия»
К О Д Е К С И**

Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлисининг 1997 йил
25-апрель Қарори билан 1997 йил
1-октябрдан амалга киритилган.

Кўчирма
(....)

10-модда. **Юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлаш.**

Маҳкумлар адвокатлардан малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Юридик ёрдам олиш учун адвокатлар билан учрашув маҳкумларга аризасига кўра берилади.

Маҳкумларнинг адвокатлар билан учрашувлари ушбу Кодексда белгилаб қўйилган учрашувлар сони ҳисобига кирмайди, бундай учрашувлар миқдори ва муддати чекланмайди.

Маҳкумларнинг адвокатлар билан учрашуви тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

8. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик процессуал» К О Д Е К С И

Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлисининг 1997 йил 30-август
Қарори билан 1998 йил 1-январдан
амалга киритилган.

Кўчирма
(....)

52-модда. **Шартнома бўйича (ихтиёрий) вакиллик.**

Шартнома бўйича (ихтиёрий) вакилликка биноан ишонч билдирувчи ўз ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича судда иш юритишни вакилга топширади.

Қуйидагилар шартнома бўйича (ихтиёрий) вакил бўла оладилар:

- 1) адвокатлар;
- 2) тарафлар, учинчи шахслар томонидан танланган шахслар;
- 3) биргаликда иштирок этувчилардан бири бошқа иштирок этувчиларнинг топшириғи бўйича.

53-модда. **Вакилнинг ваколатларини расмийлаштириш.**

Вакилнинг ваколатлари қонунга мувофиқ берилган ва расмийлаштирилган ишончномада ифода этилган бўлиши лозим.

Фуқаролар берадиган ишончномаларни нотариус ёки нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахслар тасдиқлайдилар.

Фуқаролар вакилларининг судда иш юритиш ваколатлари ишонч билдираётган шахснинг оғзаки аризаси билан ҳам тасдиқланиши мумкин, бу ҳол суд мажлисининг баённомасига киритилиши лозим.

Давлат бошқаруви органларининг, мансабдор шахсларнинг вакиллари тегишли орган раҳбарларининг ёки мансабдор шахснинг имзоси билан бериладиган ишончнома бўйича иш юритадилар.

Ташкилот номидан бериладиган ишончнома ташкилот раҳбари томонидан имзоланиб, имзо ташкилот маҳри билан тасдиқланади.

Ташкилотларнинг раҳбарлари судга ўзларининг хизмат лавозимлари ёки ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар тақдим этадилар.

Адвокатнинг ваколатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.

54-модда. **Вакилнинг ваколатлари.**

Судда иш юритиш ваколатлари вакилга ҳамма процессуал ҳаракатларни ваколат берувчи номидан амалга ошириш ҳуқуқини беради.

Шартнома ва устав бўйича вакиллик қилувчининг арз қилинган талабларидан бутунлай ёки қисман воз кечиш, уларнинг асосини ёки қисман воз кечиш, уларнинг асосини ёки предметини ўзгартириш, миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш, даъвогарнинг талабларини тан олиш, келишув битими тузиш, ваколатларни бошқа шахсга ўтказиш

(бошқа шахсга ишониб топшириш), суднинг ҳал қилув қарори (ажрими) устидан шикоят бериш, ижро варақасини ундирувга қаратиш, даъво тақдим этувчига тегишли деб қарор чиқарилган мол-мулк ёки пулни олиш ваколати тўғрисида ҳар бир алоҳида ҳолда ваколат берувчи томонидан топширилган ваколатнома махсус изоҳ берилиши керак.

**9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
«Ҳимоя ҳуқуқини таъминловчи қонунларни
қўллаш амалиёти тўғрисида»ги**

**1996 йил 20-декабрдаги 41-сонли
Қ А Р О Р И**

Суд амалиётини ўрганиб чиқиш гумонланувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳимоя ҳуқуқини таъминловчи конституциявий қоидаларга риоя қилинаётганлигини ва бу одил судловни амалга ошириш сифатига ижобий таъсир этаётганлигини кўрсатади.

Шу билан бирга, айрим ишлар бўйича жиноят-процессуал қонунларнинг баъзи талаблари тўлиқ бажарилмаётир, бу эса айрим ҳолларда ҳимоя ҳуқуқининг бузилишига олиб келмоқда.

Мавжуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида, шунингдек, қонунларни амалиётда қўллаш жараёнида муаммолар юзага келаётганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Гумонланувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш конституциявий қоида ҳисобланади ва жиноят-судлов ишларини юргизишнинг барча босқичларида унга қатъий амал қилиниши керак. Шунинг учун уларнинг процессуал ҳуқуқларига оғишмай риоя этиш, иш ҳолатларини ҳар тарафлама, тўла ва холисона ўрганиш, гумонланувчи, айбланувчи ва судланувчини қораловчи ва оқловчи, шунингдек, уларнинг жавобгарликларини оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни аниқлаш, иш бўйича мавжуд бўлган тахминларни синчиклаб текшириш, далиллар тақдим этиш ва уларни текшириш, илтимосномалар келтириш, процесс иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлиликларини таъминлаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодексининг 24-моддасига мувофиқ, суриштирув олиб боровчи, терговчи, прокурор, суд гумонланувчига, айбланувчига, судланувчига қонунда белгиланган восита ва усуллар билан ҳимояланишлари учун имконият яратиб беришга мажбурдирлар.

2. Гумонланувчини, айбланувчини ва судланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлаш учун гумонланувчи, айбланувчи ва судланувчи

айби қонунда белгиланган тартибда исботланмагунча ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз ҳисобланиш назарада тутилган конституциявий қоидага қатъий риоя этиш зарур.

Гумонланувчига, айбланувчига ва судланувчига ўзининг айбсизлигини исботлаш вазифасини юклашга йўл қўйиб бўлмайди. Айблов ҳукми тахминларга, шунингдек, рухсат этилмаган усулларни қўллаш йўли билан йиғилган далиларга асосланган бўлиши мумкин эмас. Бартараф этишнинг имконияти бўлмаган барча шубҳалар гумонланувчининг, айбланувчининг ва судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Суд Жиноят-процессуал кодексининг 25-моддаси талабларига биноан тарафларнинг ўзаро тортишуви тамойилига сўзсиз риоя қилинишини таъминлашга мажбурдирлар.

Бунда тарафлар суд мажлисида далиллар тақдим этиш, уларни текширишда қатнашиш, илтимос билан мурожаат қилиш, ишнинг тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятга эга бўлган ҳар қандай масала бўйича ўз фикрларини билдиришда тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

3. Жиноят-процессуал кодексининг 487-моддасининг мазмунига кўра, суднинг ишни ҳар тарафлама текшириб кўришига халақит берган ҳамда қонуний ва асослантирилган ҳукм чиқаришига таъсир этган ва таъсир этиши мумкин бўлган ҳимоя ҳуқуқининг бузилишини суд қарорининг бекор бўлишига асос бўладиган ҳимоя ҳуқуқини жиддий бузиш деб тушунмоқ лозим.

Жиноят-процессуал кодексининг 51-моддасига мувофиқ, адвокатнинг иштирок этиши мажбурий ҳисобланган ҳолларда ҳимоячининг суд мажлисида, суриштирув ва дастлабки тергов вақтида иштирок этмаслиги ҳам жиноят-процессуал қонунни жиддий бузиш ҳисобланади.

4. Гумонланувчининг, айбланувчининг адвокат олиш ҳуқуқини, аниқ нимада гумонланаётганлигини ёки айбланаётганлигини, судланганнинг эса у қандай жиноий ҳаракатни содир этганликда айбли деб топилганлигини билиши лозимлигини кафолатловчи ЖПКнинг 46,48-моддалари талабларига риоя этиш зарурлигига эътибор қаратилсин. Шунинг учун жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорда, айблаш фикрида ва ҳукмда ЖПКнинг 361,379,467-моддаларида назарда тутилган ҳолатлар аниқ баён этилган бўлиши лозим.

Мабодо шахс бир неча жиноятларни содир этганликда айбланаётган бўлса, бу ҳолатлар ҳар бир айбга нисбатан баён этилиши зарур.

5. Жиноят-процессуал кодексининг 53-моддасига мувофиқ, адвокатнинг ишда иштирок этишига йўл қўйилган вақтдан бошлаб, у гумонланувчини ёки айбланувчини сўроқ қилишда, шунингдек, улар иштирокида амалга ошириладиган бошқа тергов ҳаракатларида иштирок этишга ҳақли.

Суриштирув органлари ёки терговчи бундай ҳаракатларни ўтказиш куни тўғрисида ҳимоячини олдиндан хабардор қилиши керак.

6. Жиноят-процессуал кодексининг 51-моддасига мувофиқ, «ўзининг жисмоний камчиликлари ёки руҳий касалликлари сабабли ҳимоя ҳуқуқини амалга оширишда қийналадиган шахслар» деганда, хусусан, ақли расо деб топилган бўлсалар-да, аммо руҳий фаолиятлари доимий ёки вақтинча бузилган, нутқида, кўришида, эшитишида жиддий камчиликлари шахсларни тушуниш лозимлиги уқтирилсин.

7. Айбланувчининг ҳимоя ҳуқуқини жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичида таъминлаш мақсадида, зарур ҳолларда, айбланувчиларни ва уларнинг адвокатларини судга билдирилган, шунингдек, тергов даврида қаноатлантирмасдан қолдирилган илтимослари бўйича ҳам тушунтириш бериш учун чақириш керак.

Суриштирув ва дастлабки тергов даврида гумонланувчининг, айбланувчининг ҳимоясига оид процессуал ҳуқуқларига риоя қилинмаган, гумонланувчи, айбланувчи ва унинг ҳимоясининг иш учун муҳим аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлаш юзасидан билдирилган илтимослар асоссиз равишда қаноатлантирилмай қолдирилган ҳолларда, шунингдек, қонунда назарда тутилган бошқа талаблар жиддий равишда бузилган бўлса ва тергов камчиликларини суд мажлисида тўлдириш мумкин бўлмаса, қонунда кўрсатилган тартибда суд ишни қўшимча терговга юбориш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиши лозим.

8. Суд (судья) жиноят ишини, унинг ҳажмини, мураккаблигини ва бошқа ҳолатларини инобатга олиб, судланувчини ва унинг адвокатини, шунингдек, бошқа процесс иштирокчиларини иш ҳужжатлари билан танишиш ва ҳимояга тайёрланиш имкониятига эга бўлишликларини назарда тутган ҳолда, қонунда белгиланган муддат ичида, кўриш учун тайинлаш керак.

9. Ўзбекистон Республикасининг Адвокатура тўғрисидаги қонунига биноан, олий юридик маълумотга эга бўлган ва белгиланган тартибда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикасида адвокат бўлиши мумкин.

10. Жиноят-процессуал кодексининг 52-моддасига мувофиқ гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи иш юритилаётган исталган вақтда адвокатдан воз кечишга ҳақлидир. Бундай воз кечиш фақат гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг ташаббуси билан ва фақат адвокатнинг ишда қатнашишига уни таклиф этиш орқали таъминланадиган реал имкониятлар мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади.

Бунда адвокат ҳимоядан воз кечилганлигини тасдиқлайди ва бу ҳақда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, суриштирувчи ёки терговчи имзолайдиган баённома тузилади ёки суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади.

Қуйидаги ишлар бўйича адвокатдан воз кечиш суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд учун мажбурий эмас:

- вояга етмаганларнинг иши бўйича;
- соқовлар, карлар, кўрлар, жисмоний нуқсон ёки руҳий касаллиги сабабли ҳимоя ҳуқуқини амалга оширишга қийналадиган бошқа шахсларнинг иши бўйича;

- судлов иши олиб борилаётган тилни билмайдиган шахсларнинг иши бўйича;

- жазо чораси сифатида ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган, айбланаётган ёки судланаётган шахсларнинг иши бўйича;

- тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича.

11. Адвокатдан воз кечиш гумон қилинувчи, айбланувчини ёки судланувчини кейинчалик ишда адвокат иштирок этишига рухсат бериш ҳақида илтимос қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Бундай илтимос барча ҳолларда қаноатлантирилиши керак. Адвокатнинг суд мажлиси давомида ишга киритилиши суд терговини қайта бошлаш учун асос бўлмайди. Лекин унга иш ҳужжатлари билан танишиш ва ҳимояга тайёрланиш имкони берилади.

Адвокат ишда иштирок этиш ҳақида битим тузгандан ёки тайинлангандан бошлаб ўз вазифаларини бажаришни рад этишга ҳақли эмас.

12. Адвокат қўйидаги ҳолларда жиноят ишини юритишда иштирок этишга ҳақли эмас, башарти у:

- илгари шу иш бўйича судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, суд мажлисининг котиби, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон ёки холис сифатида иштирок этган бўлса;

- ўз ҳимоясидаги гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки ўзи вакиллик қилаётган жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, фуқаровий жавобгарнинг манфаатларига манфаати қарама-қарши бўлган шахсга юридик ёрдам кўрсатаётган ёки илгари шундай ёрдам кўрсатган бўлса.

Жиноят-процессуал кодексининг 79-моддасида адвокатнинг ишда иштирок этишини истисно этувчи бошқа ҳолатлар ҳам назарда тутилган.

Ишда иштирок этишига йўл қўйилган адвокат иш билан танишиш вақтида адвокат бўлганлардан бирининг манфаатлари иккинчисининг манфаатларига қарама-қарши эканлигини аниқласа, улардан бирини ҳимоя қилишдан озод этиш тўғрисида илтимос қилишга мажбур.

13. Қонунга мувофиқ гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўзи танлаган адвокатни таклиф этишга ҳақли.

Танланган адвокатнинг йигирма тўрт соат давомида ишда иштирок этишга киришишига имконияти бўлмаган ҳолда суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига ёки уларнинг қариндошларига бошқа адвокат танлашни таклиф этишга ёки юридик маслаҳатхона орқали адвокат тайинлашга мажбур.

Жиноий ишни кўриб чиқишда қатнашишга тайинланган адвокат фуқаронинг тўловга қобилиятсизлигини важ қилиб, унга юридик ёрдам кўрсатишдан бош тортишга ҳақли эмас.

Адвокат давлат хизматида туриши мумкин эмас.

14. Жиноят-процессуал кодексининг 53-моддасига мувофиқ, қамоқда сақланаётган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи

жиноят-судлов ишларини юргизишнинг бошқа босқичларида сони ва муддати чекланмаган ҳолда адвокат билан ҳоли учрашиш ҳуқуқига эга.

15. Гумонланувчини, айбланувчини, судланувчини, адвокатни судлов иши олиб борилаётган тилни билмасликлари билан боғлиқ бўлган ҳуқуқларини ҳар қандай чеклаш ва бу шахсларни процесснинг барча босқичида ўзининг она тилидан фойдаланиш имконияти билан таъминламаслик жиноят-процессуал қонун талабларини жиддий бузиш деб ҳисобланади.

Адвокатнинг судлов иши олиб борилаётган тилни билмаслиги уни ишда иштирок этишдан четлатиш учун асос бўла олмайди. Бундай ҳолларда суриштирувчи, терговчи ва суд ЖПКнинг 20-моддасига мувофиқ, процессда таржимоннинг иштирок этишини таъминлаш чораларини кўради.

16. Жиноят-процессуал кодексининг 449-моддасига кўра адвокат билан таъминланган ёки таъминланмаганидан қатъий назар, судланувчи ҳам тарафлар музокарасида иштирок этади.

17. Суд музокарасининг иштирокчилари айблов моҳияти бўйича ўзларининг важларини баён этаётганларида суд уларни чеклаб қўйиши мумкин эмас.

Судланувчининг адвокат бўлмаган ҳолда уни суд музокарасида иштирок этишига имконият яратмаслик, шунингдек, охириги сўздан маҳрум этиш, жиноят-процессуал қонунни бузиш ҳисобланади.

18. Ҳукм эълон қилингандан кейин раислик қилувчи судланувчига ва бошқа тарафларга ҳукмнинг мазмунини, унинг устидан шикоят қилиш тартиби ва муддатларини, шунингдек, суд мажлиси баённомаси билан танишиши ҳуқуқини тушунтиради. Агар судланувчи фавқулодда жазо чораси – ўлим жазосига ҳукм қилинган бўлса, унга афв этишни сўраб илтимос қилиш ҳуқуқи ҳам тушунтирилади.

19. Суд судланганга, оқланганга, уларнинг адвокатларига суд мажлисининг баённомаси билан танишиб чиқиш учун имконият яратиши шарт. Процесснинг манфаатдор иштирокчилари қонунда белгиланган муддатдан сўнг тайёрланган баённоманинг имзоланган санаси тўғрисида ўз вақтида хабардор этилишлари лозим.

Мабодо, судланган, оқланган белгиланган муддатда суд мажлисининг баённомаси билан адвокат иштирокида танишиш истаги борлиги тўғрисида ариза тақдим этса, суд бу ҳақда адвокатни хабардор қилиши, у эса ўзининг ҳимоясида бўлган шахс иштирокида суд мажлисининг баённомаси билан танишиб чиқиши шарт, чунки бу ҳимоячининг ўз зиммасига олган ҳимоя қилиш мажбуриятларидан келиб чиқади.

Агарда баённоманинг катта ҳажмдалиги ва бошқа узрли сабаблар туфайли процесс иштирокчиларининг баённома билан танишишлари ва мулоҳазаларини тақдим этишлари учун 5 суткадан ортиқ вақт талаб этилса, бу муддат суд ёки судья томонидан узайтирилиши мумкин.

Суд мажлисининг баённомаси юзасидан тақдим этилган мулоҳазалар муҳим процессуал аҳамиятга эга ва шу сабабли суд томонидан синчиклаб ва холисона кўриб чиқирилиши лозим.

20. Жиноят-процессуал кодексининг 20,473-моддаларига мувофиқ ҳукми эълон қилиш ва уни судланганга, оқланганга топшириш уларни она тилида ёки улар тушунадиган бошқа тилда амалга оширилади.

Агар санаб ўтилган шахслар қайд этилган талабларга риоя этилмаганлиги оқибатида ҳукм устидан шикоят қилиш имконитидан маҳрум этилган бўлсалар, бу ўтказиб юборилган кассация шикояти бериш муддатларини тиклаш ёки кассация босқичи судининг ажримини бекор қилиш учун асос бўлиб ҳисобланиши лозим.

21. Биринчи босқич суди берилган шикоятлар ва протестлар тўғрисида судланганларни, оқланганларни, адвокатларни ва ЖПКнинг 498-моддасида кўрсатилган бошқа шахсларни хабардор қилиш ва уларнинг протест ёки шикоят устидан эътироз бериш ҳуқуқини тушунтириши шарт.

Юқорида қайд этилган қонуннинг қоидалари бузилган ҳолда кассация босқичи суди уларни бартараф этиш чораларини кўришга мажбур.

22. Жиноят-процессуал кодексининг 498-моддасига кўра, ҳукм чиқарган суд ишни кассация босқичи судида кўриш куни тўғрисида шу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларни хабардор қилиши шарт. Ушбу талабга риоя этмаслик ишни кўришни бошқа кунга қолдиришга олиб келади.

Кассация босқичи суди томонидан ишни адвокат иштирокисиз кўриш, агарда у суд мажлиси бўладиган вақт тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинмаган ва бу унинг суд мажлисида иштирок этиш имкониятидан маҳрум этган бўлса, жиноят-процессуал қонун талабларини жиддий бузиш ҳисобланади.

Агарда жиноят ишида адвокатни суд муҳокамаси бўладиган вақт ҳақида тегишли равишда хабардор этилганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар мавжуд бўлса ва ишни кўришни кейинга қолдириш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлмаса, унинг келмаслиги ишни кассация тартибида кўришга тўсқинлик қилмайди.

23. Жиноят-процессуал кодекси 479-моддасининг 4-қисмига асосан процесс иштирокчилари ишни кассация тартибида кўришда иштирок этишга ҳақлидир. Бу масала суд томонидан ишни кассация тартибида кўришга тайёрлаш босқичида ҳал этилади.

24. Суд ҳукмини ижро қилиш билан боғлиқ масалаларни ЖПКнинг 532,542-моддалари тартибига кўра ҳал қилишда адвокатнинг ишда иштирок этишига, агар судланган, унинг қариндошлари ёки бошқа манфаатдор шахслар бу ҳақда илтимос қилаётган бўлсалар, йўл қўйилиши мумкин.

25. Жиноят-процессуал кодексининг 50-моддасига мувофиқ, ҳуқуқий ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлашдан фақат ҳақ тўлаш имкониятига эга бўлмаган, меҳнат қобилятини йўқотган шахслар озод қилинишлари мумкин.

26. Жиноят-процессуал кодексининг 476 ва 496-моддаларига мувофиқ судлар жиноят процессининг барча босқичларида йўл қўйилган ҳимоя ҳуқуқини бузиш ҳолларига муносабатларини билдиришлари лозим.

27. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1993 йил 16-апрелдаги «Ҳимоя ҳуқуқини таъминловчи қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг
«Жиноят ишларининг судлар томонидан кассация ва
назорат тартибида кўриш амалиёти тўғрисида»ги**

**1996 йил 20-декабрдаги 43-сонли
Қ А Р О Р И**

Кўчирма
(...)

4. Судланувчининг биринчи босқич судида қатнашган адвокати ўз ташаббуси билан кассация шикояти бериш ҳуқуқига эга. Агар кассация шикояти берган адвокат маҳкумнинг розилиги бўйича адвокат билан алмаштирилган бўлса, кейингиси жиноят-процессуал кодексининг 481-моддаси талабига биноан қўшимча шикоят келтириши мумкин.

Агарда маҳкум биринчи босқич судида адвокатдан воз кечса ёки унинг шикоятини қайтариб олса, бундай ҳолатда, иш бўйича бошқа кассация шикояти ёки протест келтирмаган бўлса, кассация иши тугатилади.

Бироқ судлар ЖПКнинг 52-моддасида адвокатдан воз кечиш суд учун мажбурий бўлмаган ҳолатлар қайд этилганлигини назарда тутмоқлари керак. Кассация босқичи бундай воз кечишни қабул қилмасдан, ишни мазмунан кўради. Адвокатда воз кечишни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик ҳақидаги қарор коллегиял равишда қабул қилинади ва кассация ажрими матнига киритилади.

Адвокатлар ҳайъати тафтиш комиссияси

Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисидаги қонуннинг 11-моддасида адвокатуранинг штатлари, мансаб окладлари ва маъмурий-хўжалик харажатларининг сметалари молия органларида рўйхатдан ўтказилмаслиги, шунингдек, адвокатуранинг иш ҳақи фонди банклар томонидан назорат қилинмаслиги белгиланган. Демак, ҳайъат аъзоларининг жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатадиган пули ҳуқуқий ёрдамдан белгиланган миқдорда гонорар тушиши, мазкур суммадан адвокатларга иш ҳақининг ўз вақтида, тўғри берилиши устидан молиявий назоратни ҳайъат раиси билан бирга ҳайъатнинг тафтиш комиссияси раиси ва аъзолари ҳам олиб бориши лозим, чунки мазкур қонуннинг талабларидан маълумки, адвокатлар ҳайъатининг молиявий фаолияти юзасидан давлат идоралари назоратига йўл қўйилмайди ва мазкур вазифани амалга ошириш ҳайъат тафтиш комиссияси зиммасига юклатилгандир.

Бундан ташқари, тафтиш комиссияси тасдиқланган смета доирасида ажратилган маблағларнинг тўғри тақсимланиши юзасидан раиснинг фармойишларини, белгиланган тартибда статистик ва молиявий ҳисобот ишларининг олиб борилиши, ҳайъат хазинасига тушадиган пул маблағларининг кирим ва чиқим қилиниши, адвокат ёрдамчисига адвокат ҳисобидан тўланадиган ойлик маошларнинг тўғри тўланиши, ҳайъат маъмурий-техник ходимларига тўланадиган сафар харажатларининг белгиланган тартибда амалга оширилиши, ҳайъатни сақлаш учун кетадиган харажатларни (масалан: бино учун тўланадиган ижара ҳақи, маиший хизматлардан фойдаланилганлик учун тўловлар, инвентарлар сотиб олиш, почта ва обуна тўловлари, автомашина ва техник жиҳозлар сотиб олиш, уларни таъмирлаш сингари) ва шу каби чиқимларнинг амалга оширилишини назорат остига олади.

Шунингдек, тафтиш комиссияси адвокатлар ҳайъати раёсатининг юридик маслаҳатхоналари молиявий-хўжалик фаолиятини тафтиш қилади ҳамда тушган таклифлар, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари юзасидан назорат олиб боради.

Адвокатлар ҳайъатининг тафтиш комиссияси умумий мажлисда ҳайъат аъзолари томонидан 5 йил муддатга сайланади, улар ўз орасидан тафтиш комиссияси раисини ва раис ўринбосарини сайлайди. Комиссия ўз фаолияти даврида мустақил бўлиб, фақат умумий мажлисда ҳар йили камида бир марта ҳисобот беради. Комиссия аъзолигига фақат адвокатлар сайланиб, унинг таркибига маъмурий-техник ходимлар, адвокат ёрдамчилари, стажёр-адвокатлар, ҳайъат касаба уюшмаси қўмитаси раиси, ҳайъат аттестация комиссияси раиси ва ҳайъат раиси ёки ўринбосари киритилиши мумкин эмас.

Ҳайъат аъзолигидан бўшаб кетган тафтиш комиссиясининг аъзолари ўрнига навбатдаги ёки навбатдан ташқари умумий мажлисида янги номзодлар сайланади. Шунингдек, тафтиш комиссияси аъзолари (раиси) ҳайъат аъзолигидан ўз ихтиёрига биноан бўшатиlsa ёки интизомий жазо чораси тариқасида ҳайъат аъзолигидан чиқарилса, уларга нисбатан умумий асослар қўлланилади ва бунинг учун умумий мажлис розилиги талаб қилинмайди.

Адвокатлар ҳайъатининг амалиёти ҳайъати тафтиш комиссияси аъзолари тоқ сондан иборат бўлса ва комиссия сафи 3-7 кишидан ошмаса, яхши самара бершини кўрсатмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. И.А.Каримов. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996
2. И.А.Каримов. Биздан озод ва обод ватан қолсин. - Тошкент, 1997
3. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Т., 1999
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент, 1999
5. Ўзбекистон Республикаси ЖПК. - Тошкент: Адолат, 1999
6. Ўзбекистон Республикаси ФПК. - Тошкент: Адолат, 1997
7. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. - Тошкент: Адолат, 1995
8. Ўзбекистон Республикасининг адвокатура тўғрисидаги қонуни.
9. Ўзбекистон Республикасининг адвокатлик фаолиятини кафолатлари ва адвокатнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисидаги қонуни.
10. Свод законов Белоруссии. - Минск, 1999
11. Новые законы Таджикистана. - Душанбе, 1994
12. Сборник законов Казахстана. - Астана, 1999
13. Сборник законов Армении. - Ереван, 2000
14. Свод законов Азербайджана. - Баку, 2000
15. Ўзбекистон Республикаси адвокатлар касб этикаси қоидалари. Адвокат журналы, 2000
16. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Билл. -Тошкент, 1992
17. Додобоев Ю.Т. Адвокат и адвокатура. - Фергана, 1998
18. Жинойт процесси. Янги аср авлоди, 2002
19. Илинский М.М. Слова адвокату. - Москва: Юридическая литература, 1990
20. Любарская Г.В. На прием к адвокату. - Москва, 1989
21. Лубшев И. Адвокат в уголовном деле. - Москва, 1999
22. Полянский Н.И. Правда и лож в уголовной защите. - Москва, 1997
23. Петрухин И. Вам нужен адвокат. - Москва: Прогресс, 1993
24. Пертухин И. Проблема российской адвокатуры. - Москва: Прогресс, 1995
25. Резник М. Адвокатура в постсоветском обществе. - Москва: Норма, 1998
26. Саломов Б. Ўзбекистонда адвокатлик фаолияти. - Тошкент: Адолат, 2000
27. Яневский К.Я. Об адвокатах и адвокатуры в России. - Москва: Юридическая литература, 1992

28. «Адвокат» ижтимоий-ҳуқуқий, амалий-назарий оммабоп журнал. 1999 йил декабр.
29. «Адвокат» журнали. 1 ва 2-сони. 2000 йил.
30. «Давлат ва ҳуқуқ», илмий-назарий журнал. - Тошкент: 2000 йил 2-сони.
31. «Ҳуқуқ - Право», илмий-назарий юридик журнал. ЎР ИИВ Академияси. 1- ва 4-сони, 2003
32. Ўзбекистон Республикаси олий судининг қарори. 2004 йил 24 сентябр.
33. Ўзбекистон Адвокатураси: Ислоҳ қилишда кўмаклашиш. - Тошкент, 2002
34. Ўзбекистон Республикасининг Адвокатураси ва адвокатлик фаолиятига оид қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари. - Тошкент: Адолат, 2007
35. Б.Саломов. Жиноят ишларида адвокатнинг иштироки (амалий қўлланма). - Тошкент: Адолат, 2007

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш	5
Адвокатлик фаолиятининг умумий тавсифи	6-24
Адвокатлик мақоми	24-27
Адвокатлик фаолияти	28-35
Адвокатурани ташкил қилиш	36-50
Адвокатларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари	51-71
Адвокатлик фаолиятининг турлари	72-87
Адвокатлик тузилмалари назорати, мол-мулклари	88-96
Меъёрий ҳужжатлар	97-123
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	124-125

